


Х.Х.Зокиров, Д.Отамуродова

**ЭКОИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ**

Х.Х.Зокиров, Д.Отамуродова, А.Чориев

**ЭКОИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ
(монография)**

**“Сурхон-Нашр”
нашриёти
2019**

УЎК: 821.512.113-5
КБК: 85(5Ў)7
3 96

Х.Зокиров, Д.Отамурудова, А.Чориев. “Экоиктисодий инқирозларни бартараф этишда оммавий ахборот воситаларнинг ўрни” (монография), - Термиз: “Сурхон-Нашр”, 2019й. –124 б.

Ушбу монографияда “Экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” фанининг асосий жиҳатларини очиб берувчи, экологик маданият, экоиктисодий муаммоларни олдини олишда ахборот таълим-тарғиботининг ўрни, экологик тафаккур ва экологик маданиятни танқислиги, демография ва урбанизация ҳодисаларининг иқтисодий оқибатлари, Шарқ алломаларининг табиат билан инсон орасидаги муносабатлари, экологик таълим ва тарбияни йўлга қўйишнинг усул ва воситалари ҳақида маълумотлар берилган. Монографиядан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш таълим йўналиши талабалари, мутахассислари, аспирант, докторантлари ва албатта ушбу соҳа билан қизиқувчи ва экологик муаммоларга бефарқ бўлмаган барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор М.Арамов;
Биология фанлари номзоди, доцент М.Абраматов.

Монография Термиз давлат университети илмий кенгашининг 2019 йил 16 ноябрь 4.5.1 сонли баённомаси билан чоп этишга рухсат этилган

ISBN: 978-9943-5275-1-9



Х.Зокиров ва бошқалар



“Сурхон-Нашр”, 2019

КИРИШ.

"Асрлар туташ келиб қолган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Афсуски, хали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар" (*И.А.Каримов*).

Бугунги кунда дунё миқёсида экологик таназзул рўй бермоқда. Бунинг сабаблари нимада? Эҳтимол, бу сабаблар инсон ўзига дастури-амал қилиб олган қадриятлардadir? У ҳолда бу қадриятларни қай тарзда ва қандай қилиб ўзгартириш керак? Янги қирралар қандай бўлиши лозим? Демак, экологиянинг энг асосий масаласи инсоннинг инсоний сифатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу эса албатта аҳолининг экологик маданияти ва экологик онгини шаклланганлиги билан уйғунлашган ҳолда мукаммал экологик билимларга эга бўлиш кераклиги қанчалик долзарб аҳамият касб этиши мумкинлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Инсоният ХХІ асрга қадам қўйган ҳозирги пайтда энг долзарб масалалардан бири ҳам экологик маданиятни шакллантириш бўлиб турибти. Чунки экологик маданият шаклланса она-табиат ва инсонлар ўртасидаги мувозанат сақланиб турилади ва бу ўз навбатида яшаш тарзини яхшилашга хизмат қилади. Инсоннинг маънавий, иқтисодий, жисмоний, лозим бўлса, эстетик жиҳатдан гўзаллиги ва ақлий ҳаёти бевосита табиат мусаффолиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги ривожланган жамиятда фан техника тараққиётининг жадал ривожланиши саноат-ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг мисли кўрилмаган даражада кенгайиши, инсониятнинг бир асрда 5,5-6 баробарга кўпайиши билан боғлиқ бир қанча экологик муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳақиқатдан ҳам экологик муаммолар сабаб ва оқибатларига кўра сайёрамизнинг ҳамма бурчакларида долзарб, аммо унинг кескинлик даражаси ҳар бир мамлакат ва минтақаларда турличадир. Инсониятнинг табиий яшаш воситаларидан меъёридан ортиқча фойдаланиши, табиат қонуниятини етарлича тушунмасликлари ёки билганларига амал қилмасликлари натижасида табиат барқарорлиги инқирозга юз тутмоқда. Табиат билан кишилар ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик кишилик жамиятининг илк

босқичларидан маълум. Чунки табиат инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий моддий неъматлар билан таъминлайди.

Хуллас ҳаёт учун барча зарурий моддий неъматларни инсоният бевосита ва билвосита йўллар билан табиатдан олади, баҳраманд бўлади. Моддий неъматлардан фойдаланиш жараёнида одамлар аввалига истаганича ва ундан ортиқ миқдорда фойдаланган бўлишса, албатта қанчалик исрофгарчиликга йўл қўйишганини англаб етмоқдалар.

Демак юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, экология билан иқтисодиёт ўртасида жуда ҳам яқинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тақазо этадилар. Экология хўжаликни юритиш учун ресурслар ва қулай табиий шароитларни таъминлаб беради, иқтисодиётни юксак даражада таррақий этишини таъминлайди.

Шундай экан табиат ва жамиятни ўзаро узвий алоқаларини яхшилашда бугунги кунда ёшларга экологик маданиятни уйғотиш табиатни, атроф- муҳитни, бутун борлиқни асраб-аввайлашга ўргатиб бориш муҳим ҳисобланади.

Экологик маданият қуйидагиларни ўзида қамраб олади:

- Табиатни муҳофаза этиш маданияти,
- Табиат бойликларидан фойдаланиш маданияти,
- Барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш маданияти ва ҳоказолар.

Экологик маданият соҳиби бўлиш фақат табиатга зарар келтирмаслик эмас, балки уни гуллаб яшнаши, янада яхшиланишига ҳисса қўшиш, унга бешавқатларча муносабатда бўлганларга қарши курашмоқ ҳам демакдир. Экологик маданиятни шакллантиришни ёшликдан оқ ривожлантириб бориб, ёш авлодга она-табиатни нечоғлик буюк неъмат эканлигини онгли равишда уйғотиш, ҳар бир хонадон ўз яшаш масканида экологик мувозанатни сақлай олиши муҳим ҳисобланади.

Умуман маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши узок давом этадиган мураккаб жараёндир, ҳозирги пайтда одамларнинг экологик маданияти ҳали унчалик даражада юқори деб бўлмайти. Табиатнинг бойлик яратиш имконияти чегараланган, шу сабабли инсон эндиликда табиатнинг ўз-ўзини тиклашга, модда алмашинувида ўзининг оқилона ва самарали ташкил этилган

меҳнатлари билан жиддий ёрдам бериши керак. Экологик билимларсиз эса экологик маданият ҳам шаклланимайди.

Асрлар мобайнида инсон муҳитга мослашишга эмас, балки ўзи кун кечириши учун қулай шароит яратишга интилиб келди. Натижада инсоннинг ҳар қандай ҳаракати атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатди. Атроф-муҳит билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабат инсоннинг жисмоний, руҳий ҳолатлари барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Экологик манифестда таъкидланган “инсонга инсонийлик, табиатга табиийлик ҳаммаси инсон фаровонлиги учун” деган ҳақиқатга инсоннинг ҳар доим ҳам амал қила олмаслиги атроф-муҳитни мўтадиллигини издан чиқариб, кўпгина муаммоларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам бизнинг асосий мақсадимиз ва вазифамиз:

- бугунги кундаги экологик вазиятларнинг тобора издан чиқишига таъсир қилаётган антропоген омиллар таъсирини камайтириш ва экологик онгни шакллантириш. Экологик муаммоларнинг ечимини топиш ва янги замонавий усуллариини ўйлаб топиб, ҳаётга тадбиқ этиш;
- экологик муаммоларнинг ечимини топиш ва янги замонавий усуллариини ўйлаб топиб, ҳаётга тадбиқ этиш;
- Экологик муаммоларнинг кескин тус олиш сабабларини ўрганиш ва уларни ечимини топиш чора тадбирларини излаб топиш;
- Экологик маданиятни шакллантиришда экологик таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- инсон демографияси ва урбанизация муаммоларининг экологияга таъсирини ўрганиш ва уларни олдини олиш борасидаги замонавий ечимларни излаб топиб, ҳаётга тадбиқ қилиш.
- Табиий ресурсларни ҳимоялаш ва тежамкорлик билан ишлатиб, келажак авлодларга ҳам ушбу ресурсларни етказиш бўйича илмий ишлар олиб бориш;
- Айниқса шаклланиб келаётган ёш авлоднинг онгида “инсон табиатни эмас, табиат инсонни бошқаради” деган ғояни сингдириш каби тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат

ДАВЛАТ ВА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРИ ХУСУСИДА.

Азалдан табиат ҳам, инсон ҳам ўта мураккаб тизимдан иборат эканлиги ҳар бир кишини фикрлашга ундаб келган. Асосан илм аҳлларининг эътибори уларнинг яратилиши, моҳияти қизиқтириб келган. Натижада турли шароитларда, жамият ва тузумларда турфа хил қарашлар, фикр ва таълимотлар вужудга келди. Шарқ ва Ғарбда фаолият олиб борган алломалар бу ҳақида йирик асарларида ўз қарашларини баён қилиб қолдирган. Бу ўз навбатида табиат ва инсон тўғрисидаги жумбоқларни, муаммоларни, қарашлар тизимини ниҳоятда чигаллаштириб юборади.

«Шарқда табиат ва инсон ҳақидаги илк сабоқларни Зардуштийларнинг мукаддас китоби «Авесто» беради. «Авесто» ниҳоятда йирик меърос бўлиб, унда барча соҳага тегишли қимматли маълумотларни ўз ичига олган бебаҳо ёдгорликдир. Унинг асосий мазмуни инсон табиат унсурларидан яралган ноёб, отли, ўз ҳаракатлари оқибатини англай оладиган мавжудот бўлиб, табиатга нисбатан бефарқлик, инсонга нисбатан бефарқликдир ҳамда табиат ва инсон яратувчисини тан олмаслик деб ҳисобланишидир».

Табиат ва инсон тўғрисидаги таълимот кейинчалик Шарқ уйғониш даврига келганда, яъни илм-фан тараққиёти даврида янада шаклланди. Бу даврда Шарқнинг асосий қисми араблар томонидан истило қилиниб, ислом мафкураси ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Энди мифологик дунёқарашнинг маълум элементларигина сақланиб қолиниб, кишилар онгини ижтимоий - фалсафий, диний дунёқараш эгаллади.

Қуръонда, биз инсон зотини мукаррам қилиб яратдик ва ер юзида пок нарсалардан руҳлантирдик, ерда, сувда юрадиган қилиб, вақтларини яратиб бердик ва ўзимиз ҳам қилган кўпгина нарсаларимиздан афзал қилиб қўйдик деган оят бор. Шу оятга биноан Оллоҳнинг бутун оламни яратишдан мақсади инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир, энг афзалидир. Қуръон таълимотига биноан инсон Оллоҳнинг ер юзидаги ҳалифасидир. Бу инсонни жуда улуғлайдиган мартабадир. Бундан ташқари «яширин хазина» бўлган Оллоҳ таоло илму-ҳикматининг бир қисмини инсон қалбига жойлаган, яъни инсон «яширин хазина» ни сақловчи хазинадордир. Қуръони Карим ва Ҳадислар, шариат қонунларисиз фаолият юритган ҳар қандай киши шу мафкурага асосланиб илмий изланишларни олиб борарди. Нафақат

табиат ва инсонга нисбатан, балки бошқа тушунчаларга ҳам бошқа ҳудудлардагидек, айна пайтдаги шарт-шароитга қараб ҳулоса қилинган.

Инсон улкан иззат ва ҳурматга лойиқдир. Алишер Навоий ўзининг «Вақфия» асарида - «Бутун осмон ва осмондаги жами нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд бўлган нарсалар, ҳамма мамлакатлар ва уларда бор жами неъматлар - бари, энг яхши нарсалар инсон учун, унинг бахт-саодати учун яратилган, буларнинг ҳаммаси инсонга хизмат қилмоғи керак» - деб ёзган эди.

Жаҳон фалсафасининг таркибий қисми бўлган Шарқ фалсафасида инсонда икки қарама-қарши асос: **модда ва руҳ** мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида муттаносиб бўлиши, бири устуворлик қилиб, бошқаси орқада қолиб кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб, моддийлик руҳдан устун келиб, руҳ жисм қулига айланиб, унга хизмат қилгудек бўлса, унда инсон амалий фаолиятида салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча руҳий-маънавий томонлари тараққий этган инсонларда ақлу-заковат, инсофу-диёнат, одоб-ахлоқ, илму-маърифат, мол-дунёга берилиш, ҳайвоний нафсларга қул бўлиши сингари хато ва нуқсонлардан устуворлик қилади. Руҳий-маънавий жиҳат инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган фазилатлардир.

Шарқ олимларининг тафаккури олами юксак билим соҳибларига жуда бойдир. Табиат ва инсонга нисбатан уларнинг қарашлари битмас-туганмас ва аҳамиятли томони шундаки, улар олимлар томонидан ҳамон ўрганилмоқда. Алломаларимизнинг табиат ва инсон тўғрисидаги қарашлари Шарқ илмий меъросининг ниҳоятда бойишига сабаб бўлди. Бугунги кунда ҳам бу қарашлар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Қолаверса, Шарқ мутафаккир олимларимизнинг табиат тўғрисида билдирган фикрларида табиат гўзаллиги, унинг мусаффолиги ҳар доим инсон фаолияти билан боғлиқлиги ўз аксини топиб келган.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик алломалар ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни муҳофазалаш ҳақидаги муҳим фикрларни айтганлар ва ушбу фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшишган.

Шарқ фалсафаси етакчиси Абу Наср Фаробий шундай ёзади: «Дунё, табиат ҳудо томонидан қисқа муддат ичида яратилмаган. Табиатнинг бу ҳолга келишига қадар бир қанча вақт ўтган, жараёнлар ўтган». У инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб, ҳайвонот олаmidан фарқ қилади, инсон - билиш субъекти, табиат эса унинг

объекти деб билади. Табиатнинг оламдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигига Фаробий шубҳа қилмайди, объект субъектга қадар мавжуд бўлади. «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки - дейди Фаробий - у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун жуда кўп нарсаларга муҳтож бўларди, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилан етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради». Алломанинг илмий ва фалсафий қарашлари тўлалигича ўрганилмаган. Фаробий табиий ва инсон қўли билан яратилган нарсаларни ажратган. У табиий нарсалар табиат томонидан яратилади, деган хулосага келади. Табиатга инсон омилининг таъсири катта эканлигини, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни атрофлича баҳолайди. А.Н. Фаробий табиатшуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, унинг «Китоб ал-ҳажм ва ал-миқдор», «Китоб ал-мабоди-инсоний» инсоннинг бошланиши ҳақида китоб ва бошқа асарлари бунга далил бўла олади.

Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақл ва тафаккури туфайли эканлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. «Хужжатул ислом» номини олган Абу Ҳамид Ғаззолий эса бу устунлик ақлда эмас, балки инсон қалбида деб ҳисоблайди. Абдуҳолик Ғиждувоний «Инсон-кичик бир оламдир, инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашган», деб баҳолайди.

Абу Райхон Беруний (973-1048) коинотдаги ҳодисаларни таракқиёт қонунлари билан тушунтиришга уринади. У ердаги баъзи ҳодисаларни қуёшнинг таъсири билан изоҳлайди. Унингча, инсон табиат қоидаларига риоя қилган ҳолда борлиқни илмий равишда тўғри ўргана олади. Беруний асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва ҳўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. Берунийнинг илмий қарашлари асосан: "Минералогия", "Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар" асарида кўплаб учрайди.

Берунийнинг «Сайдана» номли асарида **1116** тур дори дармонларни тавсифлаган, уларнинг **750** таси турли ўсимликлардан, **101** таси ҳайвонлардан, **107** таси минераллардан олинади.

Ибн Сино турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканлигини уқтириб, сувни қайнатиб ёки филтirlаб истеъмол қилишни тавсия этган. У ташқи муҳитдаги ҳаво, сув орқали касаллик тарқатувчи кўзга кўринмайдиган турли табиий нарсалар, "майда ҳайвонлар", яъни микроблар ҳақидаги фикрини айтган.

Демак, Ибн Сино микроблар ҳақидаги тушунчани фанга киритган Луи Пастердан 800 йил илгари юқумли касалликларни микроблар кўзғатиши тўғрисидаги фикрларни ёзиб қолдирган. У касалликларнинг олдини олишда ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, шахсий ва ижтимоий гигиена қоидаларига риоя қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни бундан 1000 йиллар илгари айтиб ўтган.

Муҳаммад Ал-Хоразмий 847 йилда «Китоб суърат ал-арз» деган асарларини ёзган. Унда дунё океанлари, қуруқлик, қитъалар, қутблар, гуллар, тоғлар, дарёлар ва денгизлар, кўллар, ўрмонлар, шунингдек бошқа табиий ресурслар ернинг асосий бойликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий табиатнинг ажралмас қисми материяни оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси деб ҳисоблайди, оламни инсон сезгиси билимининг асоси деб билади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (**1483 — 1530**) нинг ғазаллари ҳар кимга манзур. У фақат шоиргина бўлмай, балки подшоҳ, саркарда, тарихчи, машшоқ, овчи, боғбон, сайёҳ ва табиатшунос ҳам бўлган. «Бобурнома» Бобурнинг энг йирик асари бўлиб, асарда Бобурнинг кўрган кечирганлари, юрган жойларининг иқлим шароитлари, табиати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари. Ҳайвонот ва ўсимлик олами тасвирланган. Асар муҳим атамалар ва топономик манбаларга бой.

Бобур ўз асарларида ҳар бир ҳудудни маълум бир тартибда тасвирлайди. Аввало жойнинг географик ўрни, сўнгра қайси иқлимга мансублиги, ҳар хил шифобахш жойлари, ўсимликлари, ҳайвонлари ҳақида маълумотларни келтириб ўтган. Жумладан, ўзбек халқи қадимдан экологик маданият меъросига эга эканлигини бот- бот такрорлаган.

Шунингдек тиббиёт фанининг асосчиси Гиппократ инсон саломатлигига атроф-муҳитнинг таъсири катта эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган. Аристотел эса ҳайвонларни, уларнинг ҳаёт тарзи ва овқатланишига қараб ҳар хил гуруҳларга бўлган.

Ўсимлик ва ҳайвонлар, инсон ҳаётининг атроф-муҳит билан боғлиқлиги А. Гумболд, Ж. Б. Ломарк, К. Руле, Ч. Дарвин, Э. Геккел асарларида ҳамкиритилган. Антик даврда яшаган файласуфларнинг асарларида ҳайвонларнинг турли инстинктлари, балиқлар ва қушларнинг миграциялари, ўсимликларнинг ташқи қиёфаси, тупроқ ва иқлим шароитлари билан боғлиқлиги, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Экологиянинг фан сифатида шаклланиши XX аср бошларида амалга ошди. Дастлаб ўсимликлар ва ҳайвонлар экологияси, XX асрнинг 20-йилларида ижтимоий экология ва инсон экологияси ривожланди. 20-30 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида Д. Н.Кашкаров ва З.П. Коровинларнинг экология-география мактаби ташкил этилиб, ўлкамиз табиатининг экологик тадқиқ қилиш бошланди.

1920-йилларда Ўрта Осиё табиатини дастлабки ўрганган олимлар томонидан биоценозларнинг тизимлар, шунингдек, биоценоз ва ландшафтларнинг биринчи модели яратилди. 1930-йилларда экология-география йўналишига асосланган. Ўрта Осиё экология мактаби ҳозирги М. Улуғбек номидаги ЎзМУ қошида шаклланди. Мактаб ўлканинг нафақат биологик мажмуилари ва биотаркибий қисмларини ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки табиий география, айниқса ландшафтшунослик ғояларининг ривожланишида ҳам катта рол ўйнади.

Бундан ташқари, эколог мутахассислар тайёрлашда, экологияни ривожлантиришда, шунингдек, экологияга оид адабиётларнинг намуналарини яратишда ушбу мактабнинг хизматлари каттадир. Мактаб экологлари берган илғор ғоялар ўлканинг табиати ва табиий ресурсларини аниқлаш ва ўрганишда ҳамда Ўрта Осиёда экологик- географик ғояларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Географик йўналишдаги йирик экологик, географик ишлар Ўрта Осиёнинг табиати, биомажмуилари, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳудудий ажралишлари, районлаштириш, ландшафтлар харитасини яратишга қаратилди. Шунингдек,

жазирама чўл ва юқори тоғли чўллар ва уларнинг ўзига хос табиий мажмуаларини ўрганиш методлари ишлаб чиқилди.

1930-йилларда эколого-географик илмий изланишларнинг натижалари китоб ҳолида чоп этила бошланди. Бунда фақат маълум жойнинг экологик ҳолати ҳақида гап бормай, балки экология фанининг асослари биоценология ва фитоценология каби соҳалари ҳам ривожлантирилди.

Ўзбекистонда экологик йўналишдаги ишларнинг асосчилари Д. Н. Кашкаров ва Е. П. Коровинлар ҳисобланадилар. Улар экологик-илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва эколог мутахассислар тайёрлаш масаласини ўртага ташлайдилар ва унинг ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлаганлар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиклари Т.З. Зоҳидов, А. М. Муҳаммадиев мухбир аъзоларидан В. В. Яхонтов, М. А. Султонов, Р. О. Олимжонов кабилар Ўзбекистонда ҳайвонларни ўрганиб экология фанига ҳисса қўшган бўлсалар, Е. П. Коровин, И. И. Гранитов, В.А.Буригин, О. Х. Хасанов каби олимлар Ўзбекистон ўсимликларини ўрганиб экология фанига улкан ҳисса қўшдилар ва экология фанини ривожлантирдилар.

Ўрта Осиё экологларининг айниқса, ўлканинг айрим ландшафтларининг экологиясини ўрганиш, тузилмаси, фаоллиги, динамикаси ва эволюцияси, шунингдек табиий ресурслардан оқилona фойдаланишнинг муаммолари ишлаб чиқилди. Д. Н. Кашкаров ишлари ландшафтларнинг айрим элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқликлари, бирлиги ҳамда модда ва энергия алмашинуви, намлик, тупроқ ва биотик омилларнинг роли, антропоген омилларнинг ландшафтларга таъсири ва бошқалар очиб берилган. У биринчи бўлиб ландшафтлар ва биоценозларнинг моделини яратишга ҳаракат қилди.

П.А. Баранов ва И.А. Райковалар Помир тоғларида чўл биоценозининг келиб чиқиши, динамикаси ва эволюциясида организмлар ҳаётида ноқулай ҳароратнинг роли, маданий биоценозларни юқори тоғ шароитида яратиш масалалари ишлаб чиқилди. Р. И. Аболин, Е.П. Коровин, М. В. Култиасов ва И. И. Гранитовларнинг эколого-фитоценологик қарашлари уларнинг чоп этган бир қатор ишларида ўз аксини топган.

Ўрта Осиёда зооэкологик йўналишдаги комплекс ишларнинг ривожланиши Т.З. Зоҳидов номи билан чамбарчас боғлиқ. У кўп йиллар давомида чўлларни экологик нуқтаи-назардан

ривожлантириш ва биологик ресурсларни экологик фаунистик таҳлил ва синтез методи ёрдамида баҳолашга алоҳида эътибор берди. Т. Зоҳидов Қизилқум чўллариининг ўзига хос ҳаёт макони эканлигини, қумли, шўрхоқ, лойли ва тошлоқ чўллари мустақил биотоплар сифатида тавсифлаб, уларни ўз навбатида майда ҳудудий бирликлар, гуруҳларга ажратиб берди.

Шундай қилиб экологик районлаштириш тирик организмларга маълум бир табиий шароити билан таъсир этишини ифода этади. Д. Н. Кашкаров ва Т.З. Зоҳидов ва бошқаларнинг ишларида ҳар бир табиий омил (геологик, тарихий, орографик, иқлим, ўсимликлар ва бошқалар) таъсирида маълум ҳудудлар бўйича ҳайвонлар гуруҳи ҳамда биоценозларнинг тақсимланганлиги очиқ берилган.

Экология фанини ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилишга доир амалга оширилаётган ишлар ҳозирги кунда ҳам давом этаяпти. Ўзбекистон Фанлар Академияси қошида иш олиб бораётган ботаника, зоология ва паразитология институтлари олимлари ўсимликлар ва ҳайвонлар экологиясига бағишланган ишларни олиб бормоқдалар.

АТРОФ-МУҲИТГА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ САБАБЛАРИ.

Табиат билан иқтисодиёт орасидаги ўзаро боғлиқ кишилиқ жамиятининг илк босқичларидан маълум. Чунки табиат инсонни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий моддий неъматлар билан таъминлайди. Инсон табиатдан эстетик завқ олади, унда ва унинг таъсирида соғлигини тиклайди. Хуллас, ҳаёт учун барча зарурий моддий неъматларни бевосита ва билвосита йўллар билан олади, баҳраманд бўлади. Моддий неъматлардан фойдаланиш жараёнида одамлар аввалига истаганича ва ундан ортиқ миқдорда фойдаланган бўлиб, албатта исрофгарчиликка йўл қўйган. Лекин вақт ўтиши ва ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашуви, энг муҳими одамларнинг фикрлаш қobiliяти, онгининг ўсиши билан ноз-неъматлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик белгилари ҳам шаклланиб борган. Демак, хўжалик юритишни одамлар жуда қадимдан эгаллай бошлаганлар.

Ҳозирги вақтда инсон фаолияти таъсирида биосферанинг ўзгариши жуда тезлик билан борапти. Инсон ер қуррасининг қиёфасини ўзгартиришда катта геологик куч сифатида вужудга

келганини В. И.Вернадский томонидан таъкидлаб ўтилган эди. Инсоннинг табиий жараёнлардан нотўғри фойдаланиши натижасида XX асрнинг ўрталарида экологик муаммолар жуда авж олиб кетди. Экологик муаммо деганда инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ ҳолда табиатнинг инсонга акс таъсири, яъни унинг иқтисодиётида, ҳаётда ҳўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар, табиий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ходиса тушунилади. (иқлим ўзгариши, ҳайвонларнинг ялпи кўчиб кетиши) табиатдаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида турли миқёсдаги экологик муаммолар шаклланмоқда.

Биргина инсониятнинг иштирокида фан ва техниканинг ривожланиб бориши атроф табиий муҳитимизни ўта аянчли аҳволга олиб келиб қўймоқда. Бунга биргина мисол қилиб озон қатламининг емирилишини олишимиз мумкин. Озоносфера атмосферанинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у иқлимга ва ер юзасидаги барча тирик организмларни нурланишдан сақлаб туради. Атмосферадаги озоннинг энг муҳим хусусияти унинг доимо ҳосил бўлиб ва парчаланиб туришидир. Озон қуёш нурлари таъсирида кислород, азот оксиди ва бошқа газлар иштирокида ҳосил бўлади. Озон кучли ультрабинафша нурларни ютиб қолиб, ер юзидаги тирик организмларни ҳимоя қилади. Ультрабинафша нурлар миқдорининг ортиши тирик организмларга салбий таъсир қилади. Ультрабинафша нурлари таъсирида нурланиш одамларда терини куйишига сабаб бўлади. Бугунги кунда тери раки билан касалланиш ушбу нурлар таъсирида келиб чиқаётганлиги аниқланди. Ҳозирги даврда фреонлардан кенг фойдаланиш туфайли ҳамда авиация газлари, ядро синовлари бомбаларини портлатишлар атмосферада етарли миқдорда озон тўпланишига имкон бераётгани.

Бугунги кундаги инсоният томонидан келтирилиб чиқарилаётган яна бир катта муаммолардан бири бу чучук сувларнинг етишмаслигидир. Бугунги кунда ушбу муаммонинг шу даражада долзарблашиб кетишига инсонларнинг ўзи сабабчи эмасмикан деган савол ётади. Қуруқликда чучук сув ва унинг биосферадаги роли ниҳоятда катта. Гидросферада чучук сув миқдори жуда оз ($2-2,5\%$). Жамиятнинг ривожланиши билан аҳолининг чучук сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Бизнинг асримизда чучук сувдан фойдаланиш 7 марта ортиган. Йилига $3-3,5$ минг км³ сув сарфланади. Қурғоқчил зоналарда дарёлар сувидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда уларнинг суви етмай қолмоқда.

1980-йил бошларида бундай ҳолат Африка, Австралия, Италия, Испания, Мексика, Нил, Амударё, Сирдарё ва баъзи бир бошқа дарёларда кузатила бошланди. Дарёларнинг саноат ва маиший заҳарли моддалар билан ифлосланиши ўсиб бормоқда. Саноат йилига 160 км³ оқова сувларини дарёларга ташламоқда. Бу кўрсаткич дарёларнинг умумий сув миқдорининг 10% ини ташкил этади. Дарёлардаги тоза сувларда йилдан йилга ҳар хил эриган моддалар, заҳарли кимёвий моддалар ва бактерияларнинг миқдори ортиб бормоқда.

Умумбашарий экологик муаммолар бир ёки бир неча мамлакатлар муаммоси бўлмасдан, балки, умумжаҳон, умумбашариятнинг глобал муаммосидир. Шу сабабли ҳам ушбу экологик муаммолар бўйича халқаро сиёсат юритилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, Орол муаммоси ёки Амударё, Сирдарё сувларини ифлосланишини олдини олишда биргина Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳал этолмайди, чунки бу дарёлар бир неча давлатлар ҳудудларидан оқиб ўтади. Демак, сайёрамизда экологик муаммоларни ҳал этиш ер юзидаги 230 дан ортиқ давлат ва 7 миллиарддан ортиқ Ҳазрати Инсонларнинг умумий муаммосидир.

Экологик инқироз хавфи, табиат ва жамият ўртасидаги азалий муносабатларга ўзгартишлар киритишни талаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш суръати ва характерини биосфера имкониятлари билан келиштириб бориши зарурлиги тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда биосферада йилига ишлаб чиқариладиган кислороднинг 23 % и инсонлар томонидан истеъмол қилинмоқда ва тез орада бу кўрсаткичнинг кескин ортиш хавфи мавжуд. Бошқа табиий ресурслар бўйича ҳам ташвишли кўрсаткичлар кузатилмоқда.

Жамиятнинг келгуси ривожланиш тақдири, кўп жиҳатдан, табиат билан жамият ўртасидаги қарама-қаршиликларни оптимал ҳал қилиш йўллари ва воситаларининг топилишига боғлиқ.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликнинг биринчи ва асосий методологик тамойили- **жамият билан табиий муҳитнинг оптимал мувоффиқлиги** бўлиши лозим. Бунда, инсон томонидан энергия ва модданинг ўзлаштирилиши табиий жараёнларга ўхшаш ва мос бўлиши керак. Биринчи навбатда, жамият биосфера мувозанатини таъминлай олиши лозим.

Демак, жамиятнинг конкрет имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунда биосферанинг бир бутунлигини сақлаб қолишдан умумий мақсад, унинг **табiiй мувозанатини** таъминлаш ҳисобланади. Ушбу қоида **иккинчи методологик тамойил** сифатида қаралиши мумкин. Бу кейинчалик, мувозанатни таъминлашнинг сунъий параметрларига ўтишни ҳам кўзда тутди.

Биосфера мувозанатини таъминлаш учун, биз ундан канча ресурсни, қандай қилиб олишни яхши билишимиз керак. Табиатдан олиниш даражасига қараб, олинганининг ўрнини тўлдириш (компенсация) табиатдан фойдаланишнинг **учинчи асосий методологик тамойилидир**.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, чиқиндисиз тараққиётни кўзда тутадиган **тўртинчи методологик тамойил** - инсон фаолиятининг экологик софлиги ҳақидаги тамойилдир. Бу тамойил ишлаб чиқариш ва маиший ҳаётдаги барча чиқиндиларни тўла бартараф қилишни кўзда тутди. Яъни, ижтимоий ҳаётда ҳам биосферада мавжуд «чиқиндисиз технология»нинг жорий қилиниши лозим. Инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларида, табиатга зарар етказмайдиган технология жараёнларини тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Қабул қилинаётган қарорларнинг комплекслиги ва экологик асосланганлиги, табиатдан фойдаланишнинг **бешинчи методологик тамойили** ҳисобланади. Бу ўринда, узок муддатли қарорларнинг қисқа муддатлиларидан устун туриши лозимлигини таъкидлаш жоиздир. Ҳозирги шароитда фақат келажакни башоратлашнинг ўзи етарли эмас. Кележакни моделлаштириш ва яратиш масаласи долзарб тус олмоқда. Албатта, ривожланишнинг бу йули индустриал мамлакатларга хос.

Ижтимоий эҳтиёжнинг хусусий эҳтиёждан устуворлигини таъминлаш табиат билан жамият алоқадорлиги назариясининг **олтинчи методологик тамойили** ҳисобланади. Фақат шу аснодагина, соғлом табиий муҳитга асосланган, асосий меъёри инсон саломатлигидан иборат ҳақиқий ижтимоий тараққиёт ва ҳаёт сифатини оширишга эришиш мумкин.

Табиатни ўзгартиришга қодир кучли меҳнат қуролиларига эга инсонларнинг мувофиқлашган ҳаракатлари зарурлиги сабабли, дунё халқларини ягона мақсад атрофида бирлаштириш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар жамиятнинг асосий глобал муаммоларига киради. Бутун

инсониятга тегишли муаммолар глобал муаммолар дейилади. Ҳозирги кунда тобора кўпаяётган бу хил муаммоларни ҳал қилиш бутун инсониятнинг саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Учинчи минг йиллик бўсағасида, характери ва ҳал қилиниши лозим бўлган, дунёнинг ҳолати ва ижтимоий муносабатларини кўп жиҳатдан белгилайдиган глобал муаммоларни ажратиш мумкин. Ушбу муаммолар гуруҳи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инсониятнинг асосий ижтимоий уюшмалари (ижтимоий-иқтисодий тузум ва мамлакатлар, уларга кирувчи синфлар, миллатлар ва ҳ.к) ўртасидаги муносабатлар. Бу муаммоларни шартли равишда интернационал деб аташ мумкин (тинчлик ва қуролсизланиш, ижтимоий ривожланиш ва иқтисодий тараққиёт, меҳнат ва бандлик муаммолари);

- инсон билан жамият ўртасидаги муносабатлар (Илмий техникавий тараққиёт муаммоси, таълим ва маданият, аҳоли ўсиши, соғлиқни сақлаш, инсоннинг биологик мослашуви ва унинг келажаги муаммолари);

- инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар (ресурслар, энергетика, озиқ-овқат, инсон ҳаёт муҳити муаммолари). Ушбу муаммолар гуруҳи ижтимоий омиллардан ажралган эмас ва фақат уларни ҳисобга олгандагина тушунарли бўлиши мумкин.

Демак, глобал муаммоларни ҳал қилиш, хусусан инсон ҳаёт муҳитини деградациядан ҳимоя қилиш, бутун инсоният саъй-ҳаракатларини талаб қилади.

Инсоният ўз тарихида, биринчи марта, барча жонзотларни, экотизимларни ўз ичига олган ҳақиқий умумжаҳон инқирозига яқинлашди. Биз ҳаётни таъминловчи табиий тизимлар билан инсониятнинг индустриал, технологик ва демографик эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатнинг ошиб бораётган бузилишларига гувоҳмиз.

Экологик ўзгаришлар оқибатларини тушуниб етиш, табиий ва ижтимоий муҳитни ҳимоя қилиш учун уюшган ҳаракатнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги ижтимоий ҳаракатлар маълум аҳамиятга эга. «Яшиллар» ҳаракатининг муваффақиятлари, экологик қонунларнинг қабул қилиниши, экологик онгнинг ўсишига кўмаклашади.

Инсониятнинг табиатга таъсир қилишини, унинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва унинг салбий таъсирлари

ҳақида Рим клуби аъзолари дастлаб бош қотириб табиатни асраш борасида ўзларининг бирталай ташкилий ишларини олиб боришган. Уни клуб бўлиб шаклланишига Хасан Озбекхан, Эрих Янч ва Александр Христакис, Аурелио Печчи ларнинг ҳиссалари бениҳоят катта бўлган. Рим клуби 1968 йилда Италияда Аврелио Печчи томонидан ташкил қилинган бўлиб, ушбу ташкилот жаҳон бўйича сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва маданият мавзуларида бир талай ишлар олиб борилди. Даставвал эътиборни биосферага, табиат ва инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашув сабабларига қаратилди. Улар ўз баённомаларида жадаллик билан ривожланиб бораётган халқаро экологик муаммолар ҳақида дастлабкилардан бўлиб бонг уриб бутун дунёни огоҳликга чақира бошлашди.

Иқтисодиётдаги "энг кам ҳаражат сарфлаб, юқори дароматга эришиш" тамойилига асосланган баракасиз (экстенсив) ривожланиш пировард натижада экологик инқирозга олиб келди. Унинг салбий оқибатлари ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқларнинг қашшоқланиши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатида, даромадининг пасайишида, кишилар саломатлигиининг ёмонлашуви, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ҳосилдорликнинг камайиши орқали иқтисодиётда тангликни содир эта бошлади. Аниқланишича тупроқ унумдорлигининг бир фоизга пасайиши натижасида ҳосилдорликнинг ўрнини тўлдириш учун 10 % сарф ҳаражат қилиш зарур экан.

Экологик инқироз муаммосини ҳал қилиш учун, объектив имкониятлар мавжуд. Ушбу масалада «Рим клуби» нинг нодавлат халқаро ташкилот тадқиқотларининг аҳамияти катта. Клуб, Деннис Медоуз бошчилигидаги мутахассислар гуруҳига, глобал динамик мувозанатга ўтиш ғояси заруратига асосланиб, дунё ривожланишининг мумкин бўлган вариантларини ўрганиб чиқиш вазифасини топширди. Тадқиқот натижалари, 1972 йили, Клубга «Ўсиш чегаралари» деб номланган маърузада тақдим қилинди. **Муаллифлар 5 ўзгарувчи катталиклар-аҳоли, саноат, ишлаб чиқариш, озик-овкатга талаб, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан иборат тақлидий глобал модел яратдилар.** Бу моделларда барча омиллар, уларнинг ҳозирги ҳолати ва ўсиш суратларига мувофиқ кейинги юз йилликнинг биринчи ўттиз йилигача экстраполяция қилинган. Модел буйича ҳар бир омилнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган кўрсаткичлари янги асрнинг бошида

амалга ошиши кўрсатилган. Олинган натижаларга биноан, 2010 йилга келиб, инсоният жиддий қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Экологик инқироз 2030 йилга башорат қилинган. Шулар асосида муаллифлар инқирозни бартараф қилиш учун, аҳоли жон бошига, 1970 йилдагига қараганда 3 марта ортиқ ўртача даромад берадиган саноат даражасини таъминлаш ва аҳоли сонини бир меъёрга солишни таклиф қиладилар. Умуман олганда, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ва демографик жабҳада ўсишни чегаралаш масаласи қўйилади.

«Ўсиш чегаралари» — ижтимоий тараққиётнинг башоратларини тузишга экотизимли ёндошувни бошлаб берган энг жиддий тадқиқотлардан ҳисобланади. Маъруза эълон қилинганидан сўнг жиддий танқидга учради. Икки йилдан сўнг, М.Мэсарович ва Э.Пестелнинг «Инсоният чоррахада» деб номланган иккинчи бир маъруза тайёрланди. Муаллифлар пессимистик башоратларга қўшилмай, динамик ривожланиш моделини ишлаб чиқдилар. Улар, глобал инқироз эмас, минтақавий инқирозлар бўлишини асослайдилар. Дунё минтақаларини гетероген тизимли таҳлил қилдилар. Улар илмий техника ва ривожланиш суръатларини пасайтириш ҳалокатли бўлиши мумкин деган хулосага келдилар.

Рим клубининг тадқиқотлари дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва кейинги тадқиқотлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Инсоният ўз тарихидаги янги даврга кадам куймокда. Бунинг асосий белгиси - глобал муаммоларнинг вужудга келишидир. Инсоният ўз тарихида, биринчи марта ҳозирги цивилизациянинг глобал хавфсизлигини таъминлаш учун бирлашиш арафасида турибди. Бунинг учун нафақат келишилган халқаро ҳаракатлар, балки **глобал фикрлаш** деб номласа бўладиган вазиятни идрок этиш зарурдир.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, иқтисодиёт, экология, социология ва сиёсатшунослик, глобалистика ва ҳуқуқ соҳаларига доир адабиётда **«барқарор ривожланиш»** термини кэнг қўлланила бошлади. Бу тушунча тинчликни сақлаш, инсонлар эҳтиёжини келгуси авлодлар эҳтиёжига зарар етказмасдан қондириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни сақлашга қаратилгандир. Ушбу концепциянинг ўзагини Э.В.Гирусов ва М.Платоновнинг фикрига кўра, қуйидагилар ташкил қилади:

- иқтисодиётнинг ривожланиши атроф-муҳитнинг

ифлосланиши ва бузилишига олиб келмаслиги лозим;

- мамлакатлар ва халқлар, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланиш вариантларининг бирлиги ва кўп қирралиги;
- одамлар ва жамият билан табиат ўртасидаги муносабатларда
- мувофиқлик устуворлигини тан олиш;
- ижтимоий экологик ривожланиш асоси куч ишлатиш эмас, озодлик, душманлик эмас, дўстлик бўлиши керак.

Шундай қилиб, сўз жамиятнинг индустриал-истеъмолчидан ноосфера цивилизациясига ўтиши ҳақида бораяпти.

Барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишда, 1992 йили Рио-Де-Жанейрода ўтказилган, БМТнинг атроф-муҳит бўйича конференцияси муҳим босқич бўлди. Бир вақтнинг ўзида, Ер сайёраси муаммолари бўйича юқори даражадаги учрашув ўтказилди.

Ушбу конференцияда қабул қилинган марказий ҳужжатлар

1. ХХІ асрга кун тартиби;
2. БМТ нинг ҳаракат дастури;
3. Атроф - муҳит ва ривожланиш бўйича Декларация;
4. Иқлим ўзгариши бўйича Рамкавий Конвенция;
5. Биологик хилма-хилликни сақлаш Конвенциясидир.

Ушбу тарихий ҳужжатлар барқарор ривожланишнинг турли жабҳаларини ўз ичига олади. БМТ, барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишга имконият яратиб берди ва ҳозирги вақтда унинг стратегиясини тасдиқлаш ва амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Турли йилларда БМТ, табиатни муҳофаза қилиш йўлида, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият олиб борди. 1972 йили БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури - ЮНЕП ташкил қилинди. 1982 йил «Умумжаҳон табиат Хартияси» қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ҳамма давлатларга, сайёра ва унинг бойликларини сақлаш бўйича жавобгарликни юклади. 1983 йили, БМТ Бош Ассамблеяси қарорига мувофиқ атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссия (АМРХК) тузилди. 1987 йили, «Бизнинг умумий келажагимиз» деган номда, БМТ ҳужжати эълон қилиниб, ҳамма давлатлар ва халқаро ташкилотларга юборилди. Ушбу ҳужжатда камбағаллик ва қашшоқликни тугатиш ва келгуси авлодлар ҳисобига яшашни бартараф қилиш масаласи қўйилди.

Узоқ муддатли барқарор ривожланиш тушунчасини бир неча жиҳатлар оркали ифодалаши мумкин. Унинг элементлари қуйидагилардир:

Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан:

- ривожланган замонавий демократия;
- оқилона қонунчилик ва солиқ тизими;
- ижтимоий адолат (муносиб иш ҳаққи, инсоний ҳуқуқларига қатъий амал қилиш);
- қонун олдида барча инсонларнинг озод ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;
- ватанпарварлик ва интернационализмнинг бирлиги, халқлар дўстлиги, фуқаро ва жамиятнинг икки томонлама жавобгарлиги.

Иқтисодий жиҳатдан:

- халқ хўжалигида давлат, жамоат ва хусусий мулкчиликнинг бирдек мавжудлиги, замон талабига мос товар - бозор иқтисоди;
- демонополизация ва ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчиларнинг эркин рақобати;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини, маданий неъматларни, сайёранинг барча аҳли асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун, етарлича даражада ишлаб чиқариш;
- сайёра аҳли фойдали фаолиятини рағбатлантиришнинг самарали ва инсонпарвар воситалари.

Экологик жиҳатдан:

- жамият билан табиат, инсон билан биосфера коэволюциясини таъминлаш, улар ўртасидаги нисбий мувозанатни тиклаш, барча саъй-ҳаракатларнинг ноосферани шакллантиришга қаратилиши;
- нафақат ҳозирги, балки келгуси авлодларнинг ҳам ўз асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари учун реал имкониятларни сақлаб қолиш;
- табиий ресурслардан самарали фойдаланиш усулларини назарий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ноосферавий ривожланишнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш;

- дастлаб кам чиқиндили, сунгра ёпиқ цикли чиқиндисиз ишлаб чиқаришни тадбиқ қилиш, биотехнологиянинг рационал ривожланиши;
- органик ёқилғини ишлатишга асосланган энергетикадан, секин аста, тикланадиган энергия манбаларидан (куёш, сув, шамол, биомасса энергияси, ер ости иссиқлиги ва бошқалардан) фойдаланувчи муқобил энергетикага ўтиш;
- табиатни муҳофаза қилишнинг маъмурий, иқтисодий ва ҳуқуқий методларини такомиллаштириш;
- биосферадаги турлар хилма-хиллигини сақлаш бўйича доимий ғамхўрлик;
- аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида фуқароларнинг табиатга, ўз уйига бўлгандек, эҳтиёткорона муносабатни шакллантирадиган мунтазам экологик - тарбиявий фаолият;
- экологик ахлоқий кодексни ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш.

Ижтимоий жиҳатдан:

- Ер юзида, очлик ва қашшоқликни тағ-томири билан тугатиш;
- болалар ва қариялар, бемор ва майиб-мажруҳларга ғамхўрлик;
- мактабгача ва мактаб таълими, болалар ва ўсмирларни тарбиялаш;
- ўрта профессионал ва олий ўқув юртлари кенг тармоғини ривожлантириш.

Халқаро жиҳатдан:

- тинчлик учун кураш, янги жаҳон уруши ва регионал келишмовчиликларнинг олдини олиш, барча қарама-қаршиликларни тинч, сиёсий йўллар билан ҳал қилиш;
- барча мамлакатлар ва халқларнинг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги асосида саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фанда шерикчилигини таъминлаш;
- ривожланаётган мамлакатларга, иқтисодий тараққиётнинг барча жиҳатларида, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- БМТнинг тинчликни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига фаол ёрдам бериш.

Ахборий жиҳатдан:

- фан ва техника ривожланишининг юқори даражаси ва уни

амалиётта татбиқ қилиш;

- табиий ва ижтимоий фанлар тарқоқлигини бартараф қилиш ва ягона ижтимоий - табиий илмий назарияни ишлаб чиқиш;
- халқ маъорифи ва оммавий ахборот воситаларини кенг ёйиш, уларнинг ҳаққонийлиги;
- бутун халқ хўжалиги ва маданиятнинг ялпи кибернетизация ва информатизацияси;
- идеологик ишда, хусусан, барқарор ривожланиш стратегияси мувоффақиятларини тарғиб қилишда, уни тўғри баҳоламаслик далолатларини танқид қилишда, электрон воситаларни ялпи қўллаш;
- информацион ресурсларнинг модда энергетик ресурслари олдида устуворлигига эришиш;
- онгнинг турмушдан ортда қолишини бартараф қилиш, инсонларда илмий башоратлаш қобилиятини ривожлантириш.

Риода бўлиб ўтган умумжаҳон форуми, «XXI асрга Кун тартиби» бўйича, кундалик фаолият олиб бориш учун БМТнинг барқарор ривожланиш Комиссиясини таъсис этди. Барқарор ривожланиш концепцияси инсониятнинг келажагини таъминлай оладиган ягона ҳужжатдир.

Муайян минтақа ёки минтақавий ижтимоий экотизимларни қамраб олувчи ижтимоий - экологик муаммолар ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммолари дейилади. Минтақавий ижтимоий - экологик муаммолар кенг миқёсли муаммолардан фарқли равишда минтақавий ижтимоий экотизимлар ва алоҳида минтақалар элементларини қамраб олувчи муайян чегараларга эга.

Ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммоларини ўрганиш, турли минтақаларда, инсоннинг хўжалик юритиш фаолияти натижасида юзага келган муҳитдаги табиий ва ижтимоий шароитларни умумлаштириб баҳолаш ва ноқулай ижтимоий - экологик шароитларнинг белгиларини аниқлашга имкон беради. Минтақавий ижтимоий-экологик муаммоларга баҳо беришнинг мезони ҳаво ва сув ифлосланганлиги, белгиланган чегаравий концентрация, тупроқ эрозияси, яйловларнинг ишдан чиқиши ва ҳоказолардир. Минтақага қараб, алоҳида ижтимоий-экологик муаммо мезонлари жиддий фарқланиши мумкин.

Мавжуд экологик муаммоларни, шартли равишда олти гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши;

2. Сувнинг ифлосланиши ва етишмаслиги;
3. Биотага таъсир;
4. Тупроқ билан боғлиқ муаммолар (эрозия, тупроқ шўрланиши, жарликларнинг вужудга келиши ва бошқалар);
5. Ернинг бузилиши ва яроқсиз ҳолатга келиши;
6. Ландшафтларнинг бузилиши.

Минтақавий ижтимоий экологик вазият - тикланадиган, нисбатан тикланадиган ва тикланмайдиган даражада бўлиши мумкин. Антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, ижтимоий экотизимлардаги уйғунликни бузиб, уларни қайта тикланиш имкониятидан маҳрум қилиши кузатилади. Ҳозирда, Ер юзининг турли минтақаларида, экологик мураккаб вазиятли ҳудудлар кўплаб ажратилади. Жумладан, Россия, Қозғистон ва Марказий Осиё ҳудудларида анчагина ноқулай экологик вазиятли ҳудудлар учрайди.

Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари инсон, жамият ва табиат муносабатлари, экотизимлар шаклланиши ва ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё минтақаси мисолида, кэнг миқёсли ижтимоий-экологик муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир бирини келтириб чиқаришини кузатиш мумкин. Бу минтақада табиий муҳитнинг асосий бузилишлари хўжалик фаолияти ишлаб чиқариш кучларининг экстенсив ривожлантирилиши билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экотизимлар сиғимини ҳисобга олмаслик, саноат ва транспорт таъсирининг ортиши аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши минтақадаги экологик вазиятнинг мураккаблашувига олиб келди. Орол денгизи ҳудудидаги вазият назоратдан чиқиб кетди ва Оролбуйи экологик фалокат зонасига айланди.

Оролбуйи ва унга ёндош ҳудуд, Марказий Осиё минтақавий ижтимоий экотизимининг шимолида жойлашган. Умумий майдони 473 минг км², аҳоли сони 3 миллион кишидан ортиқ. Орол денгизи ҳавзасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, суғориш учун кўплаб сув олиниши ва икки асосий дарёларнинг оқимининг кескин камайиши, 60-йиллардан бошлаб, денгиз сатҳининг пасайишига олиб келди. Ҳозирга келиб, Орол дэнгизида дастлабки 1000 куб. км. сувдан, 250 куб километри қолган 4,5 млн. гектар денгиз туби очилиб қолган. Амударё дельтасида кучли салбий ўзгаришлар юз бермоқда. Денгиз аллақачон икки қисмга бўлинган ва ҳозир

«Катта денгиз» яна иккига бўлинган. Оролнинг қуриган тубидан атрофга ҳар йили миллионлаб тонна туз ва чанг тарқалмоқда. Денгиз ўрнида, Оролқум саҳроси вужудга келмоқда. Оролбуйида яшаётган аҳолининг турмуш шароити оғирлашган, болалар ўлими ва касалланиш даражаси кескин ортган. Қорақалпоғистон ва Хоразмда ичимлик сув сифати ёмонлашган. Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар, қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари, анимия ва бошқалар кўпайиб кетган. Ҳозир Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишга Марказий Осиё давлатлари, Жаҳон ҳамжамияти катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-экологик муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, мамлакат ва минтақанинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Республикадаги асосий ижтимоий экологик муаммолар қуйидагилардир:

- йирик ҳудудий - саноат комплекслари жойлашган районларда табиатни муҳофаза қилиш муаммолари;
- Орол ва Оролбўйи муаммолари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- агросаноат комплексидаги экологик муаммолар;
- ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш муаммолари ва бошқалар.

Ушбу умумий ижтимоий-экологик муаммолардан келиб чикиб, экологик вазияти кескинлашган районларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиш сабабларини ойдинлаштириш мумкин. Тоғ олди ва тоғ оралиқ ҳудудлари, воҳаларда аҳолининг зич жойлашганлиги, саноат ва транспорт таъсирининг кучайиши мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, айниқса, Фарғона вилоятида мураккаб экологик вазият кузатилади. Ушбу ҳудудларда, барча чекловларга қарамай, саноат корхоналарининг сони ортмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишида, кундан-кунга сони ортиб бораётган транспортнинг ҳиссаси 60-70% ни ташкил қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, экологик муаммоларни ҳал қилиш соҳасида турли камчиликлар юзага келди. Биринчи навбатда, ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишга ажратиладиган маблағ ҳажмининг етарли эмаслигини таъкидлаш корхоналар иқтисодий аҳволининг оғирлашуви, ушбу масалага ажратиладиган маблағнинг камлиги сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ҳудудини экологик районлаштириш натижалари мамлакатнинг анча катта ҳудудларида мураккаб экологик вазият мавжудлигини кўрсатди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди экологик энг номақбул деб ажратилган. Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятларида ҳам экологик вазияти кескин районлар гуруҳига ажратилган. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида экологик вазият ўртача кескин; Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё ва Андижон вилоятлари ҳудудлари кучсиз-кескин, қолган ҳудудлар кескин бўлмаган, деб ажратилган. Экологик районлаштириш натижалари бўйича фақатгина 11 миллионга яқин кишининг қониқарли экологик шароитда яшаши кўрсатилган. Қолган, деярли, 13 миллион аҳолининг экологик кескин (9.4 млн.), фавқулодда (2.8 млн.) ва фалокат (28 мингдан ортиқ) зоналарда яшаши аниқланган. Албатта, бу экологик районлаштириш натижалари узил-кесил эмас. Қолаверса, экологик районларнинг мазкур чегаралари маъмурий чегаралар бўйича ўтказилган. Маълумки, экологик жараёнларнинг амалга ошиши маъмурий чегаралар билан жуда кучсиз боғланишга эга. Шунинг учун ҳар қандай экологик районлаштириш маълум камчиликларга эга бўлади.

Экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ушбу муаммоларни ҳал қилиш истиқболларини белгилаш ва зарур чоратадбирларларни амалга ошириш устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон жаҳон банки ва глобал экологик жамғарманинг молиявий ёрдами билан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат дастури ва экологик хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш концепцияси тайёрланмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши, атроф-муҳит муаммоларини ўз вақтида ва оқилона ҳал қилиш имкониятларини яратиши мумкин. XXI асрнинг Ўзбекистон учун ҳам янги тараққиёт босқичига ўтиш даври бўлишини таъминлаш барчанинг шарафли бурчи ҳисобланади.

ДЕМОГРАФИЯ ВА УРБАНИЗАЦИЯ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИ

Ҳозирги замон жаҳон демографик сиёсати ва концепсия-назарияларини ишлаб чиқаётган дунёвий демографик институтлар (БМТ, унинг аҳолишуносликка оид бўлинмалари, жаҳон

демографик конгресси ва бошқалар) долзарб илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Демографик илмий башоратлашнинг (прогнозлаш) дунёвий ва ҳудудий ҳаракати амал қилмоқда. Аҳоли ўсишига хос илмий башоратлашнинг демографик асослари, усуллари, уларнинг аниқлик даражаси ва амалий аҳамияти ортиб бормоқда. Аҳоли ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган табиатни муҳофаза етиш ва экология муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатлари атрофлича ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши, фаровонлигини таъминлаш ва саломатлигини муҳофаза етиш йўлида олиб борилаётган чоратadbирларнинг: «Оила йили», «Аёллар йили», «Оналар ва болалар», «Мустаҳкам оила», «Фаровон турмуш йили» ўтказилиши, «Соғлом авлод йили» орденларининг таъсис етилиши ва бошқа тадбирлар бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Жумладан, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жамият тараққиётининг асосий қонунлари ана шундай муҳим назарий масалалардан ҳисобланади.

Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислom Каримов алоҳида таъкидлаганидек: “Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдor бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга еришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот-ислоҳот учун емас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин емас”

Аҳолини объектив ижтимоий қонун ва қонуниятлар асосида ривожланиб боришида, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациялар даврида аҳоли ривожланишини бошқарадиган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий қонун ва қонуниятларнинг ҳаракат қилиши кузатилади. Жамиятнинг ривожланиш босқичларида, уларнинг ҳар бирига хос ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилади. Ўз навбатида уларнинг турли даврларда ва мамлакатларда аҳолининг

табiiй ва миграцион ҳаракатини назорат қилиш, тартибга солишни кўзда тутадиган «демографик сиёсат» юргизишни тақозо этади.

Демография—грекча—демос—“халқ” ва графия—“тасвирлаш” сўзларидан иборат бўлиб, аҳоли ҳақидаги фандир. У аҳолининг сони, ҳудудий жойлашуви ва таркибини, уларнинг ўзгариши ва бу ўзгаришнинг сабабларини, аҳолидаги ўзгаришлар билан ижтимоий-иқтисодий маълумотларнинг алоқаларини ўзига хос йўллар билан ўрганади. Шунингдек, демография аҳоли такрор барпо қилинишининг қонуниятларини очиб беради. Кўриниб турибдики, аҳоли географияси билан демография фанлари ўрганадиган масалалар бир бирига жуда яқин.

Шунинг учун аҳоли географияси демография ўрганадиган ва аҳолига таълуқли бўлган демографик статистика томонидан тўпланадиган маълумотлардан кенг фойдаланади. Демография ҳам ўз навбатида ўрганилаётган демографик жараён ва кўрсаткичлардаги географик фарқлар ва бу фарқларнинг сабабларига қизиқади. Шундай қилиб, аҳоли географияси билан демография ўртасида биргаликда ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар вужудга келадики (аҳоли ривожланишининг қонуниятлари, концепсиялари, уларни башоратлаш, аҳоли сиёсатлари), буларни фақатгина аҳоли географияси ва демография асослари фани ҳал қилади.

Турли даврларда майдонга келган демографик концепсиялар, аҳолини алоҳида ижтимоий сиёсий манфаатлари йўлида яратилганлиги билан характерланади. Меркантилизм, малтусчилик, ҳозирги замон малтусчилари (неомалтусчилик) каби демографик концепсия ва назариялар шулар жумласидандир. Ҳозирги давр жаҳон демографик муҳити ва муаммолари ҳам узлуксиз равишда демографик сиёсатда акс етиши лозим.




Инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Малтус демография муаммолари тўғрисида биринчилардан бўлиб фикр юритган бўлмаса-да, «Нуфус назарияси»ни яратди. Бу муаммо буйича барча мунозараларда унинг номи биринчилардан тилга олинади. Масалан,

Аристотел (мил.авв. 384-322) «Сиёсат» асарида аҳолиси кам сонли мамлакатни идеал давлат деб ҳисоблаган, чунки аҳоли меъёрдан кўп бўлса, социал зиддият келиб чиқади. У никоҳ тугрисида қонун таклиф этган, унда эркакларга 37, аёлларга 18 ёшгача фарзанд кўриш тақиқланган, унингча, аҳоли кўплиги ер етишмаслигига олиб келади ва у қашшоқликка маҳкум этилади. Ф.Кене (1694-1774) «Аҳоли» (1756) мақоласида инсонлар «бойлик» манбайи эканлигига анча яқин фикрларни илгари сурди. «Мамлакатнинг буюклиги унинг аҳолиси билан», деган эди у. Аҳоли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, одамлар меҳнатидан фойдаланиш масалалари давлатнинг бош иқтисодий сиёсати объекти бўлиши керак. Бу фикр А.Смит томонидан ривожлантирилди. В.Петти аҳолининг меҳнат қиладиган қисмини бойлик яратувчи деб ҳисоблаган, биринчи бўлиб «инсоний капитал» тушунчасини киритган. Т.Р. Малтус (1766-1834) дворян оиласида туғилди, 1788 йил Кембриж университетини битиргач, қишлоқ руҳонийси сифатида ишлай бошлади, илоҳиёт фанидан

илмий даражага эга бўлди. 1807-йилдан бошлаб «Ост-Инд» компанияси коллежида сиёсий иқтисод профессори лавозимида лексиялар ўқиди.



**10 MLN GA YAQIN KISHI YO'Q
QILINDI**



www.arxiv.uz

Маълумки, демографик жараёнлар тарихи инсоният тарихи каби қадимий бўлиб, 19-20 асрлар давомида анча фаол тус олди. “19 асрда 50 млн. Европалик бошқа қитъаларга кўчишди. Кўчишларининг асосий сабаби, яшаётган жойларида ерларнинг етишмовчилиги ва кўчиб борган жойларида эса ерларнинг арзон баҳоларга сотилишидир. Кўчиб борган муҳожирларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларида ўрнашдилар. 19 асрнинг охири 20 асрнинг бошларида эса миграция оқими йирик саноатлашган шаҳарларга қаратилди”. Миграция жараёнларини ўрганиш эса узоқ ўттиз йиллик танаффусдан сўнг, 50 йилларда бошланган бўлиб, бу даврда Европадаги Полша, Германия, Чехия, Словакия мамлакатлари ва Россиянинг асосан шарқий қисми аҳолиси миграцияси чуқурроқ тадқиқ этилган

Бугунги глобаллашув жараёни фаол кечаётган шароитда демографик жараёнлар хусусиятлари ўтган асрга нисбатан тубдан фарқ қилади. Яъни ишлаб чиқариш тезлиги ва аҳоли даромадлари юқори, коммуникациялар ривожланган, қулай шарт-шароитларга эга бўлган ҳудудларга меҳнат ресурсларининг интилиши билан характерланади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, демографик жараёнларга янгича ёндашишни тақозо этмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллиги йўлидан барқарор ривожланишида давом этаётган бугунги кунда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган моддий неъматлар биринчи навбатда инсон манфаати учун, яъни уни ҳимоя қилиш, муҳофаза этиш, ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Жумладан, демографик жараёнлар ҳам мамлакатимиз аҳолисининг ҳаётига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимиздаги демографик жараёнлар тарихи ҳам узоқ даврлар давомида Марказий Осиёдаги қолаверса, бутун Евросиёдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлди. Умуман, демографик жараёнлар тадқиқоти билан 19 асрдан Октябр тўнтаришига қадар рус олимлари В.С.Порошин (1840), Ю.Э.Янсон (1880), П.Океппен (1890), Б.П.Кодомсев, А.Котелников, Г.С. Полляк, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғида (1917-1945) Д.Бозин, А.Я.Боярский, В.К.Воблей, Н.Я.Воробев, А.И.Гозулов, Э.О.Слущкий, Дж.Уиппл каби олимлар шуғулланишган.

Демографик жараёнлар тарихи ҳам инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. 20 аср бошларига қадар бўлган дунёнинг турли минтақаларидаги кичик урушлар даврида ҳам аҳоли қисман аралашган. Бу жараёнларни турли тадқиқот намоёндалари турлича, яъни тилшунослар тил оилаларининг шаклланиши, тарихчилар давлатларнинг пайдо бўлиши, маданият ривожланиш босқичларини тадқиқ этувчилар турли давр маданиятининг ривожланиш даври билан боғлаб ўрганадилар.

Демографик жараёнлар тараққиёти бевосита ҳудудларнинг кашф этилиши, яъни Буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ бўлди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, ҳамма тарихий даврларда бир қитъага мансуб аҳолининг иккинчисига кўчишига маълум сабаблар ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, 18 аср охирига қадар Австралия маълум бўлмаган даврда Европаликлар дастлаб Америкага, кейинчалик рудали конларга ёки қимматбаҳо металлларга бой минтақаларга, Африкага боришга бойлик орттиришга интилишган. Умуман 18 аср охирига қадар бутун дунё халқларининг янги ерларни ўзлаштиришга интилиши юқори бўлди.

Шунингдек, 17-18 асрларда руслар ҳам Шимоли-шарқий Осиё бўйлаб юришда давом этди. Бу даврда испанлар ва португаллар асосан, Марказий ва Жанубий Африкани эгаллашга ҳаракат қилишди. Албатта, бу даврдаги колонияларни ташкил этиш билан боғлиқ юришларга табиий ва иқлимий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган, яъни иқлими яшаш учун қулай бўлган серунум, ҳосилдор ерларга эга бўлишга интилишган. Аста-секин бу жараёнлар бевосита давлатчиликнинг аралашуви, баъзи дипломатик муносабатларнинг шаклланишига сабаб ҳам бўлган. Масалан, А.Гумболдт (1799-1804) экваториал давлатлар бўйлаб саёҳатга чиқиш учун Испания ҳукуматидан махсус рухсат олган. Кейинчалик, Германияда эмигрантларни рўйхатга олиш анъанавий тус олган (1832 йилда Берлинда, 1846 йилда Гамбургда в.б.).

Демографик вазиятларни объектив баҳолаш учун 1970-1980 йиллардаги демографик инқилоб жараёнига эътибор қаратиш лозим. Демографик инқилоб назариясини дастлаб (1934 йил) А.Ландри илгари сурди ва кейинчалик бу борада тадқиқотларининг ривожланишига асос солди. Сўнгра унинг тараққиётига узоқ хориж олимларидан Ф.В.Нощейн (1953); З.Павлик (1964, 1979); В.С.Томпсон (1942), рус олимларидан А.Г.Вишневский 1973, 1976, 1982, А.Я.Кваша (1974), В.Тс.Урланис (1974), демографик

тараққиётнинг замонавий концепциясининг шаклланишига ўзларининг илмий улушини қўшдилар. Бу концепцияга мувофиқ, аҳолининг қайта барпо бўлиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий социопсихологик ривожланиши каби мураккаб омиллар мажмуаси билан боғлиқ бўлишини ва тизимли босқичлар асосида ривожланишини асосладилар.

Шундай қилиб, А.Ландри (1934) томонидан киритилган «демографик инқилоб» тушунчаси ҳозирги пайтда аҳоли қайта барпо бўлишининг самарали ҳаракати сифатида изоҳланади. Бу ёндашув А.Г.Вишневскийнинг 1976 ҳамда 1982 йиллардаги монографияларида кэнг ёритилган бўлиб, унда аҳоли қайта барпо бўлиши 3 та асосий тарихий типга ажратилади: археотип, анъанавий ва замонавий типлар. Унга кўра, бир типдан иккинчисига ўтиш инқилобий босқич сифатида изоҳланади.

Марказий Осиёдаги демографик жараёнларнинг специфик жиҳатлари тўғрисида О.Б.Ота Мирзаев таъкидлаганидек, «Ижтимоий демографик стереотип келажакка қадар, ҳеч бўлмаганда жорий юз йиллик охирига қадар сақланиб қолади». Марказий Осиё республикаларидаги туб аҳолининг асосий қисмида туғилишнинг юқорилиги сақланиб қолиши кўпчилик маҳаллий олимлар томонидан эътироф етилган.

Шундан фарқли ҳолатда М.Аманеков Туркменистонда туғилишнинг пасайиши ҳолати фаоллашуви ҳақидаги маълумотлар келтиради. А.Г.Вишневский Марказий Осиё ва бошқа минтақаларда туғилишнинг юқорилиги сабабли аҳолининг қайта барпо этилишини башоратлашга ва аниқ натижаларга эришишга ҳар қандай назарий таҳлил, бутун дунё тажрибасидан келиб чиқиб ёндашиши ёки алоҳида олиб борилган аниқ тадқиқот ҳам ёрдам беролмаслигини таъкидлайди.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг икки типи мавжуд:

1-тип. **«Демографик қиш»**— иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланишдаги ва баъзи собиқ иттифоқ давлатлари учун хос. Бу типдаги давлатларда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари паст бўлиб, табиий ўсиш «0»га яқин, баъзи мамлакатларда аҳолининг табиий камайиши билан характерланади.

2-тип. **«Демографик баҳор»**—туғилиш кўрсаткичларининг юқорилиги ва ўлимнинг туғилишга нисбатан пастлиги бу типдаги давлатлар учун хос. Уларга Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор давлатларни киритиш мумкин. Туғилишга нисбатан

Ўлимнинг пастлиги ҳозирги кунда амалда дунёнинг барча мамлакатлари учун хос, бу биринчи навбатда тиббиётнинг ривожланганлиги эпидемия ва болалар ўлимига қарши курашдаги ютуқлар билан боғланган.



Ривожланаётган давлатларда туғилишнинг юқорилиги кўпчилик мамлакатларда миллий ва диний анъаналар билан боғлиқ. Уларда оилани режалаштириш тамойили биринчи даражага чиқмаган. «Демографик қиш» ҳукм сураётган мамлакатларда аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўртача формула $13-10=3$ табиий ўсишнинг юқори чегараси йилига 12% дан ошмайди. «Демографик баҳор» ҳукм сураётган мамлакатларда эса, аҳолининг такрор барпо бўлишининг ўртача формуласи $28-9=19$ табиий ўсишнинг қуйи чегараси йилига 12% дан ортади. 2-чи типдаги кўпгина мамлакатларда табиий ўсишнинг ниҳоятда юқорилиги «Демографик портлаш» номини олган. Африкадаги Танзания, Мали, Уганда, Буркино-Фасо, Нигер каби давлатларда туғилиш йилига 50% дан юқори.

Демографик жараёнларнинг юқорида баён этилганидек, географик омиллар билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ҳам барча Собиқ «Иттифок»даги республикалар сингари миграция

тарихига эга. Республикада демографик жараёнларнинг назарий ва амалий масалаларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, давлат мустақиллиги йилларида ушбу муаммоларни тадқиқ этишга олимлардан О.Б.Отамирзаев, М. Бўриева, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов, З.Х.Райимжонов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Рус олимларидан К.В.Папенев, М.Г.Трудова, В.И.Юшковлар қишлоқ аҳолиси миграциясига оид илмий ишларни амалга оширдилар. Шаҳарлар аҳолиси миграциясини В.И.Староверов (Россия), А.Марянский (Полша), Т.А.Ашимбаев (Қозоғистон) каби олимлар ўрганишган. Минтақа ва алоҳида ҳудудлар миграциясини Ж.А.Заёнчковская, В.И.Переведенцев, Л.Л.Рибаковский каби олимлар чуқур ўрганишган.

Демография, аҳолининг такрор барпо бўлиши қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, бу жараёни ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганади, омилларини, муаммоларини аниқлаб, истиқболини белгилаб беради.

Ҳар бир фаннинг асосий вазифаси табиат ва жамиятнинг маълум қисмидаги ривожланиш қонунларини ўрганишдир. Лекин шу билан бир қаторда ҳар бир фаннинг ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўлган вазифалари ҳам мавжуд.

Демография ҳам алоҳида фан сифатида ўз вазифаларига егадир. Ушбу вазифаларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Демографик жараёнлар ва уларнинг омилларини ўрганиш.
2. Демографик башоратларни ишлаб чиқиш.
3. Демографик сиёсат чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Демографик жараёнлар – туғилиш, ўлим, никоҳга кириш, ажралиш кабилар анализ қилинар экан, уларни қуруқ статистик маълумотлар орқали аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир жараённинг ўз коэффициенти ҳисоблаб чиқилади. Бу коэффициентлар ҳар бир демографик жараённинг минг кишига нисбатан миқдори ҳисобланади. Шунинг учун коэффициентлар промилледа ўлчанади.

Демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва оила киради.

Демографик жараёнлар таркибида туғилиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўрганилаётган мавжуд аҳоли аввало туғилиш жараёни натижасида дунёга келган. Демография туғилишни

алоҳида, аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини сифатида ўрганади, унга таъсир этувчи барча ижтимоий - иқтисодий ва табиий омилларни таҳлил этади. Шунингдек, ўлим жараёни ҳам аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий элементи сифатида демография фанининг эътиборида туради. Аҳолининг такрор барпо бўлишида биринчи навбатда оила ташкил топиши яъни шаклланиши аҳамиятлидир. Чунки дунёда туғилаётган инсонларнинг аксарияти оилада, оила муҳитида дунёга келади, шахс сифатида шаклланиб ўзининг демографик фаолиятини (оила қуриш, фарзандлар кўриш) бошлайди.

Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Демография никоҳ эволюцияси ва унинг аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўрнини алоҳида ўрганади.

Ажралиш яъни никоҳнинг бекор этилиши ҳам аҳоли такрор бўлишига таъсир этувчи демографик жараён ҳисобланади. Демография ушбу жараённи ўрганар экан, унинг мавжудлик даражасига таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофлича таҳлил этади.

Демография аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши - миграциясини ҳам ўрганади. Лекин бу жараённи ўрганишда, аҳоли географиясидан фарқли равишда, асосий эътиборни миграция жараёнининг ҳудудий хусусиятларига эмас, балки ушбу жараён натижасида рўй берадиган - ҳудуднинг демографик ҳолатидаги ўзгаришларига қаратади.

Демографияда оила асосий ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўрганилади. Оилани жамият тараққиёти давомидаги ўрни, эволюцияси, аҳолининг такрор барпо бўлишидаги асосий фаолияти ва унинг ўзгариб бориш омиллари, оқибатлари ўрганилиб, келажак ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланади.

Маълумки, аҳоли, туғилиш ва ўлим жараёни натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашинуви йиғиндисидир. Инсон мавжудлигини таъминловчи барча демографик жараёнлар-туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш унинг ҳаётидаги маълум даврида, яъни маълум ёшида рўй беради.



Демография мустақил фан сифатида ўз тадқиқот усуллариغا эгадир.

Демография аҳолини ўрганишда турли усуллардан фойдаланади. Масалан: тарихий, таққослаш, статистик, экспериментал, социологик сўроқ ва аҳоли рўйхатларини тузиш.

Демографиянинг илмий йўналишлари:

- Назарий демография.
- Статистик демография.
- Тарихий демография.
- Этник демография
- Иқтисодий демография.
- Ҳудудий демография.
- Таҳлилий демография.
- Амалий демографик тадқиқотлар.

Демографик таркиблар аҳолининг, ёш, жинс, профессионал (касбий) ва бошқа ҳар хил ижтимоий қатламларининг ўзига хос хусусиятларини қамраб олиб, демографик статистика учун асосий манбалар ҳисобланади. Демографик таркибларнинг ҳисоб-китоби вақтга боғлиқ бўлиб, доимий равишда ўзгариб туриши табиийдир. Шунинг учун ҳар бир давр ёки ҳудудлар аҳолиси таҳлил қилинар экан. Уларнинг ўзига хослигини доимо ёдда тутиш лозим. Бундай

ўзига хосликлар эса табиий шароит, сиёсий ижтимоий воқеалар, аҳолининг оила ва никоҳга бўлган муносабати ва давлатларнинг демографик сиёсати кабилардир. Демографик таркиблар ичида авлодлар тушунчаси алоҳида ажратилади. Авлодлар тушунчаси жуда ҳам нисбий маънода бўлиб, бу тушунчани ёшга нисбатан, турли гуруҳлар ва бу гуруҳларнинг тутган ўрнига қараб қўлланилади. Бир сўз билан айтганда авлод тушунчаси маълум бир давр мобайнида турли ҳодиса ва ижтимоий воқеликка ўз таъсирини кўрсатувчи гуруҳдир.

XX асрга келиб, демография фан сифатида иккита асосий йўналишда ривожланди. Улардан бири, демографиянинг тадқиқот майдонини аниқлаштириш бўлса, иккинчиси демографик жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар доирасининг кенгайиши бўлди. 1960 йиллар ўрталарида кўпчилик мутахассислар демографиянинг предметини аҳолининг табиий ҳаракати масалалари билан шуғулланувчи фан сифатида чегаралаб қўйди.

Аҳолининг табиий ҳаракати – бу туғилиш, ўлим, никоҳга кириш ва никоҳдан ажралиш натижасида аҳоли сони ва таркибининг узлуксиз ўзгариб туришидир. Шунингдек, аҳолининг табиий ҳаракатига аҳолининг жинс ва ёш таркибидаги ўзгаришлар каби ўзаро боғлиқ барча демографик жараёнлар киради. Масалан, 90-йиллар бошида Евросиёда кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши оқибатида миграция жараёнлар сезиларли равишда фаоллашди. Бу, ўз навбатида, минтақадаги барча ҳудудлар аҳолисининг табиий ҳаракатида ўзгаришлар содир этди.

Юқорида айтганимиздек, демография-аҳолининг такрор барпо бўлиш қонуниятларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Демография фан сифатида 17 асрнинг ярмидан сўнг шакллана бошлади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши-аҳолининг миқдори ва таркибини доимо табиий тарзда янги авлодлар томонидан кекса авлодлар ўрни тўлдирилиши орқали янгиланишидир.

Ҳар қандай фан объект доирасидаги воқеликнинг қонун ва қонуниятларини очиб бериш, унинг тадқиқот мақсади ҳисобланади. Шунга кўра, демографиянинг предмети аҳоли табиий такрор барпо бўлишининг қонун ва қонуниятларини ўрганишдан иборат. Ўз навбатида, демография қуйидаги фан тармоқларига бўлинади


Демографик статистика – демографиянинг тарихий тармоғи бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлишининг тарихий қонуниятларини ўрганади. Статистик демографиянинг вазифалари аҳолининг такрор

барпо бўлишига оид материалларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш, демографик жараёнларни статистик таҳлил этиш ва кузатиш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Математик демография – демографик жараёнларни моделлаштириш ва башоратлаш ҳамда улар ўртасидаги алоқадорликни ўрганишнинг математик усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан шуғулланади. Демографик моделларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш жадвалларининг аниқлиги, стационар ва барқарор аҳоли модели кабилар киради.

Тарихий демография – мамлакатлар ва халқлар тарихидаги демографик жараёнлар ҳолати ва динамикасини ўрганади.

Демография фани тармоқлари:



Этник демография – аҳоли такрор барпо бўлишининг этник хусусиятларини тадқиқ этади. Халқлар турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оилавий муносабатлар ва таркиби кабилар, аҳолининг туғилиш даражаси, ўртача умр кўриши ва саломатлиги ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий демография – аҳоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий омилларини тадқиқ этади. Иқтисодий омиллар деганда, жамият ҳаётининг барча иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда уларнинг туғилиш, ўлим, никоҳланиш даражасига, аҳолининг ўсиш даражасига таъсири тушунилади.

Ижтимоий демография – демографик жараёнларга аҳолининг субъектив ҳаракати, ижтимоий, ижтимоий-психологик таъсирини ўрганади.

Демография статистикаси - Аҳоли билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, илк давлатчиликнинг шаклланиш даврларига бориб тақалади. Ҳатто узоқ ўтмишда, яъни Рим

империяси даврида мамлакат ҳарбий қудратини ошириш мақсадида аҳоли, ёши, жинси ҳақида дастлабки маълумотлар тўпланганлиги тарихдан ҳаммага маълум.

Демографиядаги асосий ахборот манбалари қуйидагилар:

- Ҳар 10 йилда бир марта ўтказилиб туриладиган аҳоли рўйхати;
- Демографик ҳодисаларнинг жорий статистик рўйхати (туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш) нинг ҳисоби ва узлуксизлиги;
- Аҳоли жорий картотекасининг узлуксизлиги;
- Алоҳида ва махсус кузатувлар;

Аҳоли рўйхати бу мамлакат ёки унинг бирор ҳудудида маълум вақтда яшовчи аҳоли билан боғлиқ маълумотлар тўплами бўлиб, унда демографик ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар таҳлили ва баҳоси акс эттирилади.

Аҳоли рўйхатида қуйидаги масалалар ўрганилади:

- мамлакат ҳудудидаги аҳоли сони ва жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли миграцияси;
- аҳолининг миллий таркиби, она тили ва мулоқат тили, фуқаролиги;
- аҳолининг маълумоти, қишлоқ хўжалиги ва саноат ёки хизмат кўрсатиш тизимларида бандлиги, даромадлари;
- оилаларнинг комплекс ва ижтимоий тавсифига кўра тури ва сони;
- туғилиш;
- аҳолининг яшаш шароитлари ва б.қ.

Аҳоли табиий ҳаракати ҳодисаларининг жорий ҳисоби — асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ҳодисаларининг қайд этилишидир. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби икки нусхада қайд этилиб, улардан бири архивга, иккинчиси эса фуқаролик ҳолатларини умумлаштириш, маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш учун статистика муассасаларига топширилади. Бироқ, бу маълумотлар жамланган ҳолда ҳам демографик жараёнлар интенсивлигини ифодаламайди.

Демографик ҳодисалар ҳажми аҳоли сони билан боғлиқ. Масалан, аҳоли зич ҳудудларда иш ўринларининг камлиги ва ортиқча ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ёки аксинча, аҳоли сийрак ҳудудларда иш ўринларининг кўплиги ва меҳнат ресурсларининг етишмаслиги ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

XIX асргача дунё аҳолисининг сони анча секин ўсиб, 1820-йилга келиб 1 миллиард кишига етди. Бу жараён аҳолининг табиий ўсиши пастлиги билан белгиланган эди, чунки ўтган тарихий

босқичларда ҳам туғилиш, ҳам ўлим кўрсаткичлари юқори бўлиб, улар орасидаги фарқ жуда кичик даражада эди. Лекин 1 миллиарддан 2 миллиардгача кўпайиш учун инсониятга бирмунча камроқ вақт, яъни 107 йил керак бўлди (1820–1927-йиллар ораси). Кейинги йилларда дунё аҳолиси сони янада тезроқ ўсиб борди. 1960-йилга келиб дунё аҳолиси 3 миллиард кишига этди. 1975-йилга келиб 4 миллиард киши, 1987-йилда 5 миллиард киши, 1999-йилда 6 миллиард киши, 2011-йилга келиб эса 7 миллиард кишига тенг бўлди. 2017-йил ҳолатига жаҳон аҳолиси сони 7,5 миллиард киши атрофда ва ўсиши давом этмоқда.

Демак, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб жаҳон аҳоли сонининг кўпайиши кескин тезлашди.

Бу жараён фанда демографик портлаш деб аталади. Бу ҳодисанинг сабаби – ижтимоий-иқтисодий ва фан-техника тараққиёти туфайли аҳолининг турмуш даражаси юксалиши, яшаш шароити яхшиланиши ва соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши, одамларнинг ўртача умр давомийлигининг ўсиши, ўлим даражаси эса пасайиб кетганлигидир.

Дастлаб демографик портлаш XIX асрнинг боши – XX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада рўй берган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида эса Осиё, Африка, ЛотинАмерикаси ва Океаниядаги ривожланаётган мамлакатлар аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсишида ўз аксини топди.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси юқори тезлик билан ўсиб келган бирпайтнинг ўзида, Европа давлатлари ва Японияда аҳолининг табиий кўпайиши кескин секинлашди. Ҳаттоки, айрим ҳолларда туғилиш ўлимдан ҳам пастроқ даражага тушиб кетиб, аҳолининг табиий камайиш (депопуляция) жараёни ҳам рўй берди.

Демографик портлашдан кейинги туғилишнинг пасайиб кетиш жараёни сабабларини демографик ўтиш назарияси ёрдамида изоҳлаш мумкин.

Бу назарияга кўра, жамиятда аҳолининг такрор барпо бўлиши 4 та босқичдан ўтиб ўзгариб боради.

Дастлабки, 1-босқичда туғилиш билан ўлим жуда юқори бўлиб, орасидаги тафовут, яъни аҳоли табиий кўпайиши минимал даражада сақланади. Бундай демографик вазият **"анъанавий турғунлик"** деб аталади. Кейинги, 2-босқич давомида ўлим даражаси кескин камайиб, юқорида таърифланган демографик портлаш ҳодисаси рўй беради. Демографик ўтишнинг 3-босқичида

Ўлимнинг пасайиш жараёни ўз поёнига етиб, туғилиш даражаси камайишни бошлайди. Туғилишнинг пасайиб кетиши аҳолининг яшаш тарзи ўзгарганлиги (шаҳарлашув, саноатлашув, меҳнат унумдорлигининг юксалиши, тиббиётнинг ривожланиши, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ўзгариши ва ҳоказо) натижасида юзага келади.

Якуний, 4-босқичда эса туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари анча паст бўлиб, табиий кўпайиш минимал даражада кузатилади ва **"замонавий барқарорлик"** деб аталувчи демографик вазият вужудга келади. Баъзида демографик ўтиш жараёни бу ҳолат билан чегараланиб қолмасдан, депопуляция босқичига ҳам ўтиб кетади.

Дунёнинг турли мамлакатлари демографик ўтишнинг ҳар хил босқичини бошдан кечирмоқда. Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби ривожланган мамлакатлар 4-босқичда бўлиб, туғилиш ва аҳоли табиий кўпайишининг пастлиги билан ажралиб турибди.

Осиёда Жанубий ва Шимолий Корея, Сингапур, Таиланд ва ҳаттоки аҳоли сони жиҳатидан дунёда етакчилик қилаётган Хитой ҳам демографик ўтишнинг якуний босқичига кирди. Лотин Америкаси ва Океаниянинг айрим ривожланаётган мамлакатларида ҳам ўхшаш демографик вазият кузатилмоқда.

Туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайишининг энг паст кўрсаткичлари эса Венгрия, Болгария, Сербия, Руминия, Латвия, Литва, Украина каби Европанинг ўтиш иқтисодиётидаги давлатларига хос. Бу давлатларда бир неча йилдан буён аҳолининг табиий камайиши содир бўлмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги демографик ўтишнинг 3-босқичини кечирмоқда, уларда туғилиш кўрсаткичлари аста-секин пасайиб бормоқда. Демографик ўтиш жараёнининг энг паст суръатлари эса Африка давлатлари учун хос. Айниқса, Ғарбий, Марказий ва Шарқий Африка мамлакатларида туғилиш ва аҳоли табиий кўпайишининг юқори даражалари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2016-йил якунлари бўйича, жаҳоннинг аҳоли табиий кўпайиш суръатлари бўйича 10 та етакчи давлат ичида 9 таси Африка материгида жойлашган, биринчи бешликдан эса фақат Африка мамлакатлари (Малави, Уганда, Бурунди, Нигер, Мали) жой олган.



Демак, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳамда ўтиш иқтисодиётидаги кўп давлатлар демографик ўтишни якунлаб қўйган бўлсалар, Африканинг ижтимоий-иқтисодий жихатидан энг суст ривожланган мамлакатлари 2-босқичдан 3-босқичга ўтиш арафасида турибди. Шунинг учун ҳозирги шароитда дунё аҳолиси, асосан, ривожланаётган ва энг қолоқ мамлакатлар ҳисобига кўпайиб бормокда. Ҳозирги даврда дунё аҳолиси ҳар йили ўртача 70–80 млн кишига кўпайса, бу кўпайишнинг 97% Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатларига тўғри келади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг демографик вазиятидаги тафовутлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, шаҳарлашув, аҳолининг турмуш тарзи ва анъанавий қадриятларнинг сақланганлик даражаси каби омиллар билан боғлиқ.

Дунё ва йирик регионларнинг асосий демографик Кўрсаткичлари (2016-й.)

1-жадвал

№	Худудлар	Туғилиш ҳар 1000 кишига	Ўлим ҳар 1000 кишига	Ўртача кўпайиш ҳар 1000 кишига	%
1	Дунё	20	8	12	1,2
2	Ривожланган давлатлар	11	10	1	0,1
3	Ривожланаётган давлатлар	22	7	15	1,5
4	Европа	11	11	0	0
5	Осиё	18	7	11	1,1

6	Африка	36	10	26	2,6
7	Шимолий Америка (АҚШ ва Канада)	12	8	4	0,4
8	Лотин Америкаси	17	6	11	1,1
9	Австралия ва Океания	17	7	10	1,0

Табиий кўпайишнинг юқори суръатлари сақланиши ёки ўта паст даражага тушиши мамлакат иқтисодиёти учун турли муаммоларни келтириб чиқаради. Ривожланаётган мамлакатларда бу муаммолар ишсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги камчиликлар бўлса, ривожланган давлатларда улар меҳнат ресурслари етишмаслиги, нафақа ва солиқ тизимларининг беқарорлигида билинади. Айрим давлатлар демографик вазиятини ўзгартириш мақсадида махсус моддий, маъмурий ва тарғибот чораларини қўллаб келмоқда.

Давлат томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган бундай чоралар тизими демографик сиёсат деб аталади.

Демографик сиёсат, асосан, икки хил: мамлакат аҳолиси табиий ўсишини камайтиришга қаратилган ёки уни кўтариш мақсадини кўзлайдиган бўлади. Биринчи йўналишдаги демографик сиёсат тажрибалари Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Эрон ва бошқа ривожланаётган давлатларда мавжуд бўлса, иккинчиси Европа мамлакатларида амалга оширилмоқда.

2018 йили ер юзида 7 млрд. 591 млн. 541 минг киши яшаши маълум бўлди. Бу ҳақда Сегунда нашри хабар бермоқда. Ушбу прогнозни “Ер аҳолиси” (Стифтунг Велтбеволкерунг) фонди эълон қилди. Фонднинг таъкидлашича, Ер аҳолиси 83 млн. кишига кўпаяди. Аҳолининг фаол кўпайиши Африкада кузатилади. Экспертларнинг ҳисоблашича, 2050 йилга келиб Ер аҳолиси 2500000000 киши бўлади. 2050-йилга бориб Ер аҳолисининг ярми 9 та давлатга жамланади

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти “Жаҳон аҳолиси истиқболлари” ҳисоботининг янгиланган версиясини эълон қилди. Бундан олдинги рақамларни Ҳиндистон ҳамда Африка аҳолисининг ўсиши ҳисобига қайта кўриб чиқишга тўғри келди.

Ҳозирда Ҳиндистон ўзининг аҳолиси сони бўйича дунёда иккинчи ўринда: 1,3 миллиард одам. Хитой аҳолиси эса 1,4 миллиардни ташкил этади, бироқ 2024-йилга бориб Ҳиндистон биринчи ўринга чиқиб олиши кутилмоқда. Европа аҳолисининг тез

камайиб бориши фонида Африканинг 26 мамлакати аҳолиси 2050-йилга бориб икки баробарга ортади.

БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра 2030-йилга бориб Ер аҳолиси 8,6 миллиардга, 2050-йилда 9,8 миллиардга, аср охирига бориб эса 11,2 миллиардга етади. Аввалги башоратда 2030-йилда аҳоли 8,5 миллиардни, 2050-йилда эса 9,7 миллиардни ташкил этган. Аср ўрталарига бориб Ер аҳолисининг ярми тўққизта мамлакатда жамланган бўлади: Ҳиндистон, Нигерия, Конго демократик республикаси, Покистон, Эфиопия, Танзания бирлашган республикаси, АҚШ, Уганда ҳамда Индонезия.

БМТ ҳисоботида келтирилган яна бир омил бу аҳолининг қариши. Дунёнинг барча минтақаларида умр кўришнинг ўсиши қайд етилган: 2000—2005-йилларда эркакларнинг ўртача умр кўриш ёши 65 йилни, аёлларники 69 йилни ташкил этган бўлса, 2010—2015-йилларда бу кўрсаткич эркакларда 69, аёлларда 73 йилни ташкил этган.

Ер аҳолисининг ортиб бориши ресурсларнинг тез камайишига, экологик муаммолар, сиёсий нотинчликлар, ишсизлик ҳамда қашшоқликнинг кўпайишига олиб келади.


Ер юзи аҳолиси 2018-йил 1-январда 7,4 млрд кишига етади. Сайёра аҳолиси сони 2018-йил 1-январда 7 444 443 881 кишига етади. АҚШ рўйхатга олиш бюроси мутахассислари шундай тахмин қилди, дея [хабар беради](#) “ТАСС”.

Бюрога кўра, жорий йил 1-январига нисбатан Ер аҳолиси 78,5 миллион кишига кўпайди. Ўсиш 1,07 фоизни ташкил этди.

АҚШда 1-январ куни аҳоли сони 326,97 миллион кишига етади. Бу жорий йил 1-январига нисбатан 2,3 миллион кишига кўп. Олдинроқ бюро 2050-йилга келиб Ер юзида 9 миллиард киши истиқомат қилишини тахмин этганди.

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2018-йил 1-апрел ҳолатига 32763,7 минг кишини ташкил этиб, 2018-йилнинг январ-март ойларида 107,0 минг кишига ёки 0,3 %га ўсган. Жумладан, шаҳар аҳолиси сони 16583,0 минг кишини (жами аҳоли сонигаги улуши 50,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 16180,7 минг кишини (49,4 %) ташкил этди.

**Ўзбекистон республикаси аҳолисининг умумий ўсиши
(2018 йил январ-март ойларида)**



Республика ҳудудлари кесимида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018-йил 1-апрел ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3733,7 минг кишини (республика аҳолиси сонигаги улуши 11,4 %ни) ва Фарғона вилоятида 3631,0 минг кишини (11,1 %), аксинча энг кам аҳоли сони Сирдарё вилоятида 818,4 минг кишини (2,5 %) ва Навоий вилоятида 961,3 минг киши (2,9 %) ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида аҳолининг энг юқори ўсиш суръати 2017-йилнинг мос даврига нисбатан Сурхондарё вилоятида 2,1 %га, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 1,9 %га, Жиззах, Наманган вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 1,8 %га, аксинча энг кам ўсиш суръати Тошкент вилоятида 1,1 %ни, Қорақалпоғистон Республикасида ва Бухоро вилоятида 1,4 %ни ташкил этди.

2017 йил 1 январида аҳоли сони 32,1 миллион киши эди - уларнинг 16,1 миллион нафари (ёки 50,2 фоизи) эркаклар, 15,9 миллиони (49,8 фоизи) эса аёллар. 32,1 миллион киши ҳам, 32,5 миллионлик рақам ҳам барча-барчани - янги туғилган чақалоқлардан тортиб, аср билан тэнглашган отахону онахонларни, ўзбеку русларни ўз ичига олган. Яна бир қизиқ жиҳат — 2017 йил 1 январ ҳолати бўйича, Ўзбекистонда 750 мингдан зиёд рус, 177 мингга яқин корейс, 70

мингдан зиёд украин миллатига мансуб аҳоли бор. Улар нуфусида ярми аёллар деб топилса ҳам, қолган ярми салкам ярим миллион эркак бўлиб чиқади. Миллати, еҳтимолки, дини ҳам бошқа, лекин Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги 16,1 миллион эркак қаторидаги кишилар.

Республикада 2017 йил 1 январ ҳолатига 168 та туман, 119 та шаҳар (республика бўйсунувида – 2 та, вилоятлар бўйсунувида – 24 та ва туманлар бўйсунувида – 93 та), 1081 та шаҳарча, 1468 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 10998 та қишлоқ аҳоли пункти ҳамда 8207 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Республика ҳудуди 448,97 минг кв.км ташкил этиб, 1 кв.кмга 71,5 киши тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли зичлиги
(2017 йил 1 январ ҳолатига; 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони)

1. Қорақалпоғистон Республикаси – 10,9
2. Хоразм вилояти – 293,7
3. Бухоро вилояти – 45,7
4. Навоий вилояти – 8,5
5. Қашқадарё вилояти – 108,1
6. Самарқанд вилояти – 217,8
7. Сурхондарё вилояти – 122,5
8. Жиззах вилояти – 61,3
9. Сирдарё вилояти – 187,6
10. Тошкент вилояти – 185,5
11. Тошкент шаҳри – 7257,9
12. Фарғона вилояти – 527,3
13. Андижон вилояти – 689,0
14. Наманган вилояти – 356,5
- 15.

Демографик башорат

Фанда бирор ҳодиса ёки бирон-бир объект ҳолатининг ўзгаришини олдиндан кўра билиш ва айта олиш башорат деб аталади. Ҳозирги пайтда географияда башоратлаш ва башорат тушунчалари мавжуд. Башоратлаш-ўрганилаётган борлиқ (объект) ҳолатининг ўзгариши ҳақида маълумотлар йиғиш ёки олиш жараёнидир. Башорат эса башоратлаш бўйича тадқиқотларнинг натижасидир. Умуман башорат деганда ўрганилаётган борлиқ ёки

ҳодисанинг келажакдаги ҳолати ва кўринишининг тавсифи тушунилади.

Демографик башорат деганда маълум ҳудуд аҳолисининг сони, таркиби ва демографик вазияти истиқболининг асосланган ҳолда олдиндан аниқлаш тушунилади. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий башоратлар, демографик башорат заминиде тузилади. Келажакда ишлаб чиқариш лозим бўлган маҳсулотлар миқдорини режалаштириш учун аввало келажакдаги аҳоли сони, ёш-жинсий таркиби, оилалар сонини билиш лозимдир. Айниқса, аҳолининг ёш таркиби бўйича башорати муҳим аҳамиятга эгадир. Келажакда мактабгача бўлган болалар муассалари, мактаблар, оила ва махсус ўқув юр்தларини қурилишини режалаштириш учун келажакда қанча бола мактабгача таълим муассасаларига қатнаши мумкин, қанча бола мактаб ёшига етиши, қанча бола мактабни тугатиб олий ва махсус ўқув юр்தларига бориши ҳақидаги маълумотлар зарурдир.

Аҳолининг ёш – жинсий таркиби ҳақидаги башорат, тиббий хизмат таркиби ҳақидаги башорат тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ёш-жинсий таркиби бўйича тузилган башорат асосида келажакда қанча болалар ва аёллар шифокорлари, аҳолининг кекса гуруҳига хизмат қилувчи кардиологлар, онкологлар, невропатологлар каби мутахассислар тайёрлаш режалаштирилади. Келажакда, янги иш ўринларини тайёрлаш халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш истиқболларини аниқлашда эса меҳнат ёшидаги аҳоли ҳақидаги башорат илмий асос бўлиб хизмат қилади. Умуман, иқтисодиёт ва аҳолини ижтимоий ҳаётининг барча қирралари истиқболини режалаштиришда шу ижтимоий жараёнларнинг қатнашчилари, истеъмолчилар ва яратувчилари бўлиши аҳоли гуруҳлари ҳақидаги демографик башорат зарурдир. Акс ҳолда келажак учун режалаштирилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараён ижобий натижа бермайди.

Демографик, башорат демография фани ва демографик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳособланади. Демографик башорат-башорат этилаётган даврга қараб қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

Қисқа муддатли-демографик башорат 5 йилга мўлжалланган бўлиб, турли хўжалик ва режалаштириш ташкилотларида кўпроқ қўлланилади. Қисқа муддатли башоратда аниқлик даражаси нисбатан юқори бўлади. Чунки 5 йил давмида аҳолини ўлими

туғилиши жараёнида ҳам кескин ўзгариш рўй бермайди. Меҳнат ресурслари фарзанд кўриш ёшидаги аҳоли гуруҳи, нафақа ёшидаги аҳоли гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлади. Асосан туғиладиган болалар сони махсус ҳисоб–китоблар, услублар орқали ҳисобланади.

Ўрта муддатли – демографик башоратлар –30 йилгача бўлган давр учун ҳисобланади. Ушбу башоратда аҳолини туғилиш ва ўлим жараёнлари, аҳоли миграциясида содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар илмий асосда ўрганилади ва башорат тузишда ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли демографик башоратлар 30-60 йилда қўлланади. Бундай башоратлар аҳоли туғилиши ва ўлимининг келажакдаги ўзгаришлари ҳақидаги гипотезаларга асосланган. Узоқ муддатли демографик башоратга аҳоли миграциясини ҳисобга олиш бир мунча мураккаброқ кечади. Чунки аҳоли миграцияси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда жамиятда, табиатда юз берган тасодифий жараёнлар билан ҳам боғлиқдир. Шу туфайли узоқ муддатли демографик башоратларнинг аниқлик даражаси нисбатан пастроқ бўлиши мумкин.

Демографик башорат ўз тарихига эгадир. Бу борадаги энг дастлабки ҳаракатлар қадимги Рим ва Грецияда кузатилган. Илмий асосланган биринчи демографик башоратлар 17 асрнинг охири 18 асрнинг бошларида Л. Эйпер, Т Малтус, Пирла-Пида лар томонидан яратилган.

20 асрнинг 20 йилларидан бошлаб аҳоли ўсишининг асосий компонентлари, туғилиш, ўлим жараёнларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, такомиллашган услублар ёрдамида демографик башоратлар ҳисоблана бошланди. Ана шу йилларда Франция, Германия, Италия, Дания давлатлари аҳолисининг келажакдаги миқдори демографик башоратлар орқали, аниқланди.

1921 йил Э.М. Тарсов, С.Г. Струминлар 1921-1941 йиллар учун Россия аҳолисининг демографик истиқболини ишлаб чиқдилар. А.С.Новоселский, Б.Б Поевский, М.Б. Птух, Ю.А.Корчак-Чепурковский, А.П.Комнко, Б.Бабанинлар томонидан ҳам демографик башоратлар ишлаб чиқилган. Демографик башоратнинг услублари эса Россиялик аҳолишунос олимлар А.Я. Боярский, Б.Тс. Урланис, В.А. Борисов ишларида кенг ўрин олган. Ўзбекистонда демографик башоратни ишлаб чиқиш асосан 1960 йиллардан бошланади. Республикада дастлабки демографик

башоратлар аҳолишунос олим М.К.Қорахонов раҳбарлигида 1962-1980 йилларда ишлаб чиқилган. Кейинчалик Республикада Муллажонов, Убайдуллаева, Али Қориев, Бўриева, Максакова ва бошқалар ҳар томонлама мукамал башоратларнинг ишлаб чиқишди.

Демографик башоратда меҳнат ёшидаги аҳолини ёш-жинсий, маълумот, касб-малакаси бўйича келажак таркибини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ана шу башорат асосида ҳар бир давлат ва унинг ҳудудларида келажакдаги меҳнат ресурслари баланси ишлаб чиқилади.

Аҳолининг оилавий таркибини башорат этиш ҳам муҳим демографик тадқиқотдир. Чунки оила жуда кўп маҳсулотларнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Келажакда оиланинг таркиби қандай бўлади, аҳолининг неча фоизи ёлғиз яшайди, неча фоизи оддий оилаларда, неча фоизи 2-3 авлод вакиллари яшовчи мураккаб оилаларда истиқомат этадилар. Ёш оилалар салмоғи қандай бўлади? Ана шу саволларга оила таркибини башорат этиш орқали жавоб берилади ҳамда шу башорат асосида аҳолига турар жой яшаш учун керак бўлган барча маҳсулотлар ишлаб чиқиш режалаштирилади.

Дунё демографияси: бизни нималар кутмоқда?

Сўнгги 55 йил ичида сайёрамиз аҳолиси икки баравардан ортиққа кўпайди ва БМТ ҳисоб-китобларига кўра келгуси 11-12 йил ичида аҳоли кўпайишининг янги тўлқини юз бериши ва 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони 9,6 миллиардга этиши кутилмоқда. Бу эса энергетика захираларию чучук сув манбаларининг ниҳоятда озайишига олиб келиши мумкин. Бироқ сўнгги ўн йилликда нафақат Ғарбда, балки Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида ҳам туғилишнинг камаяётгани кузатилмоқда. Мазкур ҳолат айрим экспертларнинг аҳоли ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ҳақидаги гап-сўзларга шубҳа билан қарай бошлашига сабаб бўлди.

1804 йили дунёда 1 миллиардан сал кўпроқ аҳоли истиқомат қилар эди, 1927 йилга келиб эса бу рақам 2 миллиардга этди. Шундан кейин туғилиш суръати жадал илдамлади: 1959 йилда аҳоли сони 3 миллиардга, 1974 йилда эса 4 миллиардга етиб олди. 1987 йилга келиб сайёрамиз ўз бағрига 5 миллиард, 1998 йилда эса 6 миллиард одамни сиғдирди. Атиги 15 йилдан кейин эса аҳоли сони 7,2 миллиардни ташкил қилди. Экспертлар ташвишда: аҳоли

сони шу тахлит кўпаяверса, Ер юзида одамзоднинг рисоладагидек ҳаёт кечириши учун ресурслар етмай қолади. БМТ ўтказган тадқиқот экспертларнинг 95 фоизи ана шундай фикрда эканини кўрсатди.

Аҳоли сони 2050 йилда 9,6 миллиардга, 2100 йилда эса 10,9 миллиардга етиши кутилмоқда, бу эса асримиз охирларига бориб одамларнинг тахминан 20 фоизи озиқ-овқат ва чучук сув танқислигидан қийналишини англатади. Халқаро сув ресурслари бошқаруви институтининг хулосасаси эса яқин йилларга оид: 2025 йилдаёқ 1,8 миллиард одам чучук сув етишмайдиган жойларда истиқомат қилаётган бўлади.

Аҳоли сонининг кўпайиши ҳақида айтилаётган рақамлар кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин, албатта. Бу туғилишни назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш имконияти, гўдаклар ўлими ва ўртача умр давомийлиги каби омилларга боғлиқ. Дарвоқе, 1950 йилда одамлар ўртача 48 йил умр кечирган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 69 йилни ташкил этмоқда.

АҚШнинг Аҳолишунослик муаммолари бўйчи бюроси маълумотига кўра, ривожланган мамлакатларда 1,2 миллиард киши, камроқ ривожланган давлатларда эса 5,9 миллиард киши яшамоқда. 2050 йилга бориб бу нисбат қуйидагича кўриниш олади: 1,3 миллиард ва 8,4 миллиард. Шундай қилиб, 2050 йилда аҳолининг тахминан 86 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ва учинчи дунё ўлкаларида яшаётган бўлади.

Айнан ночор давлатларда туғилиш даражаси юқори эканини кўриш мумкин. Масалан, Бурунди ва Уганда каби Африка мамлакатлари аҳоли аранг кун кечирсада, бу ерларда туғилиш кўп. Ҳозир бу минтақада 900 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда, 40 йилдан кейин эса мазкур рақам 2 миллиардни ташкил этади. Африка мамлакатлари ҳукуматларининг анчагинаси аҳолини иш ўринлари ва тегишли ижтимоий муҳофаза билан таъминлай олмаслигини назарда тутсак, қашшоқлик билан боғлиқ вазият янада кескинлашишини англаш мумкин.

Экспертларнинг таъкидлашича, урбанизация – шаҳарлашув жараёни суръати жадал эканини ҳам назардан соқит қилмаслик керак: 2050 йилга бориб шаҳарлар худуди уч бараварга катталашади. Бошқача айтганда, ҳозир қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ерларнинг 10-15 фоизи шаҳарлар ихтиёрига ўтади. Демакки, экин майдонлари қисқариши кутилмоқда.

“Фермер хўжаликлари асримиз ўрталарига бориб кўшимча 2,4 миллиард ёки аср охирида 4 миллиард кўпроқ одамни ҳам боқа оладими-йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Фермерлар ҳозирнинг ўзида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қийналишмоқда, келажакда эса екин майдонларининг қисқариши, тупроқ сифатининг пасайиши, сув танқислиги, ўғитлар ва ёнилғининг қимматлашиши, иқлим ўзгариши каби омиллар вазиятни баттар оғирлаштиради”, – дейди Вашингтонда жойлашган Аҳолишунослик институти президенти Роберт Уолкер.

Кўпгина давлатлар аҳоли сонининг ўсиш суръати, келажакда одамларни иш ва ўқиш ўринлари, озиқ-овқат ва турар жой билан таъминлаш масаласи оғирлашишидан ташвишда. Шунинг учун ҳам XX аср охирларида ривожланаётган мамлакатларнинг баъзилари туғилишни назорат қилиш бўйича давлат дастурларини қабул қила бошлашди. Бундай дастурлар кутилган натижани берди, энди эса давлатларни туғилишнинг кескин камайиб кетгани ва аҳолининг тобора қариб бораётгани хавотирга соляпти. Масалан, Хитойда 1970-йилларда бир онага 5-6 фарзанда тўғри келар эди, энди эса 1,5 фарзанд тўғри келяпти. Бу ҳукуматнинг “бир оиллага – бир фарзанд” сиёсатининг натижасидир. Бундай сиёсат шаҳарлик оилаларга фақатгина битта, қишлоқлик оилаларга эса кўпи билан иккита фарзанд кўришга рухсат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, Хитойда 1979 йилдан бери абортлар ва стерилизасия туфайли қарийб 400 минг бола туғилмай қолган. Давлат дастурлари оқибатида туғилишнинг кескин камайиши Эрон, Ҳиндистон ва Перуда ҳам кузатилди.

Осиё-Тинч океани минтақасида аҳоли ўсишини барқарорлаштириш туфайли тўйиб овқат емайдиганлар сони 23,7 фоиздан 13,9 фоизгача камайди, шунингдек, таълим, яшаш ва соғлиқни сақлаш хизмати сифати ортди.

Сайёрамиз аҳолиси ҳозир ҳам кўпаймоқда, лекин кўпайиш суръати секинлашган. Демографларнинг айтишича, ҳозир Ҳиндистонда бир аёлга 2,6 фарзанд тўғри келаётган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 2,1га, 2035 йилда эса 1,8га тушиб қолади. Африканинг айрим ҳудудларини ҳисобга олмаганда, бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам худди шундай манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. Европа ва Лотин Америкаси аҳолиси эса тобора қариб бориши кутилмоқда. Масалан, 1980 йилда Ғарбий Европада ўртача ёш 34 эди, 2030 йилда 47 ёш бўлади, бу ўз навбатида

меҳнатга лаёқатлилар сонининг камайишини англатади. Умуман олганда эса 2050 йилга бориб Европа аҳолиси 14 миллионга озаяди. Европада аҳолининг табиий кўпайиши билан боғлиқ вазият чиндан ҳам оғир. Аҳолининг ўсиш суръати нафақат Европа, балки деярли ҳамма жойда кузатилади. Европанинг кўпгина ва Осиёнинг айрим мамлактларида аҳоли қариб бормоқда. Масалан, Японияда демографик пасайиш охирги йигирма йилдан бери давом этмоқда. Бу туғилишининг камайиш ва аҳоли сонининг қисқариши оқибатидир. Келгуси ўн йилликларда Япония аҳолиси қанчалик тез қаригани сари вазият шунчалик мураккаблашиб бораверади. Туғилишнинг камайиши иқтисодий инқироз туфайли кучайиши айтилсада, мутахассисларнинг фикрича, бу асосий сабаб эмас. Аслида давлат ривожланиб боргани ва фаровонлик ортгани сайин фертиллик (фарзанд дунёга келтириш) пасайиб бораверади. Ҳаёт сифати яхшиланади, умр давомийлиги узаяди, ўлим даражаси эса камаяди.

Шундан кейин одатда туғилиш даражасида ҳам пасайиши кузатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Африкада фертилликнинг юқори даражада бўлиши бу қитъада ўлим даражаси ҳалигача юқори экани билан боғлиқ.

БМТнинг аҳоли кўпайиши ҳақидаги тахминларига муболаға аралашган бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Айтайлик, Германиянинг Деуцче Банк таҳлилчилари аҳолининг ўсиш суръати БМТ экспертлари прогноз қилганичалик бўлмаслигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, келгуси бир неча ўн йилликда аҳоли сони кўпайишда давом этиши мумкин, бироқ бу туғилиш билан эмас, умр давомийлигининг ортиши билан боғлиқ бўлади. Деуцче Банк таҳлилчилари саёрамиз аҳолиси 2055 йилда 8,7 миллиардга етишини, асримиз охирида эса 8 миллиардга тушиб қолишини айтишмоқда.

“Аҳолининг ҳаддан зиёд кўпайиши билан боғлиқ гаплар афсонадан бошқа нарса эмас. Аҳолининг кескин кўпайишига ишонадиганларнинг аксарияти шаҳарларда, яъни одамлар кўп йиғилган жойларда яшайди. Одамлар тўлиб-тошган кўчалар муайян маконга хос, холос. Дунёда бўш ётган жойлар ҳали анча кўп. Масалан, Россияда”, – дейди АҚШнинг Аҳолишунослик тадқиқотларни институти президенти Стивен Мошер.

Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг сони ошиб бориши билан ҳаво сифати ҳам салбий томонга ўзгариши сир эмас. Ҳар йили бир

миллион киши шаҳар ҳавосининг ифлосланиши оқибатида вафот этади. Транспортларнинг кўпайиб бориши ҳам йўл транспорт ҳодисаларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили ривожланаётган мамлакатларда юз берадиган йўл транспорт ҳодисалари оқибатида 500 минг киши ҳалок бўлиб, 15 миллион киши жароҳат олади. Қурбонлар ва жабрдийдларнинг асосий қисмини пиёдалар ва велосипедчилар ташкил қилади.

1990 йилда жаҳонда мегаполислар сони атиги 10 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 28тага етди. Мегаполисларда 2014 йилги маълумотларга кўра, 453 миллион киши истиқомат қилган. Бу ер юзи аҳолисининг 12 фоизи демакдир. Аҳолиси 5 миллиондан 10 миллионгача бўлган шаҳарларда 300 миллиондан ортиқ киши, ёки ер юзидаги шаҳарлар аҳолисининг 8 фоизи яшайди.

28 та мегаполиснинг 16 таси Осиёда, тўрттаси Лотин Америкасида, учтаси Африкада ва яна учтаси Европада, иккитаси Шимолий Америкада жойлашган. Экспертларнинг фикрича, 2030 йилга бориб жаҳонда аҳолиси 10 миллион ва ундан ортиқ киши бўлган 41та мегаполис пайдо бўлади. Ҳозирча аҳолиси 38 миллион киши бўлган Токио жаҳондаги энг йирик мегаполис дея тан олинган. Иккинчи ўринда 25 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Дехли туради. Учинчи ўрин эса 23 миллион аҳолиси бор Шанхайга насиб қилган. Мехико, Мумбай ва Сан-Паулу шаҳарларининг ҳар бирида 21 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилиши айтилади. Осакада 20 миллион, Пекинда 20 миллионга яқин киши истиқомат қиладиган бўлса, Нью-Йорк ва Қоҳира аҳолиси 18,5 миллион кишидан иборат.


Инсон ҳозирга қадар ҳар хил шароитда ҳаёт кечирган. Америкалик антрополог тадқиқотчиларнинг фикрича, бундан 1 млн. йил илгари одамлар фақат Африка қитъасида яшаганлар ва уларнинг сони тахминан 125 минг атрофида бўлган.

Ҳозир ва келажакда табиий муҳитга урбанизация жараёнининг таъсири кучли даражада бўлишига шубҳа йўқ. Чунки, шаҳар аҳолисининг салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозир дунё мамлакатларининг 120 тасида урбанизация даражаси ўртача дунё кўрсаткичидан юқори, 90 та мамлакатда шаҳар аҳолиси улуши қишлоқ аҳолисидан кўпчилиқни ташкил этади.

Урбанизациянинг авж олиши айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилмоқда. Урбанизация туфайли йирик шаҳарлар сони ортиб бормоқда. 1900 йилда аҳолиси сони 100 мингдан ортиқ шаҳарлар 300 тага яқин бўлган, 1950 йилда – 950, 1980 йилда – 2370 тага етди. Ҳозир дунё аҳолисининг $\frac{1}{4}$ қисми йирик шаҳарларда яшамоқда. “Миллионер шаҳарлар” сони ушбу йилларда 10 тадан 250 тага ортиди (1950 й. – 81, 1960 й. – 120, 1980 й. – 209) . Дунё аҳолисининг 15% га яқин қисми “миллионер шаҳарлар”да мужассамлашган.

Урбанизациянинг ўзига хос кўриниши шаҳар агломерациялари ва мегалополисларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. АҚШдаги Босваш (Бостон-Вашингтон), Чикпитс (Чиқаго-Питтсбург;), Сансан (Сан-Франциско – Сан-Диего) мегалополисларида яқин келажакда 150 млн. дан ортиқ аҳоли (АҚШ аҳолисининг 50%дан ортиғи) яшаши тахмин қилинмоқда. Москва агломератсияси ўз марказидан 100 км радиусда 130 та аҳоли яшаш жойларини (шаҳарларни)бирлаштирган.

**Дунёнинг йирик ҳудудларида шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши
(фоиз ҳисобида)**



Дунёнинг йирик ҳудудларида шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши.
(фоиз ҳисобида)

1-жадвал

№	Ҳудудлар	1950 й.	1970 й.	1990 й.	2000 й.
1	Дунё бўйича	29	37	43	47,5
2	Африка	15	23	31,8	37,3
3	Шимолий Америка	64	74	75,4	77,4
4	Лотин Америкаси	41	57	71,4	76,6
5	Осиё	17	23,4	32	37,7
6	Евроосиё	53	64,4	73	74,1
7	Австралия, Океания	61	71	70,6	70,2
8	Хитой	12	17,4	26,2	34,5
9	Россия	44,7	62,5	74	77,9
10	Ўзбекистон	30	37	41	37,9

Агломерация жараёни ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун характерли тус олмоқда. Лотин Америкасидаги: Буенос-Айрес, Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Мехико, Каракас, Богота, Сантяго; Осиёдаги: Калкутта, Бомбей, Сингапур, Гонконг, Жакарта, Истамбул; Африкадаги: Кохира, Касабланка агломератсиялари тез ўсмоқда. Айниқса, кейинги даврда аҳолиси сони 10 млн. дан ортган "бахайбат (гигант) шаҳарлар" салмоғи анча ортди. Яқин келажакда Мехикода 31 млн., Сан-Паулада - 26, Токиода - 24, Нью-Йоркда - 23, Калкуттада - 20, Бомбей, Кохира ва Жакартада 15 миллиондан аҳоли яшаши эътироф этилмоқда.

Шаҳарларнинг жойлашиши ҳам дунё бўйича бир текис эмас. Аҳолиси 5 млн. дан ортган дунёдаги 26 шаҳарнинг 5 таси (Мехико, Париж, Москва, Чикаго, Дехли) денгиз қирғоқларидан анча узоқда, қолган барча йирик шаҳарларнинг 40% денгиз соҳилидан 50 км. гача бўлган ҳудудларда жойлашган.

Урбанизациянинг жадал ривожланиши ер юзасида экологик вазиятнинг мураккаблашишига таъсир кўрсатмоқда. Урбанизация жараёни табиат компонентларининг барчасида кучли ўзгаришлар содир этиши аён. Шаҳарларда грунт, релеф, тупроқ, гидрографик тармоқлар, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси, ҳатто иқлим ўзгаради. Шаҳарларда нафақат ҳарорат, нисбий намлик, қуёш радиацияси балки, ернинг иссиқлик, гравитация, электр ҳамда магнит майдонлари хусусияти ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Шаҳарларнинг катталашиши унинг атроф табиатига таъсир радиусини ҳам орттиради, натижада

шаҳар ҳудуди билан бирга унинг атрофида экологик вазиятдаги мутаносиблик йўқолади.

Шаҳарлар атрофидаги табиий ҳудудий мажмуалар (ТхМ)га 3-30 км. масофада таъсир кўрсатади. Саноат корхоналарининг турли чиқиндилар (заҳарли газ, ифлос сув ва ҳ.к.) чиқариши оқибатида шаҳарлар атрофидаги экин далалари, ўтлоқ, яйлов, сув ҳавзалари ва ўрмонлар зарар кўрмоқда. Канадалик олимларнинг кузатишларича, мис никел корхоналари чиқиндилари 3,5 км. радиусдаги ўсимлик ва ҳайвонларни бутунлай йўқ қилиши, 13 км. даги дарахтларга кучли шикаст етказиши, тупроқ унумдорлигини йўқотишини кўрсатди. Тоғ- металлургия корхоналари таъсири ҳам юқоридагидан кам эмас.

Кўпгина шаҳарларда ер ости сувларидан истеъмолга олиниши оқибатида шаҳар заминининг чўкиши рўй бермоқда. Токио ва Осакада замин йилига 18-20 см, Калифорнияда - 30-35 см, Мехиконинг айрим ҳудудларида 40 см. га пасаймоқда. Шаҳар заминининг чўкиши, инсоннинг бошқа фаолиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан: Москва шаҳри остидаги сув қувурлари узунлиги, шаҳар кўчалари умумий узунлигидан икки марта кўп экан. Демак бу шаҳарнинг турли ҳудудларида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Янги шаҳарларнинг барпо этилиши, эскиларининг кенгайиши, аввало ернинг қишлоқ хўжаликдан чегирилишига сабаб бўлади. МДХ да собиқ шўролар даврида 1200 та янги шаҳарлар барпо этилган. Ҳозирда йилига 500 минг га. ер (АҚШ да 1 млн. Акр., 1 акр. Тэнг 0,4 га.) шаҳарлар ҳудудига қўшилмоқда. Фақатгина МДХ да 10 млн. га. дан ортиқ ерни шаҳарлар ҳудуди эгаллаган.

Москва шаҳар агломерацияси 2 600 км² ни, Санкт- Петербург - 1300 км², Париж- 1870, Лондон- 5400 км² майдонни банд қилган.

Шаҳар рельефининг текисланганлигидан гидрографик тармоқлардаги оқим қийинлашади. Пасткамликларда ортиқча сув тўпланишидан рельефда ўпқон, сурилмалар вужудга келади. Иморатларнинг ертўзалари захлигидан турли касалликларни тарқатувчи микроорганизм ва ҳашоратлар учун маконга айланади.

Йирик шаҳарларда ҳавонинг ифлосланганлиги туфайли қуёш нуруни 15% (қишда ультрабинафша нурларни 30%) кам олиши аниқланган. Бундан ташқари шаҳарларда ёғингарчилик ва булутли кунлар 10%, туманликни ёзда 30%, қишда 100% ортиқ бўлиши маълум. Масалан: Москва шаҳри қиш ойларида 24% қуёш

нурларини йўқотади. Санкт-Петербургда эса қуёш нур сочиб турувчи вақт теваарак - атрофга нисбатан йилига 120-160 соатга камлиги аниқланган. Йирик шаҳарларда марказ ва чекка ҳудудларда ҳарорат тафоввuti 4-5° га етиши мумкин (Париж -8°, Санкт-Петербург - 1°, Москва - 1,4°). Натижада, шаҳар марказида "иссиклик ороли" вужудга келади, Атмосфера циркуляцияси ҳолати ўзгаради. Турли қурилмалар, иссиклик манбаларининг кўплиги, ҳавонинг ифлослиги туфайли шаҳарларда ўзига хос "оғир микроиклим" шаклланган. Шаҳарлардаги баланд иморатлар ҳавонинг алмашинувини, айниқса, ёзда кечкурунлари шаҳарга салқин ҳаво киришини қийинлаштиради.


Саноат ва транспорт шаҳарлар атмосфераси таркибида хилма-хил, кучли зарарли газ ва металлар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда. АҚШ, Япония, Англия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатлардаги йирик шаҳарлар ҳавосининг 1м² да 1-2 дан 8-10 микрограммгача қўрғошин бирикмаси борлиги аниқланди. Кадмий, симоб, никел, руҳ, хром, ванадий - шаҳар ҳавосининг доимий бирикмаларига айланмоқда. Металлургия, баъзан нефт-кимё корхоналарига эга бўлган шаҳарлар ҳавоси таркибида одатда сульфат II оксид аралашмалари юқори даражада бўлади. Е.Ю. Безуглая (1980) шаҳар ҳавоси ифлосланиши борасида муҳим қонуниятни аниқлаган. Аҳолиси сони 250-500 минг киши бўлган шаҳарларда ҳавонинг сульфат II оксид билан ифлосланиш даражаси 100 минг кишилик шаҳарга нисбатан 60-80%, йирик шаҳарларда эса ушбу кўрсаткич 100% дан ҳам ортиши кузатилади. Шунингдек, Б. Б. Прохоров (1997)нинг ушбу соҳадаги тадқиқотлари ҳам амалий аҳамиятга лойиқдир.

1990-йиллар бошида МДХ да атмосферага йилига 200 минг т. дан ортиқ зарарли моддалар чиқарувчи 70 дан ортиқ шаҳар қайд этилган (Норилск - 2368 минг т. (1), Кривой Рог - 1328 минг т. (2) , Москва - 1113 минг т. (3) . Тошкент - 454 минг т. Фарғона - 234 минг т. (53) . . .) . Бироқ ҳозирга келиб айрим шаҳарларда (хусусан, Тошкент, Фарғона ва б.) ушбу кўрсаткич жуда сезиларли даражада камайган. Бироқ, шаҳар ҳавосининг нисбатан ифлосланганлиги, умуман урбанизация жараёни экологик вазиятга кучли таъсир этмоқда. Аҳоли ўртасида турли юқумли-оғир касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, шаҳарларда ўлим кўрсаткичларининг юқорилиги бевосита урбанизациянинг экологик вазиятга салбий таъсири натижасидир.

Инсон умрининг салмоқли қисми табиат кучоғида бўлиши уни соғлом, бақувват ва баркамол ўсиши гаровидир. Кейинги вақтларда йирик шаҳарларнинг барпо бўлиши, аҳолининг физиологик ва ижтимоий ҳаётида қатор ноқулайликларни келтириб чиқармокда, шу туфайли АҚШ, Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларидаги йирик шаҳарларда (хусусан, Токиода) шаҳар аҳолиси сони тобора камайиб бормокда. Бунга, йирик шаҳарларда атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, кишиларнинг табиатдан анча йироқлашиб кетганлиги, инсон умрининг кўп вақтини турли қурилмалар қуршовида ўтиши, ёруғлик (қуёш нури) ҳамда кислород танқислиги сабаб бўлмокда.

Шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ҳаддан ташқари ифлосланганлиги туфайли қуёш нурларининг қайтиши кўпаяди. Айниқса ультрабинафша нурларининг етишмаслиги кишилар ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Бу нурлар теридаги зарарли микроорганизмларни йўқотади, танада минерал моддалар алмашувини таъминлайди, организмни турли касалликларга нисбатан бардошлилигини ортиради.

Туғилишнинг ўсиш динамикаси (млн) киши ҳисобида



Тадқиқотлар ультрабинафша нурларни меъёрида олган болалар, уни етарлича олмаган болаларга нисбатан шамоллашга 10 марта кам чалинишини исботлайди. Шаҳар аҳолиси саломатлигига, айниқса, атмосфера ҳавоси ва унинг ҳолати кучли таъсир этади. Буюк алломаимиз Абу Али Ибн Сино: "Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшарди", дея ёзганида катта ҳикмат бор. Йирик шаҳарлардаги ўзига хос микроиклим: ҳарорат ва

намликнинг ўзариши кишилар организмида иссиқлик ҳамда модда алмашинувига таъсир этиб, нафас олиш, юрак фаолияти, кон айланиши ва тери ҳолатини белгилайди.

Саноатлашган мамлакатларда аҳолининг кўпчилигида қон айланиш жараёнининг бузилганлиги аниқланган бўлиб, 50% ўлим ҳам айнан ушбу касаллик билан боғлиқлиги аён. Умуман қуёш нури, кислород етишмаслиги, ҳарорат ва намликнинг ўзгарганлиги инсоннинг меҳнат қобилияти пасайишига, кайфияти бузилишига, уйқусизликка сабаб бўлади. Йирик саноат шаҳарлари ҳавосида инсон учун зарарли бўлган аэрозол заррачалар миқдори 10-20 марта кўп бўлиб, касаллик тарқатувчи бактериялар ҳам 5-10 марта ортиқ бўлиши аниқланган. АҚШ (Лос-Анжелос, Донора, Питсбург) ва Ғарбий Европанинг йирик саноатлашган шаҳарларида (Лондон, Афина, Иттетса, Милан...) ҳамда Мехико, Токио, Йокогамада заҳарли газ ва чанглар аралашмасидан вужудга келган аччиқ туманлик-смог (унинг таркибида намнинг кўп - 70% бўлиши фотохимёвий смог деб аталади) мунтазам кузатилади. Токионинг саноатлашган ҳудудларидаги тиббий кўрикдан ўтказилган аҳолининг 35% , Американинг Донора шаҳрида 65 ёшдан ошган аҳолининг 60% смог туфайли нафас йўллари билан боғлиқ касаллигига чалинганлиги аниқланган. Ана шундай смог туфайли 1952 йил декабрда Лондонда мудҳиш ҳодиса руй берди. Смогдан заҳарланишдан 4 кеча-кундузда 4000 киши нобуд бўлди, ўн минг киши касалликка чалинди. 1962 йилда яна ушбу ҳодисадан 1000 га яқин киши ҳалок бўлди.

Ифлос ҳаводан нафас олиш анча қийин бўлади, ўпкага ҳаво тўлиқ етиб бормайди, чанг-ғуборларни ўпкада йиғилиши нафақат ўпкани, балки тананинг бошқа аъзолари ва тўқималарини ишдан чиқаради. Астма, эмфизема, юқори нафас йўллари қатори касалликлар манбаи ҳам ифлосланган ҳаводир.

Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсирли омилларидан бири шовқин-сурондир. Унинг асосий манбаи - транспорт (автомобил, темир йул, ҳаво транспорти) саноат ва маиший корхоналар ҳамда қурилиш техникасидир. Инсон умуман шовқинсиз муҳитда яшаши мумкин эмас. Аммо шовқин кучи ортиши киши саломатлигига салбий таъсир этади. Шовқин кучи детсибал (дБ) да ўлчанади. Унинг 0-50 дБ бўлиши инсонга ёқимли овоз сифатида таъсир этади (дарахт баргларининг шитирлаши, майин мусиқа овози), 60-90 дБ шовқин ёқимсиз

(бақириб гапириш, ёзув машинкалари хонасидаги товуш), 100-120 дБ кўчадаги зарарли шовқин (юк машинаси, жаз мусиқаси) кучининг 130-200 дБ бўлиши хавфли ҳисобланади (реактив самолёт, артиллериянинг тўп отиш вақтидаги товушлар). Шовқин кучининг рухсат этилган меъёри (РЕМ) 80 дБ, энг юқори чегараси 110 дБ. Ҳозирда шовқин кучи йирик шаҳарларда меъёрдан 10-20 дБ га ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Йирик шаҳарлар аҳолисининг 60% дан ортиғи шовқиндан шикоят қиладилар. Германия аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида аҳолининг 69% транспорт, 21% кўни - кўшнилари ва болалар шовқинидан, 8% и иш жойларидаги, 2% и бошқа турдаги шовқин манбаларидан шикоятланиши маълум бўлди. Кишилар қадимдан шовқинга қарши курашиб келганлар. Юлий Цезир шаҳарларда кечкурун барча турдаги транспорт ҳаракатларини таъқиқлаган. Англия қироличаси Елизабетта II шаҳарда кечкурун соат 22⁰⁰ дан сўнг турли жанжалларга барҳам беришни буюрган. Қадимги Римликларда шаҳар ҳудудида товуш чиқарувчи хунармандчилик ишларини бажаришга рухсат этилмаган. Хатто, шаҳарда (Рим) хўроз боқиш қатъиян ман этилган. Ҳозирда Рио-де-Жанейро, Рим ҳамда Қоҳира ва Яқин Шарқдаги йирик шаҳарлар энг сершовқин шаҳарлар ҳисобланади. Улардаги серқатнов кўчаларда шовқин кучи 110 дБ дан ҳам ортади. Бундай кучли шовқин инсоннинг эшитиш қобилиятини бутунлай ишдан чиқаради, марказий нерв тизими фаолияти ўзгариши, қон босими кўтарилиши, модда алмашуви бузилиши, юрак фаолияти ёмонлашуви, нафас олишнинг қийинлашуви ҳам кучли шовқин таъсиридандир. Кучли шовқин хотира ва диққатни сусайтиради, фикрлашни секинлаштиради, уйқусизликни келтириб чиқаради, кишиларни жаҳлдор бўлишга сабаб бўлади. Шовқин кучининг 130 дБ дан ортиши инсон организмида кескин ўзгаришлар 180 дБ дан ортиши ўлим билан тугаши мумкин. Кучли шовқин меҳнат унумдорлигини 10-60% камайтиради. Сершовқин муҳитда фаолият кўрсатадиган кишиларда турли касалликларга чалиниш, одатдаги шароитда меҳнат қиладиган кишиларга нисбатан 25% юқори бўлади. Мутахассис олимлар сершовқин шаҳарларда инсон умри бир неча йилга қисқаришини таъкидлайдилар.

Умуман тиббиёт тадқиқотлари шаҳар аҳолиси ўртасида ўлим кўрсаткичлари анча юқори эканлигини кўрсатади. Аҳолиси 1 млн. ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда рак (ўсма) касаллигига

чалинганлар қишлоқ жойларга нисбатан 2 баробар ортиқлиги, бронхит эса анча кэнг тарқалганлиги маълум. Йирик шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги, транспорт ҳаракатларининг жадаллиги, доимий шовқин, қуёш нурининг етишмаслиги, урбанизация ва саноат ривожланишининг назоратсизлиги турли касалликларнинг авж олиши учун кўпгина қулайликлар туғдиради, натижада экологик тушкунликка сабаб бўлади.



Шуни қайд қилиш керакки, 1830-1930 йилларда аҳолининг ўсиши асосан, Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида кузатилди. Ҳозирда эса ривожланаётган мамлакатларда, Жанубий Америка ва Осиё мамлакатларида аҳоли сони кескин ошмоқда. Келгусида сайёрамизда аҳоли сонининг ўзгариши ҳақида тадқиқотчилар ҳар хил фикр билдирмоқдалар. Уларнинг фикрича ХХІ асрнинг ўрталарида сайёрамизнинг аҳолиси 13 млрд га етиши башорат қилинмоқда.

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг қўпол тарзда бузилиши жамиятда синфларнинг вужудга келиши билан бошланди. Синфий жамиятнинг сўнги поғоналарида ушбу муносабатлар янада чуқурлашиб, мураккаб тусга кирди. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашиш сабаби бойлик кетидан қувиш, "олтин сароби" (васвасаси), мустамлака тузумининг вужудга келиши билан ҳамнафасдир.

Бундай жамиятда инсон ишчи кучи, табиат хом-ашё манбаига айланиб, табиатга киргин келтира бошлайди.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИ ВА ЭКОЛОГИК АҲВОЛ.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун қадимги грек олимларининг (Ксенофонт, Платон, Аристотель) асарларида иқтисодиёт – уй хўжалиги ва уни юритиш қонунлари деб тушунтирилган. Араб лэксиконида «иқтисод» тежамкорлик маъносида тушунилган, чунки ислом динига оид адабиётларда тежамкорликка алоҳида эътибор берилган. Лекин, ҳозирги даврда иқтисодиёт тушунчаси фақат уй, индивидуал хўжалик юритиш ёки тежамкорлик маъноси билан чекланмайди. Балки иқтисодиёт – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб ижтимоий тизимни англатади.

Бунинг устига барча ресурсларимиз – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир. Хаттоки, ишлаб чиқаришнинг бугунги даражасида инсоният ихтиёридаги турли табиий бойликларнинг тахминан қанча вақтга етишини олдиндан башорат қилиш мумкин. Жумладан, инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлиши башорат қилиниб, бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалай 35, қўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Амалда ҳозир яшаётган авлод ҳам ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалай, рух, олтин, кумуш, платина, никел, вольфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ушбу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири сайёрамизда бир неча ўнлаб миллион тонна бўлган турли чиқиндиларни самарали қайта ишлашнинг янги юқори самарали усулларни излаш ва ўзлаштириш муаммоси қийнаб келмоқда. Турли мамлакатларда жумладан республикамизда ҳам иккиламчи ресурсларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари асосида янги композицион материаллар яратиш масалаларига бағишланган конференциялар ўтказилмоқда. Семинарда Австрия, Буюк Британия, Исроил, Италия, Португалия, Россия, АҚШ, Украина ва Марказий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган олимлар иштирок этишди. Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини ривожланишига кўмак берувчи халқаро миқёсдаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик устивор йўналиш ҳисобланади. Етакчи мамлакатлар, хорижий ташкилот ва жамғармалар билан 60 дан ортиқ мақсадли келишувлар имзоланди. Мамлакатимиз олимлари турли мамлакатларнинг олимлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда, асосий вазифа иккиламчи ресурсларни қайта ишлашни инновацион технологиялар асосида йўлга қўйиш ҳисобланди. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам катта ҳажмда саноат чиқиндилари тўпланиб қолган. Бу борада тоғ-кон саноати ва қайта ишлаш саноати корхоналари “етакчилик” қилади. Маиший чиқиндилар ҳам муаммо бўлиб, атроф-муҳитга салбий таъсир этиб экологик зарар етказмоқда. Бу атмосфера ҳавосини, ер ости ва усти сувларини, тупроқни зарарли моддалар билан ифлослантириши кўринишида инсонлар, флора ва фаунага таъсир этмоқда. Шу билан бирга чиқиндилар кўпгина саноат тармоқларига керакли бўлган турли хил махсулотлар ва композицион материаллар олиш учун қимматли хомашёдир.

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошлаб йилига ҳар бир кишига тўғри келадиган чиқиндилар ҳажми дунёда 4-6% ортиб, аҳоли ўсиши тезлигидан 3 маротаба ортиқдир. Бугунги кунда ҳар бир шаҳарликка йилига 150 дан 600 кг гача маиший чиқинди тўғри келади. Энг кўп чиқинди чиқарадиган мамлакат АҚШ бўлиб, ҳар бир яшовчига 520 кгдан тўғри келади. Таққослаш учун Норвегия, Испания, Швеция, Нидерландияда 200-300 кг, Москвада 300-320 кг дан тўғри келади. Тошкентда эса бу кўрсаткич 240-260 кг ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда ушбу соҳадаги вазиятни кўриб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳудудларни санитария тозалаш ишлари

билан шаҳар ва вилоятлар коммунал-эксплуатация хизматлари шуғулланади. Аста секин хусусий корхоналар вужудга келмоқда. Санитария тозалаш ишлари билан 5000 дан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Чиқиндиларни утилизация қилишга катта эътибор берилаётганига қарамасдан АҚШ да 20 % чиқиндилар утилизация қилинади. Республикамизда эса бу кўрсаткич 1 % ҳам ташкил этмайди. Шу боис ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида 2002 йилда Ўзбекистонда “Чиқиндилар тўғрисида” қонунни қабул қилинганлиги муҳим аҳамият кашф этади. Аҳлатни тозалаш тарифлари аҳоли учун минтақавий молия органлари томонидан ўрнатилади ва ҳокимиятлар томонидан тасдиқланади. 2012 йилда Термиз шаҳрида жон бошига 700 сўмдан аҳлат чиқарганлик учун тўловлар амалга оширилган. Республикада фаолият юритаётган коммунал хизматлар орасида “Махсустрас” корхонасигина чиқиндини йиғиш ва турларга ажратиш билан шуғулланади. Чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш бўйича масалан “Ўзбекрезинотехника” корхонаси муайян маблағ сарфлаб резина чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиши мумкин ва бу нафақат иқтисодий балки экологик самара бериши шубҳасиздир.

Энг асосий муаммолардан бири ресурс тежамкорлиги оптимал миқёсини аниқлаш бўлиб, иқтисодиёт тармоқларида янги ресурс, энергия тежамкорлиги юқори бўлган технологиялардан фойдаланиш хисобланади.

Маълумотларга кўра 35 турдаги моддий ресурс турларини яратиш учун йиллик ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажми 2002 йилда 50 млн. тоннадан ортиб кетди. Буюм ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган муҳим чиқинди турларига ғўзапоя (0.7 млн т), пахта шелухаси (0.8 млн т), металлургия шлаклари (0.6 млн т), тоғ-кон саноати корхоналари чиқиндилари (24-25 млн т) жами 90 млн. тонна чиқиндилардан самарали фойдаланиш мумкин.

Саноат чиқиндиларидан турли хил қурилиш материаллари, цемент ўрнини босувчи қўшимчалар, иссиқликни ўтказмайдиган уйларни ўрашда ишлатиладиган девор панеллари каби махсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Мутахассислар томонидан қурилиш индустриясида ишлатиладиган цементсиз мустаҳкам керамзитобетон қоришмалар ишлаб чиқариш Жиззах вилоятида йўлга қўйилган. Бу каби иккиламчи хомашёнинг саноатда ишлатилиши Ўзбекистонда 2 % ташкил этади. Иккиламчи

ресурслардан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий йўналишлари истиқболи. Макулатура – иккиламчи хомашёни қайта ишлашнинг энг фойдалиларидан биридир. Макулатуранинг арзон маркалари шу турдаги картон ва техник қоғозлар ишлаб чиқариш учун ажойиб хомашё ҳисобланади. Макулатура истеъмолчилари рубероид ва юмшоқ ўраш материаллар ишлаб чиқарувчи заводлар ҳисобланса, юқори сифатли макулатура босма қоғоз ишлаб чиқариш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Ҳозир макулатура кам топширилсада, у маиший чиқиндиларнинг 40 % ташкил этади. Унга полиэтилен, пластмасса, шиша, латта, алюминий банкаларни қўшсак чиқиндиларнинг ярмини қайта ишлаш мумкин.

Шиша банкалар ликвид товар бўлиб, турли “ишбилармон тадбиркорлар” томонидан парклар ва вокзалларда йиғиштириб олинади. Қадоклаш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун иккиламчи хомашё харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Қадоклаш воситалари ишлаб чиқаришда иккиламчи хомашё ишлатилганда таннархга нисбатан ўртача 20 фоиз тежамкорликка эришилади. Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса иккиламчи хомашё ишлатилганда 50 % таннарх камайтишига эришилади.

Америка Қўшма штатларида иккиламчи хомашёдан 70-80 фоиз, Швеция ва Буюк Британияда 60-70 фоиз алюминий банкалар ишлаб чиқарилади. Ривожланган мамлакатларда жон бошига ишлаб чиқариладиган қадоклаш воситалари йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан Германияда 100 кг, Япония ва АҚШда 200 кгдан тўғри келади.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАБИАТГА ТАЪСИРИ (чиқиндили технология мисолида)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ер қаридан олинган тайёр маҳсулотнинг бир-бирлигига бир неча, баъзан 10 ва ундан кўп birlikда чиқиндилар вужудга келади. Таркиб топган чиқиндилар одатда иқтисодиётда нол баҳога эга. Чунки улардан хўжаликда фойдаланилмайди, боз устига чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослайди, яйловлар майдонини эгаллаб туради, инсон ҳаётини ҳафв остида қолдиради. Қанчалик кўп ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқилса, шунчалик чиқиндиларнинг умумий миқдори кўп бўлиши маълум. Лекин, давлатимиз ушбу чиқиндиларнинг атроф

муҳитни ифлослаши туфайли аҳоли саломатлиги ёмонлашувининг олдини олиш ва уларнинг соғлигини тиклаш мақсадида қайғуради ва бунинг учун маълум маблағ ажратади. Бу сарф-харажатлар ялпи миллий маҳсулот ҳисобидан амалга оширилади. Бирок, атроф-муҳит ифлосланишининг қиймати ҳисоб-китоб қилинмайди. Янги қурилиб ишга туширилган корхона унинг раҳбарига йилига маълум даромад келтиради, лекин корхона атроф-муҳитга турли чиқиндиларни чиқариб ҳаво, сув тупроқни булғайди, қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда яйловларга зиён етказди, аҳоли соғлиги ёмонлашади. Шунинг учун ҳам жойларда экологик вазият мураккаблашиб бормокда.

Маълум бўлдики, инсон фаолияти таъсирининг ўсиши табиат учун салбий ҳолатларнинг ортиши кузатилмокда ва охир оқибатда эса инсоннинг бундай фаолияти унинг ҳаётига хавф туғдираётгани ҳозирги пайтда бутун дунё экологларининг олдида турган муаммоси бўлиб қолмокда. Металлургия саноат тошқолининг асосий истеъмолчиси цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Тошқоллардан портлатиб цементни қуруқ усул билан олишда фойдаланилади. Бунда тошқоқ хом-ашё аралашмасининг компоненти сифатида ҳамда клинкерни тўйиш жараёнида гидравлик қўшимча сифатида ишлатилади.

Чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари, давлат кадастри. Ўзбекистонда ҳар йили 100 млн тоннадан ортиқ саноат чиқиндилари ҳосил бўлади, улардан 14 % токсик (заҳарли) тоифага мансуб ҳисобланади. Чиқиндиларнинг кўп қисми тоғ-кон қазиб олиш ва тоғ-кон қайта ишлаш саноат корхоналари жойлашган Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ҳосил бўлади, қаттиқ саноат чиқиндиларнинг жами 0,2 % гина иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилади, қолган қисми чиқинди тўпланадиган жойларга йиғилади. Республикада саноат чиқиндилари тўпланадиган чиқиндихоналар 10 минг гектарга яқин ерни банд қилган. Чиқинди ҳосил бўладиган корхоналари устидан давлат назоратини «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади, чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри-қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ўртача морфологик таркиби дунё мамлакатлари бўйича маиший чиқиндиларни утилизация қилиш таққосий (ёки нисбий) кўрсаткич, атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш

тўғрисида илмий-тадқиқот, технологик ишланмалар ва лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказати. Экологик индикаторлар базаси тупламида йиғилган маълумотларга кўра, республикада сўнгги йиллар мобайнида қаттиқ саноат чиқиндиларининг йиллик ҳажмининг камайиш тенденциялари кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, мутасадди вазирликлар ва муассасалар маълумотларига кўра, республикада 30 млн. м³ маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Мазкур чиқиндилар таркибига уй хўжалиги, муассасалар (тиббиёт, таълим, савдо, офис), бозор, кўча тозалашлардан йиғиладиган чиқиндилар ва ярми шаҳар ҳамда қишлоқ чиқиндихоналарида тўпланадиган тоифали (класс) саноат чиқиндилари киради (республикада рўйхатдан ўтган чиқиндихоналарнинг умумий сони 175 та). Бунда маиший чиқиндиларнинг ҳар миллион тоннасидан 360 минг тонна озиқ-овқат чиқиндилари, 160 минг тонна қоғоз ва картон, 55 минг тоннагача текстил, 45 минг тоннагача пластмасса ва бошқа кўплаб қайта ишлашга керак бўладиган фойдали компонентлар йиғилади. Маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши кўп йиллик динамикасида Дунё мамлакатлари бўйича маиший чиқиндиларни утилизация қилиш 2007 йилда қаттиқ саноат чиқиндилари ҳажмларининг тадбирларнинг самараси сезилмаяпти. Ушбу муаммони ҳал қилиш, денгиз қуришини тўхтатиш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини тиклаш шу куннинг энг долзарб масалалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича тақсимланиши. Қаттиқ саноат чиқиндилари ҳосил бўлиш ҳажмларининг динамикаси чиқиндиларидан фарқли равишда салбий тенденциялар йўқ. Уларнинг миқдори йиллик 3437-5190 минг тонна диапазонда ўзгаради. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг кўп қисми Фарғона, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ҳосил бўлади. 2007 йилга келиб асосий сақлаш жойларида 2 млрд тоннага яқин саноат ва маиший чиқиндилар тўпланган. Чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсир даражаси кўпгина ҳудудларда етарли баҳоланмаган.

Ҳавонинг юқори температураси органик моддаларнинг тез парчаланишига, микрофлораларнинг ҳамда патоген микроорганизмларнинг тез ривожланишига олиб келади. Буларнинг барчаси КМЧнинг сақлаш муддатини қисқартиришни талаб этади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни чиқариш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш ҳудудларда ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Баъзи бир вилоят ва туман марказларида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг рухсат этилмаган ерларга жойлаштириш ҳолатлари учрамоқда.

Сўнгги вақтларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш соҳаси бўйича хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Хусусан, 2007 йилда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги «Авесто Шамс» ва «Ўтқир» МЧЖлари мос равишда 700 тонна ва 300 тонна, Қибрай туманидаги «Турсунмурод-ота» МЧЖ 205 тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни ҳамда Бухоро шаҳридаги «МДАН» МЧЖ 41 тонна полиетилен плёнкаларни қайта ишлади. Чиқиндиларни йўқ қилиш шаҳар аҳолисининг сони КМЧларни йиғиш, йўқ қилиш ишларининг ҳажмини аниқлашда, шунингдек, уларни зарарсизлантиришнинг оптимал вариантларини танлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, асосан қишлоқ аҳолисининг ҳисобига шаҳар аҳолисининг сони ўсиши агломерация марказларида ҳаддан ташқари аҳоли зичлашувига олиб келмоқда. Шунинг учун КМЧларни йиғиш ва ташиш, шунингдек, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш, чиқинди юклаш марказларида кўп юк кўтариш қувватига эга транспорт воситаларидан фойдаланиш орқали йирик шаҳарларда тизим ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қаттиқ маиший чиқиндилар мураккаб кўп компонентли таркибга эга. Қаттиқ маиший ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни зарарсизлантиришнинг ҳудудларда асосий тарқалган усулларида бири-бу чиқиндихоналарда тупроқга кўмишдир. Республикада фаолият кўрсатаётган 175 та КМЧ чиқиндихоналари 2 минг гектарга яқин ерни эгаллаб, уларнинг 90 % дан ошиғи қониқарсиз ҳолатда. Улар муҳандислик чоралари талабларисиз ташкил этилган. Уларнинг атроф-муҳитга таъсирини назорат қилиб бориш керакли даражада олиб борилмайди. Шу билан бир қаторда, чиқиндиларнинг кўпайиб бориши маҳсус машиналарнинг техник базаси томонидан ишларни тўлиқ бажара олмаслигига олиб келиб, бу ўз навбатида чиқиндиларнинг тўпланиб қолишига ва тўлиқ олиб чиқиб кетилишига тўғридан-тўғри таъсир этмоқда. Экологик нуқтаи-назардан КМЧнинг чиқиндихоналарда тўпланиб қолиши, чангларнинг ҳосил бўлишига ва ёқимсиз ҳидларнинг тарқалишига олиб келади.

Қора ва рангли металлургия саноатининг юқорида кўриб чиқилган чиқиндиларини қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида ишлатиш орқали атроф-муҳитнинг экологик муаммоларини ҳал этишга, ҳосил бўлган чиқиндилар миқдорини камайтиришга эришиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ўзбекистонда суғориш учун яроқли бўлган ерлар 7 млн дан 10 млн гектаргачани ташкил этади. Суғориладиган ерлар мамалкат ҳудудининг 10 % ни (4.2 млн га) ташкил этиб, қишлоқ хўжалигининг 95 % маҳсулотини беради. Ваҳоланки, мамалакатимиз ҳудудидаги экин экиладиган майдонларни 11,4 млн. га гача етказиш имконияти бўлсада афсуски, сув ва сув ресурсларининг етмаслиги бу борадаги ишларнинг самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Мамлакат ер ресурслари чўл, адирлар ва тоғолди зоналарида жойлашган. Қишлоқ-хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 3,3 млн. га ларида зақашларга зарурати бўлсада, шундан 85 фоизи амалда мавжуд. Жумладан Амударё ҳавзаси бўйича 77%, Сирдарёда 84 % таъминланган. Суғоришга сув ресурсларининг 90 % сарфланади. Унинг 80-83 % вегетация даврига тўғри келади.

Антропоген таъсир ва экологик номутаносиб эксплуатация чўллашув жараёнларини кучайтирмоқда. Орол дэнгизи қуриши натижасида дэнгиз тубидаги 33.4 минг км² майдон чўлга айланди. Яйловлар самарадорлиги пасайиб, деграация умумий майдонинг 40.7 фоизини ташкил этмоқда. 80-йилларгача қўлланилган пестицидларнинг салбий таъсири жуда секин пасаймоқда. Республикада илгари мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги аэродромлари 461 та бўлиб, уларнинг 385 таси тадқиқ қилинган ва ифлосланиш даражаси ўрганилган. Тупроқ таркибида хлорли органик пестицидлар меъёрдан 100 баробар кўп бўлган майдонлар вилоятлар бўйича қуйидагича: Хоразмда 11 та, Самарқандда 9 та, Сирдарёда 9 та, Сурхондарёда 27 та, Бухоро вилоятида 10 тани ташкил этади.

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ, ЧЎЛЛАНИШНИНГ ЭКОИҚТИСОДИЁГА ТАЪСИРИ.

Тупроқ тугайдиган ва тикланадиган ресурслар қаторига кириб, узоқ тарихга эга бўлган мурракаб ва мустақил табиий борлиқдир. Тупроқ ернинг устки ўсимликларнинг илдиз системаси жойлашган ғоваклик ва ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган (донадор) мустақил жисмдир. Тирик организмлар, метоболизм маҳсулотлари ва шу маҳсулотларининг атмосфера ҳавоси, сув ва бошқа табиий омиллар таъсирида ҳосил бўлган маҳсулотдир. Тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг ўзаро таъсири натижасида ривожланиш ҳақидаги талимотни В. В. Докучаев яратди.

Тупроқ она-табиат томонидан инсониятга берилган энг олий неъматлардан бири ҳисобланади, чунки тупроқ орқали инсоният бугунги кунда яшаши учун барча эҳтиёжларини таъминлаб келмоқда. Лекин минг афсуслар бўлсинки саноат ва техниканинг ривожланиши инсониятнинг табиатга тазйиқининг кучайиши натижасида бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларимиз кун сайин эмас, сония сайин камайиб зарарланиб бормоқда, бундай ноҳуш ҳодисаларни олдини олиш албатта инсоннинг қўлидадир. Бугунга келиб тупроқларимиз турли даражада шўрланишларга, чўланиш ва турли инсон фаолиятлари оқибатида ботқоқликлар вужудга келиши натижасида ифлосланиб бормоқда.

Тупроқнинг қор ва ёмғир сувлари ёки шамол таъсирида устки унумдор қаватининг емирилишига **эрозия** дейилади. Эрозия лотинча “eroderre”- сўзидан олинган бўлиб "емирилиш" деган маънони англатади. Шамол эрозияси дефляция юнонча "дефло" пуфлайман деган маънони англатади. Тупроқ юза қатламининг шамоллар таъсирида емирилишга шамол эрозияси дейилади. Ушбу ҳолат тупроқнинг юза қисми яшил майсалар билан копланмаган ёки сийрак бўлган чўл ва ўткир қияликларда, яйловлардан ноўрин фойдаланганда ўз таъсирини кучлироқ намоён этади. Тупроқ устки қатламидаги энгил заррачаларни, қумларни чанг тўзон таъсирида кўчириб, кўпгина суғориладиган ерларга, аҳоли турар жойларига, эрта баҳор янги униб чиқган ёш ниҳолларга жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Шамол эрозияси туфайли тупроқнинг устки майда заррачалари билан озиқа моддалари ҳам йўқолиб, тупроқ унумдорлигининг кескин пасайишига, ушбу жойлардан олинадиган

ҳосилнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шамол эрозиясининг кучи, аксарият ҳолларда, жойнинг рельефига боғлиқ бўлиб, қуруқ иқлимли, қияликларда, яшил майса бўлмаган жойларда, заррачалар ҳажми 1 мм дан кичик бўлган тупроқларда шамол эрозиясининг таъсири кучайиб ёш ниҳоллар илдизининг очилиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Шамол эрозияси ўз хусусиятига кўра, кўпроқ текислик ҳудудларига хос офат бўлиб, жумладан, Ўзбекистон тупроқларида ҳам бу каби емирилишга кўпроқ дучор бўлади. Бунга сабаб қилиб қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

« Тупроқ механик таркибининг енгиллиги, иқлимнинг қурғоқчилиги;

«Тупроқ таркибида озиқа моддаларининг камлиги, чиқинди (гумс) билан етарлича таъминланмаганлиги;

« Ўрмонларнинг режасиз ўзбошимчалик билан кесилиши;

« Ерларнинг ёппасига шудгорлаб юборилиши;

« Яйловларда режасиз ҳар-хил йуллар ўтказилиши, ўткир туёқли чорва молларни кўплаб боқилиши;

« ва ҳакозолар

Шамол эрозиясининг олдини олиш чора тадбирлари:

1. Уй-жой ва аҳоли гавжум яшайдиган ҳудудларда шамол йулини тўсиш учун яшил қалқонлар-ихотазорлар барпо этиш;
2. Тупроқ устки қатлами емирилишининг олдини олиш мақсадида алмашлаб экиш тадбирларига каттий амал қилиш;
3. Қумли тупроқли ҳудудларда саксовуллар экиш, катта автомобил йўллари атрофида чий қамишлар ўтказиш;
4. Қум ва чанглар юзасига елимлар ҳосил қилиб шамолга бардош бериши учун экологик тоза неррозин полимерлардан К-3, К-4, К-5, К-6 каби латекс воситалардан фойдаланиб юпқа қум усти қатламлари ҳосил қилиш ва ҳакозолар мақсадга мувофиқдир.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланишининг юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг табиатга муносабати туфайли чўлга айланиш жараёни шиддат билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда. Табиий жараёнларнинг ўзгариши ва инсон фаолиятининг таъсири натижасида ернинг биоэкологик маҳсулдорлигининг бузилиши натижасида тупроқларда чўлланиш

вужудга келади. Бу ҳолат табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат шамол эрозиясига тез учраши оқибатида туз ва чанг-тўзонларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига сабаб бўлади. Тупроқ қатламида яшил ўсимликларнинг ўта камлиги туфайли, тупроқ чиринди (гумс) ва бошқа озика моддалар билан етарлича таъминланмаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқочилик учун самарасиз ерлар ҳисобланади.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАР УЧУН ҲАЁТ МАНБАИДИР.

Ҳаво битмас-туганмас, лекин унинг таркиби ўзгариши мумкин. Ҳаво таркибида карбонат ангидрид, радиоактив моддалар, турли газларнинг механик аралашмалари, кул, чанг ва бошқа моддалар мавжуд. Бундай ифлосликларни саноат корхоналари ва хусусан , транспорт воситалари чиқаради. Бу эса инсон соғлигига катта салбий таъсир кўрсатади.

Монтескье Шарл Луи (1748й) “Қонунлар руҳи тўғрисида”ги асарида табиатда ва ҳаётда иқлимнинг барча кучларидан устун эканлиги шиорини олға суриб, ер шари юзасидаги географик қобик-биосферадаги ҳаёт, шу жумладан инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам иқлимга боғлиқ ҳолда ўзининг яшаш ареалига эгадир деган эди.

Демак, иқлим сайёрамизда содир бўладиган барча жараёнларга ўз таъсирини кўрсатиб, цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшиш билан бир вақтда фан-техникани илдам ривожланиши саноатнинг чиқитсиз технологияга етарлича ўтмаганлиги қайсидир маънода табиатга ўз салбий таъсирини ҳам ўтказмасдан қолмаяпти. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб табиий шароит кескин ўзгара бошлади. 1968-1973 йилларда африкадаги даҳшатли қирғоқликлар, Ҳиндистондаги сув тошқинлари, америка, Япониядаги (1990-2000й) тарнадолар, Антрактида абадий музликларнинг илдам эриб кетаётганлиги, Европа қитъасида узоқ вақтдан буён кузатилмаган қахратон қишларнинг бод-бод такрорланиши жиддий ҳавотирларга сабаб бўлмоқда.

Умумбашарий иқлим ўзгаришининг кучайиб бориши оқибатида дон, полиз экинлари етарлича ҳосил бермаяпти, боғлар қуриб бормоқда, оқибатда мамлакатлар иқтисодиёти инқирозга учраб аҳолини яшаш шароитига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Бутун жаҳон метеорологик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, биргина 2016 йилда иқлим ўзгариши келтирган зарар 490 млрд АҚШ долларига тенг бўлган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра 1990-2018 йиллар давомида сайёрамизда 7 мингдан ортиқ табиий офатлар содир бўлиб бир триллион АҚШ долларидан ортиқ зарарлар келтирган. Табиий, техноген офатлардан келган зарарлар кўлами йилига ўртача 6 % ортиб, 1985-2017 йиллар мобайнида дунё бўйича 6 млн. Инсонлар ўлим топган, 3 млрд. Одамлар турли даражада жабрланган.

“Об-ҳаво ва иқлим нима?” деган саволга аниқлик киритайлик. Об-ҳаво маълум ҳудуддаги 10-12 км баландликдаги атмосферанинг бир кунлик физик ҳолатини ифодалайди. Об-ҳаво қатор метеорологик элементларни ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, ҳаво босими, шамол тезлиги ва йўналиши, булутлар ва атмосфера ёғинлари тури ва жадаллиги, нурли энергия ва иссиқлик оқимларини ўз ичига олади.

Иқлим эса маълум бир ҳудуддаги об-ҳавонинг кўп йиллик режими билан ифодаланиб, жойнинг географик кенлиги, ер усти тузилиши (орографик, рельеф) денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, океанга нисбатан узоқ ёки яқинлиги ва бошқа қатор омиллар билан аниқланади.

Бизга маълумки, ер юзасида атмосфера ёки ҳаво қоплами чўзилган, ундан биз нафас оламиз ва усиз ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Ҳақиқатдан инсон овқатсиз 20 кунгача, сувсиз 5-6 сутка яшаши мумкин, лекин ҳавосиз 4-5 минутгача базўр чидайди. Ҳар бир киши суткада 1 кг озиқ-овқат, 3 литр сув ва 12 кг ҳаво истеъмол қилади.

Ер атмосфераси деганда, ҳаёт учун зарур бўлган кислородга бой ҳаво қобиғи тушунилади. Бошқа сайёраларда ҳам атмосфера бор, лекин улар ўз таркиби бўйича Ер атмосферасидан фарқ қилади. Ер атмосфераси йигирмага яқин турдаги газлар аралашмасидан таркиб топган. Уларнинг асосий қисми азот ва кислороддан ҳамда сув буғи, озон ва муаллақ ҳолатда турувчи чанг ва бошқа аэрозоллардан иборат.

Умумбашарий иқлим нималигини чуқурак англаш учун дастлаб атмосфера ҳақида тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Атмосфера-инсон ҳаёти учун зарур бўлга табиий муҳит-географик

қобиқ-биосферанинг муҳим таркибий қисмидир. Атмосфера географик биосферанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ҳозирги ҳолатига катта аҳамият касб этади.. инсон унинг бутун эволюциявий ривожланиши даврида Ер атмосферасининг табиий таркибига мослашган бўлиб, худди ана шу табиий таркиб инсон организми учун энг оптимал ҳисобланади. Ернинг ҳаво қобиғи турли газларнинг механик аралашмасидан иборат бўлиб, унинг таркибида 78,0 % азот, 20,95 % кислород, 0,93 % аргон ва 0,03 миқдорда карбонат ангидрид бор. Атмосфера таркибида сув буғлари, ҳар хил чанг аралашмалари ҳам бор. Атмосферанинг асосий таркибий қисмлари-азот ва кислород ўртасидаги нисбат доимийдир. Атмосферадаги карбонат ангидрид, озон, сув буғларининг миқдори эса вақт ва фазода ўзгариб туради.

Атмосферанинг таркибий қисмларини ташкил этувчи бу газларнинг ҳар бири географик биосфера ҳаётида муайян вазифани бажаради. Масалан, кислород ер юзида энг кўп тарқалган элементлардан бири ҳисобланиб унинг асосий қисми яшил ўсимликларнинг фотосинтези жараёнида сув ва карбонат ангидриднинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади ҳамда кўпдан-кўп оксидланиш реакцияларида организмларнинг нафас олиши, чириши, ёниши ва ҳоказоларда иштирок этади. Унинг атмосферада мавжудлиги ҳаёт омили-нафас олишнинг зарурий шартидир. Кислород айна вақтда барча хил ҳайвон ва ўсимликларнинг таркибий қисми бўлиб, у организмларни ҳосил қилувчи оксил, ёғ ва углеводлар таркибига киради. Маълумки, организмлар ҳаёт кечириш учун зарур бўлган энергияни асоан оксидланиш ҳисобига олади. Одам танасининг 65 фоизи кислороддан ташкил топган. Атмосферада жами $1,5 \times 10^{15}$ тонна кислород бор. Унинг асосий қисми тирик моддалар орқали ўтиб айланма ҳаракатда бўлади. Инсон ва ҳайвонлар ҳаводан кислород олиб, карбонат ангидрид газини чиқаради, яшил ўсимликлар эса аксинча, карбонат ангидридни парчалаб, сарфланган кислород ўрнини тўлдиради.

Карбонат ангидрид газининг миқдори ўзгарувчан. У атмосферага, асоан, тошкўмир, нефт маҳсулотлари, газ ва бошқа хил ёқилғиларнинг ёнишидан, вулқон отилишидан, органик моддаларнинг парчаланишидан ўтади. Карбонат ангидрид Ер юзида нотекис тарқалган: унинг миқдори океанлар устида, қутбий

ўлкаларда ва аҳоли сийрак жойларда шаҳарлар, саноат районлари ва вулқон таъсиридаги вилоятлардагига нисбатан камроқ бўлади.

Атмосфера ҳавосининг асосий таркибий қисмларидан бири азотдир. У атмосферага микроорганизмларнинг фаолияти натижасида, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонларнинг чиришидан ажралиб чиқади. Азот органик бирикмалар таркибида кенг тарқалган. Бундай азот, асосан, бактерияларнинг эркин азотни тўплаши натижасида ҳосил бўлади. Азотнинг бирикмалардан ажралиб чиқиши ҳам, асосан бактериялар иштирокида рўй беради. Атмосфера азот, кислород билан бирга оксидланиш суратини бинобарин, биологик жараёнларни тартибга солиб туради.

Атмосферанинг ер юзасидан 70 км баландликкача бўлган қисмида озон-уч атомли кислород кенг тарқалган. У кислород молекуласининг ультрабинафша нурлари таъсирида атомларга парчаланиб, сўнгра бу атомларнинг молекулалар билан қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Бу газ 22-25 км баландликда энг кўп тарқалган бўлиб, ўзига хос қатлам – “Озон экрани”ни ҳосил қилади. “Озон экрани” инсон ва ер юзасидаги барча организмлар-ҳайвону ўсимликларга нисбатан муайян ҳаётий қалқон ролини ўйнайди. Яъни у қуёшдан келаётган кўплаб зарарли ультрабинафша нурларни тутиб қолиб, ер юзасига ўтказмайди.

Сув буғлари атмосфера пастки қисимнинг доимий таркибий қисмидир. Ҳаводаги сув буғларининг миқдори кутб районларида 0,2 фоиздан экваториал минтақада 4 фоизгачани ташкил этади.

Сув буғлари карбонат ангидрид каби ер юзасининг иссиқлик балансида фаол иштирок этади. Улар карбонат ангидридга нисбатан кучли “иситувчи” ҳисобланади. Чунки сув буғлари қуёш нурини ер юзасига ўтказиб, ер юзасидан қайтадиган иссиқликнинг 60 фоизини тутиб қолади.

Атмосфера ҳавоси ҳаёт учун ниҳоятда муҳим аҳамиятлидир. Атмосфера борлиги Ерда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан биридир. У қуёшдан келадиган энергияни ўзгартиради, ёруғликни тарқатади, товушлар вужудга келадиган асосий муҳит сифатида хизмат қилади, ҳавосиз ерда овоз бўлмайди, сукунат ҳукм суради. Атмосфера ер пўстига кимёвий таъсир кўрсатади, ер юзасини совуб кетишидан сақлайди (атмосфера бўлмаганида, ер юзаси кундузи 100^0 гача исиб, кечаси 100^0 гача совуб кетарди, яъни ҳароратнинг суткалик тебраниши 200^0 га етар эди), иссиқлик ва намликни тартибга солиб туради, уларнинг

худудий тарқалишини белгилайди. Атмосфера биосферанинг барча компонентларидан фар қилиб, унда пайдо бўлган тўлқинлар жараёнини катта масолага элтиш қобилятига эга. Шу сабабдан атмосфера жараёнлари инсонни ўраб турган атроф-муҳитга маҳаллий таъсирини табиий шароитининг глобал ўзгаришга айлантирадиган асосий механизмдир. Атмосферада намни бир жойдан иккинчи жойга кўчиради, булут ва ёмғирлар пайдо қилади, иссиқ ва совуқ ҳаво массалари аламашинади, ҳар бир жойнинг ўзига хос об-ҳавоси ва иқлими таркиб топади. Атмосфера ердаги организмлар ривожланиши ва мавжудлигининг муҳим шартидир. У ер шарининг бошқа қобиклари литосфера, биосфера ва гидросфера билан мунтазам ўзаро алоқада бўлиб туради.

Ердаги ҳаётнинг энергетик асоси бўлган қуёш нурлари ер юзига атмосфера орқали ўтиб келади ва организмларни ультрабинафша нурларнинг ҳалокатли таъсиридан сақлайди, метеоритларга қарши қалқон бўлиб хизмат қилади. Атмосфера бўлмаган жойда сув ҳам бўлмайди, ҳавосиз денгиз, ер ости сувлари, қўл ва дарёлар, музликлар ҳам бўлиши мумкин эмас, ҳаёт ҳам сўнади. Сайёрамизда атмосфера бўлмаганида, унинг қиёфаси ҳаётсиз, бўм-бўш ой қиёфасига кўп жихатдан ўхшаш бўлар эди. Атмосфера нафас олиш, кислород ва фотосинтез учун зарур бўлган карбонат ангидрид манбаидир.

Атмосфера ҳавоси бевосита инсон учун нафас олиш ва ёқилғиларни ёқиш ҳамда кимёвий хомашёлар манбаи, хилма-хил корхоналарнинг чангсимон ва газсимон чиқиндилари ташланадиган муҳит ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ҳаво массалари энергияси ўрганилиб, ундан амалий мақсадалрда фойдаланиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай ажойиб хусусиятларга эга бўлган атмосферанинг сифат ва таркиби тобора ўзгариб бораётганлиги жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда ва уни муҳофаза қилиш, аввало, софлиги ҳамда нормал миқдорий таркибини сақлаб қолиш давримизнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида нефт, газ, тошқўмир ва бошқаларни ниҳоятда кўп ёқиши натижасида атмосферадаги CO_2 гази ва чанг миқдори жадал ортиб бораёпти. Ҳисобларга кўра, кейинги ярим асрда турли ёқилғилардан фойдаланиш натижасида Ер атмосферасига ажралиб чиққан CO_2 миқдори 30 фоизга ортган.

Атмосфера билан дунё океани ўртасида CO_2 гази фаол алмашилиб туради. CO_2 океан сувида яхши эрийди, иссиқ сувда эса аксинча, ажралиб чиқади. Шунинг учун ҳам юқори географик кенгликлардаги океан сувлар гўё қудратли насос сифатида CO_2 ни ўзига синдириб олади, тропик кенгликларда илиқ сувлар эса уни яна ҳавога ажратади. Маълумотларга кўра, йилига океан сувларидан ажралиб чиқадиган CO_2 миқдори сувда эрийдиган CO_2 га нисбатан 5 млрд. Тонна кўпдир. Дарвоқе, атмосферада CO_2 концентрациясининг ортиб бориши, океанларнинг нефт маҳсулотлари билан тобора кўп ифлосланаётганлиги ҳам боғлиқ. Нефт маҳсулотлари сувда юпқа парда ҳосил қилиб, фотосинтез жараёнини сусайтиради ва океан сувларининг CO_2 сингдиришини камайтиради. Шундай қилиб индустрилаш даври (1800 й.) дан ҳозирга қадар атмосферадаги CO_2 миқдори 30 фоизга ортган. Бу атмосфера ҳавосининг ҳавфли ифлосланиши деган гап. Чунки юқорида айтганимиздек, CO_2 қуёшнинг ҳаёт учун зарарли қисқа тўлқинли нурларини қайтариб, айнаи вақтда Ердан қайтган узун тўлқинли иссиқлик миқдорини тутиб қолиш хусусиятига эга.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХБОРОТ-ТАЪЛИМ ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ.

Экологик инқирозларни олдини олишда ва табиий мусавфоликни асрашда, ўсиб келаётган авлоднинг онги, маданияти, таълим-тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадбирларни режали ташкил этишда БМТ нинг Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан “Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича стратегия” си асосий роль ўйнайди. Шу асосида Ўзбекистон Республикасида ушбу стратегия ва барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ Декадасининг амалга оширилиши юзасидан аниқ ишлаб чиқилган чора-тадбирлар навбатма-навбат амалга оширилмоқда. Жумладан Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланган “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва экологик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари” дастури ҳамда комиссияси ишлаб чиқилган. Ушбу ҳамкорликда қабул қилинган ҳужжатлар асосида Олий таълимда эколог мутахассислар тайёрланмоқда, чет

элларга тажриба алмашинишга юборилмоқда ва албатта экологик таълим-тарбияга бағишланган тадбирлар учун моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Ушбу моддий ёрдамлар эвазига семинарлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Қўлланма ва дарсликлар ёзилмоқда, кўргазмали куруллар тайёрланмоқда.

Халқ орасида экологик саводхонликни тарғибот-ташвиқот қилишда, аҳолининг экологик ахборотга эга бўлишини таъминлаш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланаётган 5-6 синфлар учун ўқув қўлланма ўзбекча-русча, ингилизча луғат, “Қизил китоб (I, II), Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002-2004, 2006, 2008), ифлослантрувчи манбалар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди атроф-муҳитига таъсири ҳолати тўғрисидаги ахборот бюллетени, Сармишсой, Ҳисор қўриқхонаси буклетлари, қўриқхоналар ва миллий боғлар китоби, Оммабоп Экологик Энциклопедия, Оламни тозалайлик китоби, Атроф-муҳит ва биз, Аҳоли кун, Драҳтларни асрайлик каби ўнлаб, юзлаб кинофильмлар, китоблар нашр қилинган ва қилинмоқда.

Шунингдек сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда давлат минтақа ва сайёрамиз экологик муаммоларига бағишланган теле ва радио репортажлар тайёрланмоқда.

Хусусан, аҳолини атроф-муҳитга зид ҳатти-ҳаракатларини “Ахборот”, “Давр”, ва бошқа кўрсатувлари орқали халқ оммасига етказишда қайсида маънода ижобий натижаларга эришмоқда.

Машғал, Дўстлик, Ёшлар, Маҳалла, Ўзбекистон ва яна кўплаб радиоканаллар орқали Аслидай асранг, Экология янгиликлари, Сув зар-сувчи заргар, Сув борки олам мунаввар, Ов қилиш қонунга ҳилоф дараҳт кесиш, дараҳт барглари ёқиш, балиқ урчиш даврида балиқ овлаш каби ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни очишга доир рейдлар ўз аксини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат ва хўжалик органларининг жамоатчилиги билан алоқаси тўғрисидаги 203-сонли (2006 йил 22-сентябрь) қарори билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ахборот хизмати ташкил этилган (қўмитанинг 16.10.2006 йил 96-сонли буйруғи). Ушбу

буйрукда куйидаги ахборот хизмати фаолиятлари режалаштирилган:

- Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ахборот сиёсатини шакллашириш ва амалга оширишда иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг муҳим томонларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритиш;
- Жамоатчиликнинг кенг қатламларини, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш соҳасида қабул қилинаётган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш мунозара жараёнларига жалб этиш;
- Экотизим компонентлари ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати бўйича ахборот ва маълумотларни йиғиш ва таҳлилий қайта ишлаш;
- Географик ахборот хизмати (ГАХ) технологиялари базасида атроф-муҳит ҳолати бўйича ягона мониторинг тизимини ташкил этиш;
- Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш соҳасини тизимлаштириш ва давлат кадастрини юритиш;
- Экологик индикаторлар тизимини ривожлантириш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг интернет веб-ресурслари тармоғини шакллантириш ҳамда сифатли фаолият юритишини таъминлаш.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 29 августдаги 305-сонли «Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқариш схемаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 1989 йил 4 апрелдаги 16-сонли қарори билан қўмита қошида ахборот-ҳисобот марказини ташкил қилиш тўғрисида буйруғи қабул қилинган.

Ушбу буйруққа асосан ахборот-ҳисобот маркази зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- замонавий ҳисоб ва терминал техникаларни эксплуатация қилиш асосида атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлайдиган Республика автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш ва фойдаланиш;

- тегишли вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларни табиатни муҳофаза қилиш борасидаги маълумотларни қайта ишлашлари, тадбирларни амалга оширишлари учун ахборотлар билан таъминлаш;

- ЭХМда Республикада ифлослантирувчи манбалар ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш тўғрисидаги ҳудудий, минтақавий ва глобал база маълумотларини қайта ишлаш ва ташкил этиш;

- ЭХМ маълумотлар базасида атроф-муҳитнинг ҳолати ва доимий ўзгаришини, кейинги тадбирларни режалаштириш учун тематик хариталарни яратиш;

- экологик ҳолатга таъсир этувчи янги корхоналар ва ташкилотларнинг қурилиш лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиб, натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича ҳисоботларни юритишни таъминлаш;

- Республика табиий ресурслари муҳофазаси ва оқилona фойдаланиш самарадорлигини ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича ҳисобларни юритишни таъминлаш

- табиий ресурслар, атроф-муҳит ва Республика табиий ресурслари муҳофазаси ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш муаммоларини ҳал қилиш учун татқиқотларни ўтказишда биргаликда ҳаракат қилиш;

- экологик экспертиза ва халқ хўжалиги қарорлари билан асосланган техник-иқтисодий, илмий-услубий асосини ташкил этишда биргаликда ҳаракат қилиш;

- экологик меъёрлар, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий усуллари қайта ишлаш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш;

- Республикада атроф-муҳит ҳолатининг истиқболларини узоқ муддатга моделлаштириш ва башорат қилиш бўйича ишларни юритишда биргаликда ҳаракат қилиш;

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида автоматлашган ахборот тизимини ташкил этиш ва эксплуатация қилиш масалалари бўйича Республикалараро алоқаларни ўрнатиш.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш манбалари, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлиги ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва экологик ахборот тизимини замонавий ҳисоб-техника воситалари асосида ташкил этилиши зарурлиги муносабати билан, мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги экологик ахборотлар ва башоратлар бошқармаси (кейинчалик «Экоахборотистикбол») этиб қайта ташкил этилди (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 1993 йил 30 март 21-сонли буйруғи).

«Экоахборотистикбол» бошқармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжатлар обороти тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 май ПФ-3080-сонли «Келгусида компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникатив технологияларни жорий этиш тўғрисида»ги фармони, 2005 йил 8 июлдаги ПК~117- сонли «Ахборот-коммуникатив технологияларни келгусида ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Келгусида компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникатив технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ва «Экоахборотистикбол» бошқармаси низоми асосида олиб боради.

«Экоахборотистикбол» бошқармаси ўз фаолияти давомида қуйидаги ишларни амалга оширди:

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг симсиз тармоқ технологиялари асосида юқори тезликдаги локаль компьютер тармоғини ташкил этди. Анъанавий симли тармоқларда (LAN) ахборотлар бир компьютердан иккинчисига кабель ёки сим орқали узатилади. Симсиз тармоқларда

(WLAN) эса радиотўлқинлар орқали узатилади. Маълумотлар радиотўлқинга модуляция жараёнлари ёрдамида узатилади. Сўнг мазкур тўлқин маълумотларни ташувчи сифатида симнинг эквиваленти бўлиб хизмат қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг электрон почта ва интернет тармоғини яратиш ва улар фаолиятини доимий назорат қилиш. Ҳозирги кунда давлат статистика ва идораларнинг ҳисоботларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кўриб чиқилмоқда;

2002 йил 22 майда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шахсий веб-сайти ташкил этилди (манзил: <http://goskompriroda.ccc.uz>). 2003 йилда мазкур веб-сайт БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида қайта янгиланди ва экологик порталга ўтказилди (манзил: <http://uznature.uz>). Ушбу порталга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тузилмаси ва фаолияти, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, «Қизил китоб» (1,2-томлари), «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза» нинг маълумотлар базаси, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Ўзбекистон атроф-муҳити ҳолати мониторинги бўйича экологик индикаторлар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар 3 тилда жойлаштирилди;

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, вилоятлар, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари билан электрон почта ва интернетда ишлашга ўргатувчи семинарлар ўтказилди.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ахборот инфратузилмасининг мавжудлиги, компьютерлаштириш, электрон коммуникация базалари ва маълумотлар тўпламининг ривожланиши, ахборот хизматларининг янги кўринишлари иш самарадорлигини, ишчанлик ва тезкорликни ҳамда ходимларнинг ишлаш шароитларини энгиллаштиргга хизмат қилади. Шу билан бирга, инфратузилмадаги ахборот коммуникатив технологияларнинг мавжудлиги иш фаолиятидаги қуйидаги йуналишларни амалга ошириш ишларини осонлаштирди:

- Ўзбекистон Республикаси фаолияти доирасида меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни электрон почта орқали тезкор тарқатиш;
- веб-порталга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг муҳим масалаларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш;
- веб-сайт орқали жамоатчиликнинг кенг қатламини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилган миллий ва ҳудудий дастурлар билан таништириш;
- экотизим компонентлари бўйича ахборот ва маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- географик ахборот хизмати (ГАХ) технологиялари базасида атроф-муҳит ҳолати бўйича ягона мониторинг тизимини ташкил этиш;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш соҳасини тизимлаштириш ва давлат кадастрини юритиш;
- экологик индикаторлар тизимини ривожлантириш ва амалга ошириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, ахборот ва коммуникация технологиялари тармоқлари биз яшаб турган сайёрани мутлақо ўзгартириб юборди. Масалан 50 миллионлик аудиторияни радио 38 йилда, телевидения 13 йилда ишғол қилган бўлса, интернет эса бор йўғи 4 йилда забт этти. “Бутун жаҳон ўргамчак тўри” 1993 йилда 50 бетдан иборат бўлган бўлса уларнинг сони бугунга келиб, 200 млн саҳифадан ошиб кетди. Интернет ва бошқа дастурий таълимот, телекоммуникация воситаларига уланиш сайёрамизнинг икки четида турган яқин инсонлар ёки ҳамкорлар бир-бирлари билан дақиқаларда алоқа ўрнатиш, кутубхоналарни ва бошқа кўплаб имкониятлардан баҳраманд бўлишлари мумкин. Ушбу соҳа илдам ривожланиши билан, иктисодиёт тараққиёти тезлашиб, таълим, соғлиқни сақлаш ва албатта атроф-муҳитни муҳофаза этишга янада кўпроқ имкониятлар очилиб, маълум маънода камбағалликни баратараф этишга яқинлаштирди.

Ушбу ўринда мамнуният билан айтиш лозимки, интернет тармоғининг имкониятлари кенгайиши билан турли соҳалар бўйича масофадан ўқитиш, янгиликлар олиш, биз яшаётган дунёни қандай асраш-авайлаш уни кўркамлаштириш ва ободонлаштириш, атроф-муҳит ҳақида қитъалараро маълумотлар олиш имконияти янада тезлашади.

Бугунги кунга келиб Ахборот технология, жумладан интернет хизматини ҳақиқатдан ҳам бебаҳо эканлигини тўлалича қабул қилиш лозим. БМТ раҳбарияти шахсан бош қотибининг ташаббуси билан қуйдаги асосий дастурлар қабул қилинди:

- Интернетдан ва ахборот ҳамда коммуникация технологияларидан ва уларнинг имкониятларидан фойдаланишга тараққий этаётган мамлакатларда аҳолини ўқитиш учун БМТ нинг ахборот-техник хизмати (ЮНАЙТС)деб аталувчи кўнгиллилар корпусини ташкил этиш.
- Табиат бўйича замонавий ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун тараққий этаётган мамлакатлар шифохонларида 10 минг он-лайн (2003 йил) майдонлари ташкил этишга йўналтирилган “Соғлиқни сақлаш интер тармоғи” ташкил этилиб, ушбу ҳаракатлар БМТ жамғармалари ва бошқа ҳомийлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Табиат офатларидан жабр кўрган минтақаларга ва фавқулотда вазиятда инсонпарварлик ёрдами хизмати ходимлари учун тезкор ва ер сунъий йўлдоши телефонлари, шунингдек микровалнали алоқа тақдим этилган “Зудлик билан етиб бориш” хизмати табиий офатларга тез жавоб бериш ташаббуси каби лойиҳаларни БМТ ва Халқаро қизил хоч ва Қизил яримой федерациялари билан ҳамкорликда “ЭРИКССОН” коммуникацияси бошқаради.

ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Халқимизнинг ўзига хос маданий ва асрий қадриятларидан бири ҳисобланадиган маҳалла қўллаб ижтимоий-иқтисодий, маиший ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси ва экология муаммоларини ҳал этишда катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ва салоҳияти кундан-кунга мустаҳкамланиб, ҳар томонлама ривожланиб бораётганлиги атроф-муҳит муҳофазаси, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш каби экологик муаммоларнинг чора-тадбирларини белгилаш ва ҳал этилишида ўз аксини топмоқда.

Айниқса, кейинги беш йил ичида маҳаллалар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария ва гигиена муаммолари, атроф-муҳит ва яшаш жойларининг озодалагини сақлаш, кўча ва дам олиш масканларини, зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларни обод қилиш каби жамоавий ҳаракатнинг асосий ташкилотчиси сифатида Ўзбекистан Экологик ҳаракати қўшилди.

Кўпчилик ижтимоий-иқтисодий ва айниқса экологик муаммолар маҳаллий даражадаги фаолият туфайли келиб чиқиши ва улар аниқ бир жой: вилоят, туман, шаҳар учун хос эканлиги яхши маълум. Умуммиллий манфаатлардан, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини теран ва ҳар томонлама англаб олишдан келиб чиқиб, фақат маҳаллий даражада жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, айрим ҳолларда дин вакиллари билан доимий маслаҳатлашувлар ўтказиб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар ва барқарор ривожланишга ўтиш зарурлиги буйича умумий келишувга ва улар қўллаб-қувватланишига эришиш мумкин. Бу ўз навбатида миллатни жипслаштиришда яхши шарт-шароитлар яратади ва жамият олдида турган мураккаб муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Бугунги кунда аҳолида, айниқса, ёшларда экологик онг, экологик билим ва маданиятни юксалтириш экологларнинг олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалда бажариш, яъни атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан (сув, газ ва б.) оқилона фойдаланиш, бир сўз билан айтганда мамлакатимизда барқарор ривожланишга эришиш учун, энг аввало, маҳаллий ҳокимиятлар олдида қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, вилоятда ўзини-ўзи бошқариш органлари ташаббуси билан атроф-муҳитнинг, атмосфера ҳавосининг, ичимлик суви ва оқар сув ҳавзаларининг, шунингдек тупроқнинг асосий ифлослантирувчиси ҳисобланган ишлаб чиқариш корхоналари ва фаолият турларини экологик назоратдан ўтказишни ташкил этиш

мақсадга мувофиқ. Шунингдек, экологик нуқтаи-назардан хавфли, аҳолининг яшаш шароитларига ва саломатлигига жиддий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариши ва фаолият турларини жойлашуви ва фаолиятини тартибга солувчи қарорлар қабул қилиши ва тегишли ташкилот ва органларга тақдим этиши;

Иккинчидан, шаҳарларда автотранспорт воситаларининг техник ҳолати талабларини ошириш, йирик тоннали ва транзит транспортнинг ҳаракат қилиши борасида таклиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтириш учун (шаҳар орқали транзитни таъқиқлаш, магистрал йуллар бўйини кўкаламзорлаштириш ва ҳоказолар) ташкилий-техник чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиши ва амалда бажарилишини таъминлаши;

Учинчидан, туманларда ердан оқилона ва режали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятларнинг махсус қарорларини қабул қилишни йўлга қўйиш;

Тўртинчидан, мамлакатимизда аҳолининг экологик онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида “Ободонлаштириш ойлиги”, “Тозалик ва озодалик куни”, “Энг намунали маҳалла”, “Энг сўлим маскан” каби тадбирлар ўтказиш, фаолият кўрсатаётган партиялар, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экоҳаракатнинг Аёллар қаноти, Экоҳаракатнинг Ёшлар қаноти, Хотин-кизлар қўмиталари, Санитария-эпидемиология станциялари каби ташкилотлар ҳомийлигида ва ҳамкорлигида оммавий ҳашарлар, акциялар ташкил этиш ва уларни ОАВ орқали тарғиб этиш;

Бешинчидан, маҳаллий телерадиокомпаниялар орқали тегишли ташкилотлар ва органлар билан ҳамкорликда атроф-муҳитни ифлослантирувчи, аҳоли саломатлигига жиддий хавф солувчи манбалар ва уларнинг оқибатларини акс эттирувчи экологик ғояларни тарғиб этувчи туркум эшиттиришлар ва кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни эфирга узатиб боришни назорат қилиш;

Олтинчидан, Термиз давлат университети жамоаси билан ҳамкорликда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида, кўча ва ҳиёбонларда, дам олиш масканларида махсус “Экологик ахборот” тахтача (доска) лари тайёрлаш, табиий газ, электр энергияси ва ичимлик сувини тежаш, тўловларини ўз вақтида тўлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш каби барча фуқаролар фойдаланишлари мумкин бўлган оммабоп плакатлар, буклетлар, эълонлар ва қўлланмалар тайёрлашни амалга ошириш;

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, аҳолининг экологик онги ва маданиятини юксалтиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва соғлом экологик муҳитни яратиш борасида жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бунёдкор ва яратувчанлик қояларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

ЭКОЛОГИК ТАФАККУР ТАНҚИСЛИГИ.

Инсон тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишида илм-фаннинг тутган ўрни бениҳоя катта. Тарихдан маълумки, илм-фан ва замонавий технологиялар инсоният учун янги-янги кашфиётлар берди, натижада жамиятнинг моддий ва маънавий дунёси бойиди, барча ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтди. Инсоният ХХІ асрга қадам қўйиши билан атроф-муҳит билан соғлом муносабатларнинг, хусусан, жамият билан табиат ўртасида миллион йиллар давомида шаклланган ва қарор топган мувозанатнинг бузилганлигини ва уни иложи борида барқарорлаштириш зарурати пайдо бўлганлигини тобора чуқурроқ англаб етмоқда.

Албатта, ҳозирда инсон тафаккурининг ҳосиласи бўлган фан-техника тараққиёти инсониятнинг деярли барча ҳаётий эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ва келажагини тўла хавфсизлигини таъминлай оладиган кучга айланиб бормоқда. Лекин айтиш жоизки, бугунги кунда аҳоли сонини кескин суръатларда ошиб бориши (кейинги 50 йилда ер юзи аҳолисининг сони 2 марта ортган) ва бу ҳолатда инсоннинг янги-янги илмий янгиликлар, кашфиётлар ва технологияларга қарамлигини ортиши билан шаклланиб улгурган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар жамият билан табиат ўртасидаги экологик мувозанат издан чиқишига ва турли ҳажмдаги экологик муаммоларни юзага чиқишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, фауна ва флоранинг тобора камайиб бориши, ер иқлими ўртача ҳароратининг кўтарилиши, чўлланиш жараёнининг кучайиши, атроф-муҳитни техноген ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиб бориши ва бошқа жараёнларнинг салбий оқибатлари кўзимизга яққол ташланиб турибди.

Илм-фан ютуқлари ва янги технологиялардан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш, иқтисодий самарали ёки бошқа хайрли мақсадларга йўналтиришда, айрим ҳолларда инсон ҳаётига тазйиқ

ўтказувчи ҳаётий шароитларига ва табиатга салбий таъсир кўрсатувчи воситага айланиб қолмоқда. Бу жараёни тўғри англашимиз ва унга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим бўлади. Бу ҳолатга тушиб қолишимизнинг бош сабаби равшан, яъни биз ўз манфаатларимизни табиат манфаатларидан устун даражада қўйиб, унинг бойликларидан очкўзлик билан фойдаланишимиз ва табиат қонунларини менсимаслигимиз оқибатларига дуч келмоқдамиз. Айтиш пайтда бошқа бундай салбий кўринишларнинг муҳим сабаби жамият аъзоларида экологик тафаккурни етишмаслиги, яъни «экологик тафаккур танқислиги»ни ҳам алоҳида таъкидлашни лозим деб ҳисоблаймиз.

Кўриниб турибдики, инсониятнинг келажаги унинг табиатга бўлган муносабатига боғлиқ. Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистан ХХІ-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997) асарида экологик таҳдидлар жамият тараққиётида нечоғли ёмон оқибатларга олиб келишини ҳисобга олиб, мамлакатимиз аҳолисини, қолаверса, бутун инсониятни экологик тафаккурини кўтаришга эътиборни қаратиб, бу хавфдан огоҳ бўлиш зарурлиги уқтириб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, ХХІ аср янги минг йиллик том маънода экология асри бўлишлиги муқаррар. Айтиш мумкинки, инсон тафаккурини олий даражадаги босқичи бу экологик тафаккурдир. Зеро, инсон ўзини англаши ва унинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ижобийлаштириши, яъни кундалик ҳаётимизда табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракати оқибатини аввалдан англаб етиши ва шунга яраша фаолият кўрсатиши, тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ҳар биримиз ўзимизни табиатнинг ажралмас бир бўлаги ва унинг ҳалоскори эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун таълим-тарбиянинг барча босқичларида тингловчи ва тарбияланувчиларни экологик тафаккурини ривожлантириб боришимиз ҳар биримизнинг табиат олдидаги муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши даркор.

ЭКОЛОГИК ЭТИКА ВА ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ.

Экологик этика, экологик маданият, илмий билимлар ва ижтимоий амалиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида, инсон фазилатларининг мезони ҳисоблана А. Швейцернинг, ҳозирги жамиятда экологик этиканинг мақоми ва эволюциясига муносабати ҳақидаги фикри катта қизиқиш ўйғотади. А. Швейцер «Инсон ҳар

қандай ҳаётга ёрдам бериши ва тирикликка озор беришдан сақланиши лозим... Тирикликка озор берадиган жойда, мен бу ишимнинг қанчалик зарур эканлигини очиқ-ойдин билишим керак...» деб таъкидлайди. А. Швейцерни экологик этика вариантларидан бирининг асосчиси деб ҳисоблайдилар. Унинг экологик этикаси «универсал» этика деб юритилади. Этика ва ахлоқ нуқтаи-назаридан «**авлодлар олдидаги бурч**» тушунчаси маълум аҳамият касб этади. Адабиётларда авлодлар олдидаги бурчимизга тегишли муаммолар ҳам таҳлил қилинган. Экологик этиканинг қоидалари ҳозирдаёқ қуйидаги **императивларни** таклиф қилиш имконини беради: келажак авлодлар мавжудлигига хавф соладиган ҳар қандай таъсирлардан воз кечиш; инсон саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолатига тегишли қарорларни қабул қилишда, авлодлар олдида жавобгарлик мезони устувор бўлиши лозим; ҳозирги инсонларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида, келгуси авлодларнинг манфаатларига зарар етказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Экологик маданият, биосферанинг ноосферага ўтишида шаклланибгина қолмасдан, у бундай ўтишнинг шарти ҳам ҳисобланади. Маданиятни экологиялаштириш инсониятнинг тақдирини белгилайди. Инсоният глобал муаммоларининг юзага келиши, жамият ҳаётини ташкил қилишда янги умумсайёравий тамойилларнинг кераклигидан далолат бермоқда. Ҳозирги вақтда, экологик инқироз исканжасидан чиқиш учун янгича тафаккур, янги сиёсат, янги маданият ва янги инсон зарур.

Экологик таълим-тарбиянинг илмий билимларини тарғиб қилиш ва оммавийлаштиришни ўз ичига олган, мақсадга йўналтирилган тизим экологик маданиятни шакллантиришнинг асосий ижтимоий механизми бўлиши лозим.

Экологик таълим - тарбия муаммоси ЮНЕСКО ва БМТ нинг атроф-муҳит бўйича Дастури томонидан, табиат ва инсон муносабатларини тартибга солишнинг асосий воситалари қаторига киритилган. 1972 йили атроф-муҳит бўйича Стокгольм конференцияси, атроф-муҳит соҳасидаги таълимнинг халқаро дастурни яратиш бўйича тавсия қабул қилди. Бундай дастур ЮНЕСКО ва ЮНЕП томонидан, 1975 йилнинг бошига келиб ишлаб чиқилди.

1977 йили Тибилисида ўтказилган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ҳукуматлараро конференция, экологик таълим-

тарбияни ташкил қилиш соҳасидаги муҳим воқеа бўлди. Рио-де-Жанейрода 1992 йили ўтказилган БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси, Тибилиси конференцияси қарорларини аниқлаштирди. Унда, аҳолининг саводхонлигини ошириш кадрлар тайёрлашга кўмаклашишга қарор қилинган.

Экологик таълим-тарбия асосидагина амалга оширилиши мумкин, аммо, экологик тарбия мазмунига кўра, мураккаб бўлиб, у кўпроқ шахснинг эмоционал-сезги дунёсига қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, таълим шахсни тарбиялаш учун зарур, лекин етарли бўлмаган восита ҳисобланади. Тарбия учун санъат, бадиий адабиёт ва публицистика алоҳида аҳамият касб этади. Буни ҳисобга олган ҳолда, экологик тарбияни, инсонда турли воситалар ёрдамида, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатни шакллантирадиган, мақсадга йуналтирилган жараён сифатида ажратиш мумкин.

«Экологик таълим» тушунчаси, «атроф-муҳит соҳасидаги таълим» тушунчасининг синоними ҳисобланади. Экологик таълим деганда, атроф-муҳит га масъулиятли муносабатда бўлишни таъминлайдиган ва умумий экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган, ўқитиш жараёни тушунилади. Лекин бунда таълим тизими илмий тадқиқотлардан кучли ортда қолиши керак эмас. Анъанавий биологик экология, инсон экологияси, ижтимоий экология ва глобал экология кабилар экологик таълимнинг назарий асоси ҳисобланади. Геоэкология, муҳандислик экологияси, агроэкология ва бошқа бир қатор экологик фанлар эса қўшимча манба бўлиши мумкин. Бундан экологик онгни шакллантириш учун мавжуд таълим тизими кўринишини ўзгартиришнинг ўзигина етарли бўлмаслиги ойдинлашади.

Экологик таълим билан таълим тизимини экологиялаштириш тушунчаларини фарқлаш лозим. Мутахассис - экологларни тайёрлаш билан бир қаторда, фаннинг турли соҳалари бўйича муҳандис-эколог, географ-эколог, агроном-эколог, инженер-эколог кабиларни тайёрлашга ҳам эътибор қаратиш зарурдир. Ўқув юртларини илгари тамомлаган шахсларнинг экологик саводхонлигини, қайта тайёрлаш йўли билан ошириш масаласига ҳам эътибор бериш лозим. Ушбу жараённинг кўп босқичли бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳозиргача бўлган экологик таълим-тарбиянинг ташкил қилиниши ва амалга оширилиши талабга жавоб бермайди. Экологик таълим-тарбиянинг асосий тамойиллари ва ғоялари

ҳаётга тўла тадбиқ қилинган эмас ва ўз навбатида, аксарият ҳолларда экологик фикр юритиш, кундалик фаолиятида атроф-муҳит, табиий ресурсларга оқилона муносабатда бўлиш позициясидан анча узоқдадир. Мавжуд кадриятларда, атроф-муҳит ҳолатига жавобгарлик ҳиссидан хоҳлаганча фойдаланиш, оқибатини уйламаслик туйғуси устун туради. Экологик таълим-тарбия инсонда, экологик жавобгарлик туйғусини шакллантириш масаласига комплекс ёндошишни талаб қилади. Демак, экология тобора кенгаяётган билимлар соҳаси сифатида, таълим тизимида кучли таъсир кўрсатади ва ўрта таълим, кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш мақсадларини қайта йўналтиришни талаб қилади. Барқарор ривожланиш концепцияси, ҳар қандай даражадаги экологик таълимнинг устувор ва асосий тамойили бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаш лозим. Қарорлар қабул қилишга жавобгар шахслар, албатта, экологик саводхон бўлишлари, уларнинг экологик билим даражаси лавозимга сайланиш ва аттестация вақтида ҳисобга олиниши зарур. Ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимларида мажбурий экологик таълимни жорий қилиш ва ривожлантириш давр талаби ҳисобланади ва бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тезлик билан бартараф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида экологик таълим-тарбиянинг ривожини янги босқичга кўтариш устувор вазифалардан ҳисобланади. Республикада узоқ йиллар давомида вужудга келган мураккаб экологик вазиятни юмшатиш, барқарор ривожланиш йўлига ўтишда, узлуксиз экологик таълим-тарбия тизимини шакллантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни» да, экологик таълим-тарбия етарлича ўрин берилмаган. Аҳолини экологик саводхонлиги ошириш бўйича қилинаётган ишлар етарли эмас. Жойларда қарорлар қабул қилиш жараёнида, аҳоли иштирокини фаоллаштириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозир эколог-мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Лекин, ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида мажбурий экологик таълимни жорий қилиш бўйича муаммолар ҳали кўп. Экологик таълим-тарбияни амалга ошириш масаласи бўйича, алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш замон талабига жавоб берадиган вазифа ҳисобланади. Янги ХХІ асрда экологик таълим-тарбияни янги

босқичга кўтариш барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолади.

Мен Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир»,-деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айнаи вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган эдилар биринчи президентимиз Ислам Каримов.

Инсоният пайдо бўлганидан бери фарзанд тарбияси билан у ёки бу шаклда шуғулланиб келган. Ибтидоий жамоа даврида бу жараён баъзан онгли, баъзида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишдан қатъий назар, тарбия усуллари муттасил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши, турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кенг маъно касб эта борган.

Тарбия бериш деганда кимнидир маҳсус бир хонага ўтқазиб қўйиб, панд-насиҳат беришни эмас, балки ўйин вақтида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш давомида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, қолаверса, шахсий ўрнак кўрсатишни тушунмоқ зарур. Бу омиллар бир-бири билан омихта ҳолда олиб борилиши керак.

Инсон асосан икки йўл билан тарбияланиши мумкин:

а) бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўрганиш, шунингдек, доноларнинг фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали тарбияланиш;

б) мустақил фикрлаш, одамлар хатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишаридан тегишли хулосалар чиқариб олиш, энг қудратлиси - тафаккур воситасида тарбияланиш мумкин.

Алломаларимиз: "Агар кишига ҳаётнинг ўзи беролмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим", дея насиҳат қиладилар. Бу эса инсоннинг ўз тафаккури ёрдамида таълим-тарбия олиши, одоб-ахлоқ меъёрларини эгаллаши, ўзи яшаётган жамиятнинг инсонийлик ҳулқ-атвориға хос маънавий-ахлоқий кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштиришини тақозо этади. Кўпчилик

олиму- фузалолар тарбия деганда фақат болага тарбия беришни тушунадилар. Бизнингча, бу анча тор тушунчадир. Чунки тарбияга фақат болалар эмас, катталар ҳам муҳтождирлар.

Демак, табиатшунослик инсонни гўдаклигидан то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ҳамда ушбу жараёни таҳлил ҳамда тадқиқ этувчи фандир. Тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги бу таъриф замирига одамларнинг бутун умри давомидаги ҳуқ-атвори, одоб-ахлоқи, бу борадаги миллий анъаналарга садоқати ва буларга тарбиячи ҳамда тарбияланувчиларнинг тўла амал қилиши, миллий қадрият, маънавият ва маърифатга ҳурмат, иймон ва виждон сингари гўзал фазилатлар сингган.

Агар Ўзбекистон Республикаси конституцияси чуқур таҳлил қилиб кўрилса, унда юқорида зикр этилган тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топганини кузатиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг Конституциямиз миллий тарбия ва тарбияшунослик қомусидир. Унинг деярли ҳар бир моддасида тарбия маънолари силсиласи мавж уриб турибди. Гарчи конституциямизда тарбиячи ва тарбияланувчи сўзлари айнан ишлатилмаса-да, уларнинг бурч ва вазифалари тўла ўз аксини топган. Бу ҳақда биринчи президентимиз И.А.Каримов шундай ёзади: «Тарбиячи устоз бўлиши учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиши, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириши учун, энг аввало, ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак». Бу ерда тарбиячининг ўзи ҳамisha ўрнатилган бўлиши керак, деган фикр илгари сурилаяптики, шу ақида тарбиянинг асосий тамойилидир.

ОИЛАДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ЙУЛГА ҚЎЙИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ.

Аҳоли экологик маданиятини ошириш аввало оиладан бошланадиган экологик тарбиянинг кучайтирилишини талаб этади. Фарзандлар оила бағрида тарбияланаётган илк даврлардан бошлаб уларнинг онги ва қалбига атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни ўз онамиздек асраб-авайлаш ва уни ҳам ҳурмат қилишимиз лозимлиги сингдирилмас экан экологик маданиятли ва соғлом, маънавий баркамол инсон ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Оилада экологик тарбияни йўлга қўйиш учун нималар қилиниши лозим, қайси жиҳатларга эътибор қаратиш керак? Бу каби саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

- Фарзанднинг она қорнидалигидан бошлаб уни ва онасини сальбий иллатлар (тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва бошқалар) дан муҳофаза қилиш;
- Доимо, айникса бола ўз ақлини таний бошлаган даврларда ота-она ва бошқа оила аъзолари табиат ва атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлишлари ва бу жараёнда болага ўрناк бўлаётганликларини асло унутмасликлари лозим;
- Оилада ва маҳаллада, таълим муассаси ҳамкорлигида ташкил этиладиган **“Озодалик хашари”**, **“Дарахт экиш”** каби тадбирларда фаол иштирок этиш ва фарзандни ҳам бунга ўргатиш;
- Фарзандга болалик чоғлариданок табиат ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва унинг яхшиланиши учун курашишга чорловчи эртактар, масаллар, ҳикоя ва шеърлар ўқиб бериш, **“қиссадан ҳисса”** чиқаришга ўргатиш;
- Фарзандларни тозалikka ўргатиш;
- Ҳовли-уйларда боғ (боғдаги дарахтларга қушлар учун ёғоч уйчалар ясаб, илиб қўйиш ва ҳ.к), зообурчаклар, кўп қаватли уйларда яшил бурчак ташкил этиш, хонаки гуллар ва ўсимликлар ўстиришни йўлга қўйиш;
- Уйни жиҳозлаш ва таъмирлашда имкон қадар табиатга ошнолик ҳиссини уйғотувчи воситалардан фойдаланиш. Масалан, деворларга табиат манзараси акс эттирилган портретларни илиш ва ҳ.к.
- Тарбия умрбод давом этадиган жараёндир. Жумладан, фарзандлар катта бўлиб, вояга етганда ҳам экологик тарбия поёнига етиб қолмайди. Шу сабабли фарзандлар учун алоҳида уй-жойлар қуришда ҳам оиланинг маиший чиқиндиларидан ҳалос бўлиш йуллари, сувдан, табиий газдан оқилона фойдаланиш усуллари ва шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилиши ва фарзандларни ҳам шу руҳда тарбиялаш зарур;

Биринчи президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, **“Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунини сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”**. Шунинг учун ҳам бу масала аввало, инсонларнинг илк камолот маскани, маънавият бешиги бўлмиш оилаларнинг зиммасига янада юксак вазифалар юклайди. Эндиликда ёш-авлодни атроф-муҳитга нисбатан

одобли муносабатда бўлишга ўргатиш бутун инсониятнинг энг зарур ишига айланди. Аммо бу борадаги амалий қадам оила бағрида улғаяётган авлоднинг, шахсан ҳар бир инсоннинг қалбидан бошланиши лозим. Оилада олиб борилажак тарбия шундай бўлсинки, фарзандлар табиатни ҳимоя қилишни ҳам қонуний бурч эканлигидан кўра ҳақиқий фарзандлик, ота-оналик, инсонийлик мухаббати ҳамда садоқати сифатида билсинлар. Зеро, “табиий бойликлар ота-боболаримиздан меърос қолмаган, балки келажак авлодларимиздан қарзга олинган”дир.

АҲОЛИНИНГ ЭКОЛОГИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНING ДОЛЗАРБЛИГИ.

Экологик таълим-тарбия назарияси кўп босқичли жараён бўлиб, у бир қатор жиҳатларни ўз ичига камраб олади. Жумладан, таълим-тарбия экологик маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, шахсни экологик тарбиялаш жараёнида ижтимоий ва биологик омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Экологик таълим-тарбия ёш-авлодга тажриба ва билимларни етказиш уларни амалда қўллашга ёрдам берувчи ва кишиларда экологик маданиятни шакллантиришни кўзлаган рухий, психологик, педогогик жараёндир. Экологик таълим-тарбиянинг туб маъноси табиат ва жамият ўртасидаги доимийлик, бирлик ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат. Унинг мақсади эса инсонни ўраб турган табиий муҳит ва уни бойликларини асраб, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган, табиат қонунларини биладиган фаол кишилар жамиятини шакллантиришдир. Инсонлар фаолиятидаги турмуш тарзи кўп жиҳатларни янгича тафаккур қилишга мажбур этмоқда. Ана шундай соҳаларнинг бири бу экология соҳасидаги таълим-тарбиядир. Экологик таълим-тарбия орқали экологик онг ва маданиятни юксалтириб борамиз. Экологик таълим унча қадимий бўлмаса-да, ҳозирги кунда энг зарурий муаммолардан биридир. Ушбу соҳадаги таълимнинг мазмун ва шакли давр тақозосидан келиб чиқиши ҳам табиий. Экологиянинг туб мазмуни ҳақида сўз юритганда табиат ва жамият тарихини, ундаги инсонлар фаолияти таҳлил қилинмаса, улар ҳозирги замон билан боғланмаса, ўз-ўзидан маълумки, таълимнинг таъсирчанлиги талаб даражасида бўлмайди. Экологик таълим инсонларни ўраб турган тирик табиатнинг тузилиши, ер атрофидаги муҳит ҳақидагина бўлмасдан, балки тирик

табиатнинг бугуни ва эртаси ҳақидаги тасаввурларини ҳам қамраб олиши зарур. Экологик таълим-тарбияда инсонларнинг табиатда тутган беқиёслигини, табиат жараёнлари билан муносабати, улар билан боғланганлиги, алоқадорлигини тушунтириш марказий ўринни олмоғи лозим. Табиатни муҳофаза қилиш, фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш, аввало табиат олдидаги жавобгарликни ҳис этишни ҳар бир инсонга сидқидилдан сингдириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Экологик таълим-тарбия кўпроқ босқичма-босқич ёндашилсада, уларнинг барчасида таълим-тарбия берувчи томонидан қуйидагиларга ёшларнинг диққатини жалб қилиш муҳимдир. Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, кўчат ва дарахтлар ўтказиш ва уларни парваришлаш, фойдали қушлар, ҳайвонларга зарар етказмаслик, кўл ва ариқларни ифлослантирмаслик, аксинча уларни доимий тозалаб туриш, улардан оқилона фойдаланиш каби жиҳатларни диққатдан ўзоқлаштирмаслик лозим. Мазкур соҳада иш олиб борувчи ҳар қандай зиёли оддийликдан мураккабликка қараб иш олиб бориши талаб этилади.

Экологик таълим-тарбия боғчаларда, сўнг мактабларда, касб-хунар таълим муассасаларида, олий ўқув юртларида, барча корхона ва ташкилотларда давом эттирилади. Аммо босқичма-босқич олиб борилаётган экологик таълим-тарбия ҳамма вақт, ҳамма ерда талаб даражасида деб бўлмайди. Шу сабабли экологик таълим-тарбиянинг мазмуний ўзгаришига эътибор берилиши билан бирга барча таълим-тарбия шакллари ҳам ўзгартирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда мазкур масала билан шуғулланувчилар фаолияти билан кифояланиб қолмасдан, кенг жамоатчиликни бу долъзарб соҳага жалб қилиш лозим.

Аҳолига экологик тарбия бериш, фуқароларни табиатни муҳофаза қилиш мавзусидаги адабиётлар билан таништириш, табиатни асрашнинг усул ва кўникмаларини эгаллаш хусусидаги назарий билимлар билан бир қаторда амалий иш қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки илмий-техника тараққиёти натижасида инсон ва табиат ўртасидаги мутаносиблик бузилаётганлиги ер юзи, жумладан, Республикамиз аҳолиси тез кўпаяётганлиги, фойдали қазилма бойликлар, чучук сув захиралари, табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси камайиб бораётганини барча аҳоли, айниқса ёшлар билишлари, ўрганишлари, уларнинг олдини олишга ўз ҳиссаларини кўшишлари керак. Кенг кўламдаги, ҳар томонлама экологик тарбия инсонга барча ишлаб чиқариш, хўжалик масалаларини ҳал этишга тобора маъсулиятли бўлишга, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга имкон беради,

ҳаёт муаммоларини ҳал этишнинг анча оқилона йулларини излаб топишга мажбур этади. Экологик маданиятнинг юкори даражасини белгилайдиган энг муҳим мезон экологик вазиятни прогнозлаштириш билан ҳарактерланади. Бундан кўзланган асосий мақсад мавжуд бўлган конкрет экологик вазиятнинг, антиэкологик хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини бартараф қилишдан олдин вужудга келиши мумкин бўлган экологик зиддиятларни кескинлаштирувчи юзага келтирувчи сабабларни аниқлаб, уларнинг олдини олишдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлиги таълим-тарбия тизими экологик онгни шакллантиришдаги ютуқларга таянади. Аксинча бу йўналишдаги камчиликлар экологик фаолиятдаги субъектив омилнинг объектив заруриятга нисбатан орқада қолаётганини ифодалайди. Зеро, экологик маданиятнинг шаклланиши билан шахснинг экологик сифати таркиб топади.

Умумлаштириб айтганда, ижтимоий-сиёсий фаолият тизимида экологик маданиятнинг ўрнини аниқлаш, биринчидан, шу соҳадаги илмий билишнинг категориал аппарати мазмунини ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий вазияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, ҳодисанинг моҳиятини ёритиб беришни белгилайди. Иккинчидан, экологик тарбияни шакллантириш босқичлари умумий тарихий ривожланишнинг даражаларига мос тарзда ўз хусусиятларини ўзгартириб борган ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятларда кенг мазмун касб этган. Учунчидан, экологик вазиятнинг назарий билиш, амалий ўзгартириш ва қадриятларни бойитиш йўналишлардаги репродуктив муқобиллаштирувчи хусусиятлари ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий сифатини белгиловчи мезон сифатида қаралиши керак.

АҲОЛИНИНГ ЭКОЛОГИК ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Айни вақтда атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда юзага келаётган муаммолар кенг қамровлилиги ва ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Мазкур муаммоларни кенг жамоатчиликнинг умумий муаммоси сифатида баҳолай оладиган, уларни ҳал этишга кенг оммани жалб этишга, мавжуд муаммолар тўғрисида аҳолини ўз вақтида боҳабар этишда, уларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда катта. Айниқса,

табиатга етказилаётган зиён ва унинг оқибатларини илмий асосда баён этиш, кишиларни табиатга нисбатан бепарво бўлмасликка, табиатнинг биз кўрмайдиган айрим қонунларини тушуниб етишларига туртки бўлиб хизмат қилади. Мазкур соҳадаги туб ислохотларни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, унинг фаоллигини ошириш ўта муҳимдир. Бу ўринда экологик масалаларни кенг ёритиш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ва айниқса экожурналистиканинг тараққиёти ва такомиллашувига эришиш алоҳида ўрин тутади. Экожурналистлар ўз фаолиятларида маъсулият ва таъсирчанликни янада ошириш ҳамда тайёрланган материалларига кўпчиликнинг қизиқишини орттириш орқали ёшларни ўзига эргаштира олишга муваффақ бўлишлари мумкин.

Маълумки, Марказий Осиё давлатларидаги экологик ташкилотлар томонидан 2001- йилдан буён атроф-муҳит ҳолати тўғрисида аҳолига ахборот бериш ва экожурналистларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштиришга қаратилган экологик журналистика ҳудудий фестивали ўтказилиб келинмоқда.

Юртимиз вакиллари ушбу фестивалларда 2002- йилдан буён узлуксиз, фаол иштирок этишаётгани диққатга сазовордир. Худди шу йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳар йили экологик журналистика бўйича миллий танлов ўтказилади ва унинг натижалари бўйича ғолиблар Марказий Осиё фестивали иштирокчиси сифатида мазкур нуфузли халқаро танловда қатнашадилар.

Бундай тадбирлар экология соҳасига билимли, зукко журналистларни жалб этиш, уларнинг касб маҳоратларини оширишда ҳамда уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Экологик журналистика глобал ва маҳаллий аҳамиятга молик экологик масалаларни узлуксиз ва кенг ёритишга хизмат қилувчи соҳа бўлиб, уларнинг предметини нафақат соҳадаги мавжуд муаммолар балки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ижобий хусусиятли мавзулар ҳам ташкил этади.

Экология соҳасида фаолият юритувчи журналист атмосфера, тупроқ, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва маданий объектлар, аҳоли саломатлиги ва бошқа хилма-хил мавзулардаги экологик ахборотларни профессионал ёритиш қобилиятига эга бўлишлиги билан ҳам ўзига хосдир. Шу билан бирга мазкур йуналишда ижод қилаётган қалам аҳли соҳага оид тегишли сиёсат қонунчилик, режалар, дастурлар, амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар, уларни бажариш учун сарфланган маблағ ва унинг натижаси тўғрисида жамоатчиликнинг

ахборот олишини таъминлашга иштирок этади. Бундай ахборот тингловчида аввало ўзи ишлаб ва яшаб турган муҳит унинг саломатлиги учун қай даражада қулай ва ҳавфсизлиги тўғрисида маълумот бера олиши билан ҳам эътиборга моликдир. Шу жиҳатдан олганда экологик журналистика экологик материалларни ёритиш ва соҳада мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этилишида фаол иштирокчи сифатида баҳоланилса ҳато бўлмайди.

Дарҳақиқат, Мустақил Ўзбекистонимизда журналистика соҳасига бўлган талаб ҳам тобора ошиб бормоқда. Бизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошқора фаолият кўрсатишлари, ватанимиз равнақи, халқ бахт-саодати, миллатимиз камолоти йўлида ижод қилишлари учун барча имкониятлар мавжуддир. Республикамизда 700 та газета, 240 та журнал, 4 та ахборот агентлиги, 60 та телестудия, 18 та радиостудия, 65 дан ортиқ интернет веб-сайтлари мавжуд бўлиб, эркин фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Бу кенг тармоқли матбуот нашрлари ва оммавий ахборот воситаларининг ижодий ходимлари ўз касбларини улуғлаб, Мустақил Республикамизга муносиб хизмат қилиб келмоқдалар.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистан Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ҳар ойда мамлакат экологик муаммоларига бағишланган телефильмлар, теле ва радиорепортажлар тайёрланади. Қўмита телевидениянинг “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” каби инфор­мацион дастурлари билан кенг алоқани йўлга қўйган. Мазкур дастурлар қўмита томонидан ташкиллаштирила­диган матбуот анжуманлари, семинарлар, тақдиротларида кенг жамоатчиликка ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Қўмитанинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқармаси томонидан ташкил этилган рейдлар ҳам ушбу ахборот дастурларида кенг ёритилади. Ушбу дастурларда ов қилиш, қонунга ҳилоф равишда дарахт кесиш, ҳазонларни ёқиш, балиқ урчиш даврида балиқ овлаш каби ноқонуний хатти-ҳаракатларни очишга мўлжалланган рейдлар ўз аксини топган.

“Машъал”, “Дўстлик” шунингдек, “Ёшлар” ҳамда “Ўзбекистон” радиоканалларида ҳар ойда “Аслидай асранг”, “Экология янгиликлари” каби радиоэшиттиришлар узатилиб борилмоқда. Экология мавзусидаги масалаларни ёритишда барча миллий босма нашриётлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз миқёсида барчамизга маълум бўлган “Экоолам”, “Экомувозанат”, “Жамият”,

“Экохабарнома”, “Ер юзи” ва шунга ўхшаш бир қатор газета ва журналларда мақолалар, ўзининг фаолиятини яқинда бошлаган “Дунё бўйлаб”, “Маданият ва маърифат”, “UzHD” каби янги телеканаллар орқали кўплаб она-табиатимизни асрашга қаратилган эътиборга молик хужжатли фильмлар, кўрсатувлар эфирга ўзатилаётгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Бундан ташқари вилоятимизнинг барча газеталарининг деярли ҳар бир сониди атроф-муҳит муҳофазаси ва шу соҳага оид қатор мақолалар бериб борилади. Жумладан, “Экология ва саломатлик” газетасини, “Аёл ва замон” газетасининг “Табиат ва биз” рукни остида мазкур соҳадаги фаолиятларини фикримизга далил сифатида келтиришимиз мумкин. Яна Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясида бериб бориладиган “Оламни асранг” телекўрсатуви, “Янги аср” радиосида эфирга ўзатилаётган экологияга оид эшиттиришлар ҳам мунтазам равишда аҳоли эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ахборот ва коммуникацион технологиялар инсоний ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ахборот ва коммуникация технологияси миллий экономика тараққиётини тезлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун имкониятлар очиб беради.

Ахборот коммуникация технологиялари паравозининг кашф этилиши сингари одамларнинг турмуш тарзини, ишларини ва ўзаро алоқасини ўзгартириб юборди. Бироқ илгариги технологик инқилоблардан фарқли ўлароқ ахборот коммуникация технологияси 50 миллионлик ихлосмандлар эътиборини тортиб олиши учун бор-йўғи тўрт йил зарур бўлди. Шу ўринда қўшимча тарзда қуйидаги рақамли маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз:

- 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда, интернет эса бор-йўғи 4 йилда эгаллаб олди;
- 1998 йилда интернетдан 143 миллион киши фойдаланди, 2001 йилда уларнинг сони 700 миллионга етди;
- “Бутунжаҳон тури” 1993 йилда 50 бетдан ошиқроқ эди. Уларнинг сони бугун 50 миллион саҳифадан ортиқроқдир.

Демак, ахборот коммуникацион технологияларидан табиатни муҳофаза қилиш йўлида ҳам фойдаланар эканмиз, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот ўзатишда қанчалик фойдаланаётганига эътибор қаратиш ўринлидир. 2002-йил 22-майда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шахсий веб-сайти ташкил этилди (манзил: <http://goskompriroda.ccc.uz>). 2003 йилда мазкур

веб-сайт БМТнинг тараққиёт дастури кўмагида қайта янгиланди ва экологик порталга ўтказилди (манзил: <http://uznature.uz>). Ушбу порталга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тузилмаси ва фаолияти, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, “Кизил Китоб” (1,2-томлари), “Ўзбекистон Республикасида атроф-табiiй муҳит муҳофазаси ва табiiй ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги миллий маъруза” нинг маълумотлар базаси, шунингдек муҳофаза этилидаган табiiй ҳудудлар, Ўзбекистон атроф-муҳит ҳолати мониторинги бўйича экологик индикаторлар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар 3 тилда жойлаштирилган.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ахборот инфратузилмасининг мавжудлиги, компьютерлаштириш, электрон коммуникация базалари ва маълумотлар тўпламининг ривожланиши, ахборот хизматларининг янги кўринишлари иш самарадорлигини, ишчанлик ва тезкорликни ҳамда ходимларнинг ишлаш шароитларини енгилаштирди. Шу билан бирга инфратузилмадаги ахборот коммуникацион технологияларнинг мавжудлиги иш фаолиятидаги куйидаги йўналишларни амалга ошириш ишларини осонлаштирди:

- Ўзбекистон Республикаси фаолияти доирасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини электрон почта орқали тезкор тарқатиш;
- Веб-порталга Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятининг муҳим масалаларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш;
- веб-сайт орқали жамоатчиликнинг кенг қатламини атроф- муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ва амалга оширилган миллий ва ҳудудий дастурлар билан таништириш;
- экотизим компонентлари бўйича ахборот ва маълумотларни йиғиш ва таҳлилий қайта ишлаш;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш соҳасини тизимлаштириш ва давлат кадастрини юритиш.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШТИРОКИ.

«Ёмонлик бутун нуқсонлар мажмуидир. Дунёнинг ишлари сиёсатсиз тартибга тушмайди. Агар таълим-тарбия ва жазо тўғрисида қонун-қоида бўлмаса мамлакат ишлари бузилади.»

(Хусайн Воиз Кошифий).

Ўзбекистон Республикасида экология ва табиатни муҳофаза қилиш масаласи мамлакатимиз бош қомуси бўлган конституциянинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларидан жой олган бўлиб, ушбу қомуснинг 50-моддасида, «Фуқоролар атроф-табiiй муҳитига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» дейилади. Мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий иқтисодий ва ташкилий масалаларини ҳал этиш 9-декабр 1992 йилда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун белгилаб беради.

Ушбу қонунга асосан мустақил Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва уни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг мутлоқ ваколатига киради ва булар қуйидагилардан иборат:

- Экология, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тизимидаги давлат сиёсатини белгилаш;
- Давлат экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурларни тасдиқлаш;
- Айни соҳага алоқадор бўлган қонун ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Ушбу соҳага таалукли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб туриш ва назорат қилиш.

Ҳеч муболағасиз тан олиш керакки, мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза қилиш масаласи мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг биргина исботи сифатида 1992 йил 8 декабрда мамлакат бош қомуси конституция қабул қилинган бўлса, шундан бир кун ўтиб 1992 йил 9 декабрь куни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидир.

Ўзбекистон Республикаси минтақадаги салоҳиятли давлатлардан бири бўлиб, ушбу ҳудуддаги бир қатор экологик муаммоларни пайдо бўлишида 33 миллионлик аҳолиси билан бевосита ёки билвосита иштирок этиб бугунги кунда ушбу аҳолининг деярли ярми собиқ иттифокдан «мерос» бўлиб қолган ноэкологик муҳитда яшамокдалар. И.А.Каримов дунёнинг энг нуфузли ташкилоти БМТ минбаридан туриб бежизга Орол денгизи экологик муаммосини умумбашарий экологик муаммо деб атамадилар ва ушбу минбардан туриб «Орол денгизининг куриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожа бугун ҳавзада яшаётган халқларнинг дарду аламидир» деган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ўта хавфли экологик муаммолар қуйидагилардан иборат

1. Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавфни тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, аҳолининг ўсиши нисбатан юқорилигидан ҳосилдор ерларни уй жой ва шаҳарлар қурилишига кўплаб ажратилиши оқибатида яқин келажакда ер заҳиралари билан таъминланиш муаммосини янада кескинлашуви хавфи.

2. Ернинг ниҳоят даражада шўрланганлиги. Республикада 2 млн гектардан ортиқ ерлар шўрланган бўлиб, суғориладиган умумий ер майдонларини яримини ташкил этади.

3. Тупроқни ҳар хил саноат чиқиндилари ва кимёвий пестицидлар билан ифлосланганлиги, Собиқ Иттифок давридаги пахта монокультураси оқибатида тупроқнинг пахтага хос касаллик ва зараркунандалар билан ифлосланганлиги.

4. Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи-назаридан ер ости, ер усти сувларининг кескин тақчилиги ҳамда ифлосланганлиги, мамлакат ҳудудидаги деярли барча сув ҳавзалари бебаҳра қолмаганлиги.

5. Қизилқум (Навоий вилояти), Мойлисув (Қирғизистон) даги радиоактив ифлосланиш хавфи.

6. Сув ҳавзалари ва тупроқ ресурсларини ифлосланиши оқибатидан келиб чикувчи экология-гигиена ва санитария эпидемиология вазиятини, айниқса, қуйи оқимларда ўта ёмонлашуви.

7. Орол денгизининг куриб бориши хавфи. Орол танглиги минтақа инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар

фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган 35 миллион инсонлар унинг таъсирига қолди. 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлод кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали инсоният тарихида рўй берган эмас эди.

8. Ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили мамлакат атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннадан ортиқ зарарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, қолган 15% углерод чиқиндилари, 14% и олтингугурт қўш оксиди, 9% и азод оксидлари, 8% и қаттиқ моддалар ва 4% га яқини турли хил ўткир заҳарли моддалардир.

Атмосферада углерод оксидлари айниқса, чала ёнган углерод икки оксидининг кўпайиб бориши иссиқхона (парник) эффектини вужудга келишига сабаб бўлиб, оқибатда ер ҳавосининг ўртача ҳароратини кўтарилиб кетишига олиб келмоқда.

Юқоридаги ўта хавфли экологик муаммоларни олдини олиш мақсадида республикада қуйидаги тактик ва стратегик йўналишлар ишлаб чиқилган:

1. 2025 йилгача мўлжалланган табиатни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат дастури;

2. Табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг миллий ҳаракатлар режаси;

3. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури;

4. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа. Ушбу ҳужжатларда мамлакатимиз экологик концепцияси, мақсад ва принциплари ўз аксини топган.

Ўзбекистон экологик сиёсатининг асосий мақсади ушбу ҳудудида яшовчи аҳолининг табиат билан жамият ўртасидаги экологик-иқтисодий, ижтимоий муносабатларини ижобий шакллантириб экологик хавфсиз муҳит таъминлашдан иборатдир. Айни мақсаднинг тасдиғи сифатида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

– Шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишилар соғлигини муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик соф муҳитда яшаш шароитларини яратиб бериш;

-жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мўътадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;

-давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган барқарор ривожланиш, минтакавий иқтисодий ҳолатини мўътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Ўзбекистон учун ягона бўлган шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири - экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир.

И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури»да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

-экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

-қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқова сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш;

-саноат корхоналаридан атмосфера ҳавосига, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш, уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш зарур. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олганга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатидан самарали ускуналарни ўрнатиш.

- қайта тикланадиган заҳираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган

заҳираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилинган ҳолда табиий заҳираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш;

- фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш керак. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш даркор ва унинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифадир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш);

- кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий заҳиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув - физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш тадбирларини ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш);

- жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш;

- қурилиш ва ободонлаштиришни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларда экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;

- жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга даҳлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлиги, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш;

- халқаро тузилмаларнинг заҳиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш биринчи даражали вазифадир.

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун «Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий Дастури»да қуйидаги принципларга амал қилиш тавсия этилган:

- давлат экологик ислохотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
 - экологик харажатларни молиялаштириш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
 - макроиктисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
 - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экологиялаштириш;
 - атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
 - ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва
- ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик сиёсатини мутлоқ бажарувчи ташкилот бўлиб, мониторинг, экспертиза халқаро андозаларга мослаб тайёрлайди ва ижросини назорат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан қабул қилинган ёки қилиниши лозим бўлган ҳужжат ва қарорларни иқтисодий томонларига асосий эътибор қаратилади. Жумладан, 1992 йилдан бошлаб мамлакатда атроф-муҳитни (РЭМ) рухсат этилган меъёрдан ортиқ ифлосланишига сабабчи бўлган корхона ёки ташкилотлар атроф-муҳитга етказилган зарарлар қўламига қараб жарима билан жазоланади.

Республикада ташқи муҳитни сифат жиҳатдан яхшилаш ва кишиларни саломат бўлишига эришишдир. Бунда асосан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани (Тожикистондаги алюминий заводини таъсири), Қирғизистон ва Тожикистон чегаралари яқинидаги Тошкент ва Фарғона вилоятларида (радиоактив чиқиндилар), Орол атрофидаги (Оролнинг қуриши оқибатида содир бўлган экологик фалокатлар) муҳитни яхшилаш масалалари туради.

Табиатни муҳофаза қилиш масалалари жаҳонда энг устувор масала бўлгани учун уни халқаро шартнома ва битимлар билан тартибга солинади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг иқлимнинг ўзгариши бўйича (1993 йил, май) халқаро битимига, озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена битимига ва озон қатламини емирувчи моддалар юзасидан Монреал баённомасига (1993 йил, май), хавфли чиқиндиларни трансчегара орқали ташиш ва уларни йўқ қилишни назорати бўйича Базел битимларига (1995 йил, август) имзо чекди, Ўзбекистон Республикасида биологик ресурсларни сақлаб қолишга йўналтирилган халқаро шартномаларнинг асосий ҳамкоридир.

1995 йилнинг октябрда Ўзбекистонда биологик турлар бўйича Конвенция қабул қилинди. Узун бурун, ингичка тумшукни муҳофаза қилиш чоралари бўйича Бонн доирасидаги битимлари, Сибирь турнасини сақлаб қолиш бўйича Меморандуми, Африка ва Европа, Осиёга кўчиб ўгадиган сувда сузувчилар юзасидан шартномалар имзоланган эди. Ўзбекистон 1997 йилда қабул қилган «йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлган ўсимликлар ва ҳайвон турларини сотиш юзасидан конвенция»га ҳамда «Соҳил бўйидаги ерларни ва сувли ботқоқларни муҳофаза қилиш бўйича Рамсар Битим»ларига қўшилди ва тасдиқланди.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Ўзбекистон 1996 йилда Туркия Республикаси билан, 1997 йилда ХХР (Хитой), Словакия, Израиль, Люксембург, Литва каби мамлакатлар билан экология масалалари бўйича битимга имзо чекди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш жараёнига қўшилиши 1994 йилдан бошланди. Шу йили Марказий Осиё давлатларининг бошлиқлари учрашиб, Орол денгизи атрофидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши тўғрисида дастурий қарор қабул қилдилар.

1995 йилда БМТ томонидан Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича ўтказилган халқаро конференция 1994 йилда қабул қилинган Орол тўғрисидаги қарорни янада ривожлантириш имкониятини беради. 1997 йил ноябрга келиб, Ўзбекистон ҳукумати барқарор ривожланиш бўйича Миллий Комиссия (БРМК) ни тузди ва унинг асосий вазифаларини белгилаб берди.

Хотин-қизлар ва болаларга экологик ёрдам учун халақаро лойиҳа ишлаб чиқилиб, уни мамлакат президенти ва ҳукумати қўллаб қувватлади. Лойиҳа 4 йилга мўлжалланиб, унга 3,12 млн. доллар ажратилган. Шунга асосан, айниқса, Орол бўйи ва бошқа жой аҳолисига (касалманд, камқонли аёл ва болаларга) ёрдам кўрсатилади. Экосан ташаббуси билан ҳар йили «Саломатлик поезде» дори-дармонлар, озиқ-овқат, гуманитар товарлар билан Қорақалпоғистон ва республиканинг барча вилоятларида, экологик жиҳатдан инқирозга учраган ҳудудларда бўлиб, одамларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ишлар олиб борадилар.

Республика табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси тузилган халқаро битимларни амалда бажариш учун қуйидаги ишларни олиб бормоқда:

- Вена битимиға кўра, озон қаватини бузувчи моддалар чиқарувчи корхоналар инвентаризация қилинмоқда;
- биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий ҳаракат режасини лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда;
- республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси халқаро экологик кенгашни (ХЕК) фаол қатнашчиси бўлиб, қабул қилинган қарорларини бажариб келмоқда.

Экологик сиёсат тузилмаси анча мураккаб ва мазмунан бой. Бунда экологик жавобгарлик, оқилона макроиқтисодий ва тармоқ сиёсатини ўтказиш, атроф муҳит сифатини андозалари ва вазифаларини аниқлаш, саноат ва транспортни атроф муҳитни ифлослантиргани учун тартибга солиш, иқтисодий механизмни амалда қўллашда, қонунчиликни ривожлантириш, мониторинг ва экспертиза функцияларини янада такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишни бошқариш структурасини такомиллаштириш, экологик саводхонликни ошириш ва таълим тарбияни янада яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш ва бошқаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Инсонни ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширадиган барча тадбирлари экологик шароит ва вазият (мувозанат) га мос келиши, уни бузмаслиги ва ифлослантирмаслиги, у билан уйғунлашиб табиатнинг ажралмас бир қисмига айланиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда табиий муҳит бузилиб, инсоннинг яшаши учун ҳавfli бўлиб боради. Одатда табиий муҳитни ифлослантирувчи ингредиент моддаларнинг таъсири кучини ёки самарасини бошланиш курсаткичи инсоннинг организмига нисбатан олинади. Бу рухсат этилган меъёр ёки рухсат этилган концентрация деб аталади. Бу курсаткичдан ортиб бориши инсонга салбий таъсир эта бошлайди. Демак, экологик меъёрларнинг ишлаб чиқилишининг инсон ҳаётига асосланиши табиат муҳофазаси соҳасида сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлигидан дарак беради.

ХУЛОСА

Табиат ва инсон мунасабатлари турли даврларда турлича бўлган. Айниқса, фан-техника ривожланиб бораётган бугунги даврга келиб она- табиатимиз аҳли инсоният тазйиқи остида қолмоқда. Атроф-муҳитга эътиборсизлик билан муносабатда бўлишимиз, табиат қонунларини билиб билмай бузишимиз оқибатида она сайёрамизнинг кўриниши тобора ўзгариб, таназзулга юз тутмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, ичимлик сувининг танқислиги, яшил ҳудудларнинг кундан-кунга камайиб бораётганлиги, биохилма-хиликка путур етиши-ю ва шунга ўхшаш бир вақтлар қулоғимизга бот-бот чалиниб турадиган муаммолар бугун такрор ва такрор таъкидланаётгани ҳам бежизга эмас албатта.

Бу муаммоларни келтириб чиқараётганлар ҳам сиз билан бизлармиз албатта. Фақат буни тан олмоқ ва бартараф этмоқ керак. Қандай қилиб дейсизми? Аввало инсон ўзида экологик маданият ва экологик тарбияни шакллантириши керак. Бугунги кунда аҳоли ўртасида айнан экологик маданиятнинг саёзлиги туфайли бу муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, экологик ҳавфни юзага келтириш баробарида, ечилиши қийин масалалар қаторидан ўрин олиб турибди.

Табиат ресурслари чегараланган бўлиб ундан оқилона ва тежаб фойдаланиш лозим, агар шу меъёрдан ортиқ фойдаланилса уларни қайта тикланиш қобилияти сусайиб экологик мувозанат бузилади. Табиатда барча компонент ва комплекслар ўзаро мувозанатда бўлади, ривожланади. Чунки ҳар бир табиат минтақасида ўзига хос компонент тарқалган. Чунки табиат минтақаларининг у ёки бу жойларда ҳар бир рельеф тури ва шаклига маълум иқлим тури шароити, ер ости ва ер усти сувлари меъёри, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг аниқ турлари мос келади. Демак табиатда барча компонентлар ҳар бир ҳудудда бири-бири билан ўзига хос мослашув ҳамда алоқадорлик вужудга келтирган ва шу зайдда бир неча юз минг йиллардан бери тараққий этиб келмоқда. Бинобарин, табиат компонентлари орасида табиий мувозанат мавжуд бўлганлиги сабабли ҳар бир жой ёки ҳудуд маълум бир йўналишда ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Ҳар бир табиат комплекси маълум миқдордаги табиий бойликка эга. Агар мазкур бойликлардан режали фойдаланиш йўлга қўйилмаса, экологик мувозанат бузила бошлайди. Бунинг

оқибатида табиат қашшоқлашади, тупроқлар шўрланади, ернинг ҳосилдорлиги пасаяди, сувлар ифлосланади ва ичишга ярамай қолади, тикланадиган табиий ресурслар қайта тикланмайди. Тоғ ёнбағирларида суғориладиган ва лалми деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда яйлов чорвачилиги билан одамлар қадимдан шуғулланиб келишади. Маҳаллий аҳоли ҳар бир сой водийси ёки ёнбағрларининг деҳқончилик, чорва молларини боқиш пичан тайёрлаш учун қанчалик табиий бойликларга эга эканлигини жуда яхши билади Тоғларда ўтин тайёрлаш мақсадида мавжуд дарахтлар қирқилади, оқибатда улар остидаги ўтлар ва буталар ҳам зарар кўради. Тупроқнинг юзаси очилиб, у ёғин-сочин таъсирида эрозияга учрайди. Аввал, юзлама эрозия, сўнгра чуқурлатиш эрозияси юз бериб, вақт ўтиши билан тупроқнинг устки кисми бутунлай ювилиб кетади. Натижада хўжаликда фойдаланиладиган ер ва яйловлар майдони қисқаради.

Шу сабабли, ҳар бир жойнинг табиий ресурслари (тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, сувлари, фойдали казилмалари)дан мақсадга мувофиқ фойдаланилса, экологик мувозанат бузилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишилар ҳаётини бир текисда бекаму кўст бўлишида, фаровон яшашида, саноат ва фан техниканинг юксалишида табиий ресурсларнинг, табиат неъматларининг улуши беқиёсдир. Табиат борки инсониятнинг усти бут ва қорни тўқлигини баралла айтишимиз мумкин. Бугунги кунда иқтисодиётнинг юксалиши қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқ бўлиб мамлакатнинг юксалишига, ривожланишига катта хизмат қилади. XXI асрда демографик муаммоларнинг авж олиб ривожланиб бориши, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган талабларнинг ортиб бориши табиатга маълум даражада ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмасдан қолмаяпти. Чунки шаҳарларнинг ривожланиши билан унумдор ерларнинг шаҳар остида қолиши, унумдор тупроқларининг миқдори борган сайин камайиб бормоқда. Бундай нохуш вазиятларни камайитириш учун албатта бугунги кунда замонавий ечимларни ўйлаб топиш, шу масалалар устида бош қотириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ булар эди десак янглишмган бўламиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, табиатни асраш, уни келажак авлодга ўз ҳолича етказиб бериш ҳар бир юрт фарзандининг бурчи ҳисобланади. Бундай натижага эришиш учун

албатта ҳар бир инсон аввало ўзида экологик онгни шаклантирмоғи лозим. Зероки ота боболаримиз бекорга айтишмаган "Қуш инида кўрганини қилади" деб. Энди ўсиб келаётган ёш авлодга аввало ўз хонадонидалигиданоқ экологик таълим тарбияни шакллантириб бориш лозим. Ҳар бир инсон ўзида табиатга нисбатан меҳрни уйғотар экан демак атрофидаги инсонларга ҳам намунали кўриниб атрофдагиларнинг ҳам дунё қарашларини, табиатга бўлган меҳр мухаббатларини уйғотиши мумкин.

Шундай экан барчамиз бирдек табиатни асраб аввайлашга ўзимизнинг оз бўлсада ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Экологик маданиятли бўлишнинг бугунги кундаги муҳим жиҳатлари шундаки, халкимизнинг экологик билимларини ошириш орқали ҳуқуқий фуқаролик жамияти тамойиллари асосида табиатдан фойдаланишни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш, халкимиз онги ва маданиятини она ватанимиз табиатига бўлган меҳр-мухаббатини ошириш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун зарур ҳаётий шароитлар қолдиришимиз кераклигини ҳис этиб яшашимиздир.

Тўғри, инсоният қадим замонларданоқ табиатнинг бир бўлаги эканлигини англаб, у ўзининг ҳаракатлари билан табиат ўртасидаги муносабатларни онгли равишда ҳис этиб келган. Ибтидоий жамоа даврида ҳам табиий офатларни инсонларнинг салбий хатти-ҳаракатлари туфайли табиатнинг қасоси дея қабул қилиб, бундан хулоса қилган ҳолда, сув, ҳаво, тупроқ ва оловни муқаддас билганлар. Инсонлар маданияти шаклланиб ривожланиб борар экан, табиат инъомлари бўлмиш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини бир қанчасини маданийлаштириб, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келдилар.

Шу ўринда эса биз ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун табиат инъом этган неъматлардан хўжасизларча фойдаланиб эмас, балки бу борада барчага ўрнатилган қоидаларни қатъий риоя қилишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим. Инсонда экологик маданиятнинг шакллантиришни эса болалик чоғларидан оиладан ва таълим олиш мобайнида устоз ва мураббийлар томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. “Мен болалар “Алифбо” сини очиб, биринчи сўзни ҳижжалаб ўқишларига қадар аввал дунёдаги энг ажойиб китоб – “Табиат” китобини мутолаа этишларини истардим” -дея таъкидлаган атоқли педогог В.А.Сухомлинский ўзининг “Болаларга жоним фидо” асарида. Мазкур фикрнинг ўзида қанча маъно-мазмун мужассам.

Оилада соғлом турмуш тарзини жорий этиш, болани гўдаклигидан озодаликка, тежамкорликка ўргатиб бориш экологик тарбияни шакллантиришнинг илк босқичидир. Охирги вақтларда экология фани доирасида «**ЭКОЛОГИК ИЗ**» деган янги тушунча ҳам пайдо бўлди. Бу тушунчани ўзингиз шунчаки таҳлил қилишингиз ҳам мумкин. Бунинг учун турган жойингиздан шундай ортингизга ўтирилиш. Йўқ, босган изингизга эмас, ўша йўлни қандай қилиб босиб ўтганингизга аҳамият беринг. Дейлик, сиз эрталаб ишга кетаётиб шу ишни қилинг. Эрталаб ювиниш учун неча литр сув сарф қилдингиз? Ўша сувни оилангизда, дунёда неча киши бўлса шунчага кўпайтиринг ёки чиқинди солинадиган челақни қаёққа тўкасиз? Шундоққина болалар майдончаси олдидаги чиқинди уюмигами ёки махсус чиқинди солинадиган қутиларгами? Ҳаётингиз давомида охирги бор қачон дарахт экканингизни эсланг.

Агар сиз мактаб даврида устозларимиз эктирган эди дейдиган бўлсангиз бизнинг олдимизда эмас, виждонингиз олдида уялинг. Ҳаттоки кўзгуга қараб, атирингиздан фойдаланишингиз ҳам атмосферага қанча зиён келтиришини унутманг. Ҳайрон қолманг, тўғри сиз биттасиз, дунёда одамлар қанча? 7 миллиард. Ошхонангизда сизга тун-у кун беминнат хизмат қилаётган совутгичларингиздан чиқаётган фурион газлари бизни қуёшнинг ултрабинафша нурларидан ҳимояловчи озон қатламини емиришини биласизми? Машинангиздан чиқаётган чиқинди газчи? Унинг миқдори қанча ва сизга ўхшаб ишга машинада борадиганларнинг дунёда сони қанча? Йўлда кетаётиб яшил чироқдан ўтганингиздан ҳам кўра қизил чироққа тўхтаб, одамларни ўтказиб юборишингиздан ҳам кўра табиатга зарарингиз ҳам тегаётганини биласизми? Чунки бу вақтда ёқилғингиз чала ёниб, атроф-муҳитга жуда зарарли тутунлар айнан сизнинг машинангиздан тарқалади. Буни билмасангиз, демак шу ёшга етибсиз ҳамки сизда ҳали экологик билим саёз ва бунинг замирида экологик маданиятингиз, экологик тарбиянгиз ҳали шаклланиб улгурмаган. Бундан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нафакат ёшлар, балки катта ёшдаги кишилар ҳам экологик тарбияга муҳтож. Шундай экан, инсоннинг табиатга қолдирган изини бир тасаввур қилинг.

Юқоридаги мисоллар орқали ҳали биз бир хонадоннинг экологик ҳолатини мониторинг қилдик. Дунёда қанча завод-фабрикалар шиддат билан кечани- кеча, кундузни-кундуз демай ишлаб турибди. Буни ўйлар экансиз, уйдаги сувнинг жумрагини очиқ қолдиришингиз, кунига бир челақдан чиқинди чиқариб кўчанинг ёқасига чиқаришингиз ёки сиз билиб-билмай қилаётган бошқа экологик хатоларингиз “ҳамир учидан

патир” дейишингиз табиий. Аммо халқимизда “Тома-тома кўл бўлур”, “Ётиб есанг тоғ ҳам тугайди” деган мақоллар ўйлаётган саёз фикримизга қарши айтилгандек назаримда.

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим, энг хавф туғдираётган муаммолар жумласига кириб бораётганини онгли равишда ҳис этган ҳолда ўзимизда экологик маданият ва тарбияни шакллантириб, атрофдагиларнинг онгига ҳам сингдириб боришимиз табиатни асрашдаги эзгу амалларимизга тамал тоши бўлади. Буни турмуш тарзимизда жорий этишимиз билан эса табиатни асрашнинг олтин қоидасига сидқидилдан амал қилган бўламиз. Экологик муаммолар бундай амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имконини беради. Зеро, экологик маданият ва экологик тарбия бугунги кунда табиатни асрашнинг олтин қоидасидир.

Иқлим ўзгариши ҳодисасини ва унинг оқибатларини ўрганиш, дунё фанининг энг муҳим илмий-амалий вазифаларидан бири бўлиб, олимлар олдидаги устувор йўналишлардандир.

Ҳозирги вақтда иқлим ўзгаришига бағишланган ишлар фанда энг устувор йўналиш бўлиб, муҳим муаммоларни ечган илмий ишлар Халқаро илмий ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Кейинги вақтларда иқлим ўзгаришига бағишланган илмий ишлар учун икки олим Нобель мукофоти лауратига сазовор бўлди.

Иқлим ўзгаришига бағишланган жуда кўп халқаро конференциялар бўлиб ўтди. 2015 йилнинг февралида Швецария ва июн ойида Мюнхенда халқаро конференциялар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кўпгина давлат раҳбарлари глобал иқлим ўзгариши, унинг оқибатлари ва унга мослашиш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

2015 йил сентябрида БМТ Бош ассамблеясининг 70-юбилей сессияси бўлиб ўтди. Сессияда БМТ глобал ривожланиш муаммолари муҳокама қилинди. БМТ сессиясида сессия қатнашчилари глобал иқлим ўзгаришига алоҳида эътибор беришди. Сессияда қатнашган ҳар бир давлат раҳбари глобал иқлим ўзгаришига тўхталиб, ҳамкорликда ишлашни ва бу муаммога планетар муносабатда ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

2015 йил 30 ноябрдан 11 декабргача Францияда БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги (COP21) юқори даражада Халқаро “Париж 2015” конференцияси бўлди.

Ҳамма мамлакатлар томонидан қабул қилинган иқлим бўйича янги халқаро келишувга биноан глобал исишни 2°C пастда сақлаш масаласи конференцияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бу интилишлар ҳар бир мамлакатнинг талаби ва имкониятларини ҳисобга олиши керак. Келишув 2020 йилдан кучга кириб, барқарор бўлишга эришилиши кутилади. Конференциянинг мақсади дунёнинг ҳамма халқларини иқлимга умумий келишувнинг юридик жихатдан мажбур бўлишига эришишдир.

Қайд қилиш жоизки, инсониятнинг энергетик қуролланиш даражаси паст бўлган тарихий даврларда унинг глобал иқлимга таъсири сезиларли бўлмаган. Аммо XX-асрнинг ўрталарига келиб, тобора кудратли кучга эга бўлиб (айланиб) бораётган антропоген фаолиятнинг дунё иқлимга кўрсатаётган салбий таъсири сезиларли бўлиб қолди. Иқлимшуносларнинг маълумотларига кўра, кейинги юз йил давомида ер шарида ҳаво ҳарорати $0,6$ градус кўтарилган бўлса, бу кўрсаткич Европа қитъаси бўйича $+1,2$ градусни ташкил қилган (ҳозирги пайтда ер сиртида ўртача ҳарорат $+15$ градусга тенг).

Дунё океани ва денгизларида сув сатҳи $15-20$ см.га кўтарилган. Агар тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, келгуси 100 йилликнинг ҳар 10 йиллигида глобал ҳарорат $0,3$ градусга ортади, иқлимнинг исиши кутблардаги музликнинг эришига ва дунё океани сатҳининг 2030 йилга бориб яна 20 см.га, XXI-аср охирига бориб эса 65 см.га кўтарилиши рўй бериши башорат қилинмоқда.

Ушбу глобал салбий жараёнлар 1960-йиллар охирида иқлимшунос ва дунё муаммолари билан шуғулланувчи олимлар эътиборига тушди ва мазкур муаммоларни ҳал этиш (шуғулланиш) йўлидаги ҳаракатларга раҳбарлик қилишни БМТ ўз зиммасига олди.

ТАКЛИФЛАР.

- Фарзандлар дунёга келишлари биланоқ ота-оналар экологик тарбия бериб боришлари лозим;
- Фарзанд дунёга келгандан кейин ота-она ҳар тарафлама ўрнатиб, табиатга меҳрини шакллантириб бориши, унга нисбатан меҳрли ва шафқатли бўлишга ўргатиши;
- Ўзини ўзи бошқариш органлари жумладан маҳаллаларнинг атрофдаги муаммоларга бефарқ бўлмасдан турли ташкилий ишларни, турли кўрик танловларни ташкиллаштириб, ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берилиши лозим;
- Бугунги кундаги экологик муаммоларни замонавий ахборот воситалари ёрдамида бот-бот ойнаи жаҳонга чиқариб бутун олам экологик вазиятлари ҳақидаги маълумотларни ва янгиликларни кўрсатиб бориш лозим;
- Шаҳарлар қурилишида унумдор тупроқларга катта эътибор қаратиш, иложи бўлса шаҳарлар кенгайтирилишини қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳудудларга барпо этиш чораларини излаб топиш ;
- Аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигини юксалтириш;
- Боғлар яратиш йўқолиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонларни кўпайтириб биологик хилма-хилликни асраб аввайлаш
- Экожурналистика соҳасини ривожлантириб бугунги кундаги экологик вазиятлар билан аҳолини доимий бохабар қилиб бориш ва тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириб экологик маданиятни юксалтириш.
- Бола онадан туғилмасданоқ экологик тарбия бериб бошлаш керак. Фарзанд дунёга келгандан кейин ота-она ҳар тарафлама ўрнатиб, экологик онги ва маданиятини шакллантириб бориши, озодалikka ва тежамкорликка асосланган соғлом турмуш тарзини яратиши лозим;
- Шу билан бирга истироҳат боғлари, ҳайвонот боғи, музейлар ва бошқа табиатга даҳлдор ҳудудларга олиб чиқиб она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантириш, унга нисбатан шавқатли муносабатда бўлишга ўргатиш;

- Таълим муассасаларида маънавий тарбия бериш билан бирга экологик тарбияга ҳам катта эътибор қаратиш, боғча, мактаб, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида экологик саводхонликни кучайтириш;

- Ўзини-ўзи бошқариш органлари, жумладан маҳаллаларнинг атрофдаги экологик муаммоларга бефарқ бўлмасдан “Энг обод маҳалла”, “Обод хонадон” каби танловлар ташкил этиш;

- ОАВ орқали таъсирчан лавҳаларни, кунлик видеороликларни, мақолаларни бериб бориш;

- Замонавий ахборот коммуникацион технологиялари, хусусан интернет тармоқларидаги фойдаланувчиси кўп бўлган ижтимоий веб-сайтлардан кенг ва самарали фойдаланиш;

- Барчамиз йул ҳаракати қоидаларини, уларни бузилган ҳолатларда қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тасаввурга эгамиз. Худди шундай қилиб аҳоли онгида экологик светафорни ташкил этиш, йўл-ҳаракати қоидалари белгиларидагидек экологик таъқиқловчи белгиларни кенгрок ишлаб чиқиб, аҳолига етказиш;

- Энг асосийси эса инсон ўзини-ўзи англаши келажак тақдирига бефарқ бўлмаслиги даркор. Айникса, “Табиат менга нима берди деб эмас, мен табиатга нима бера олдим” деган ўй онг шууримизда муаллақ туриши лозим. Бу эса кишида экологик онг ва маданият шаклланганлигининг илк кўриниши бўлади деб уйлайман. Қолаверса, экологик маданиятли инсон деганда қандай ҳислатлар назарда тутилса, ана шу ҳислатларни киши ўзида тарбиялай олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Хамкорлик Ташкилотининг Фан Ва Технологиялар Бўйича Биринчи Саммитидаги Нутқи.//Халқ Сўзи, 2017 Йил 11 Сентябрь
2. *Мирзиёев Ш. М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 Йил 19 Сентябрь Кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясида Сўзлаган Нутқи.//Халқ; Сўзи, 2017 Йил 20 Сентябрь
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси.-Т.,2017.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик Назорат Тўғрисида» Ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Қонун Ҳужжатлари Тўплами.-2013.-№ 52.- 688- Модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 Йил 18 Январь “2017- 2021 Йилларда Оролбўйи Минтақасини Ривожлантириш Давлат Дастури Тўғрисида” Ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология Ва Атроф Мухитни Муҳофаза Қилиш Соҳасида Давлат Бошқаруви Тизимини Такомиллаштириш Тўғрисида” 2017 Йил 21 Апрельдаги ПҚ-5024-Сон Қарори.
7. 2015-2018 Йилларда Оролбўйи Минтақасини Тиклаш Ва Ижтимоий- Иқтисодий Ривожлантириш, Орол Ҳалокатининг Оқибатларини Енгиллаштириш Борасидаги Чора-Тадбирлар Комплекс Дастури Тўғрисида
8. “Бойсун-Моддий Ва Номоддий Маданият Бешиги” – Халқаро Илмий-Амалий Конференцияси. Термиз-2018.
9. Зокиров Х.Х. Агрокимё. – Т.: Университет, 1998
10. Зокиров Х. Х. Деҳқончилик Кимёсига Доир Қўлланма. - Т.: Университет, 1998.
11. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Табиатни Муҳофаза Қилиш ва Табиий Ресурслардан Оқилона Фойдаланиш Фанининг Ҳозирги Замон Муаммолари: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
12. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш.А. Табиатни Муҳофаза Қилиш Фанининг Илмий Назарий Ва Методологик Асослари: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
13. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Атмосфера

- Хавосини Муҳофаза Қилиш: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
14. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Сув Ресурсларини Муҳофаза Қилиш Ва Улардан Оқилона Фойдаланиш Муаммолари: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
 15. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Ер Ресурсларидан Фойдаланиш Ва Уларни Муҳофаза Қилиш. - Қарши, Насаф, 2010.
 16. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Биологик Ресурсларини Муҳофаза Қилиш Ва Улардан Оқилона Фойдаланиш: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
 17. Зокиров Х. Х.; Қўлдошева Ш. А. Ер Ости Қазилма Бойликлари Ва Ландшафтларни Муҳофаза Қилиш: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф 2010.
 18. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Табиатни Муҳофаза Қилиш Ва Халқаро Хамкорлик. - Қарши: Насаф, 2010.
 19. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. Табиатни Муҳофаза Қилиш Фанининг Ижтимоий, Иқтисодий, Сиёсий Ва Экологик Жихатлари: Ўқув Услубий Қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.
 20. Зокиров Х.Х., Ибрагимов А.Ж., Умарова М.Х. “Экология Ва География Мутахассислик Фанларидан Ўқув-Дала Амалиёти. “YANGI NASHR” Тошкент-2015.
 21. Х.Х.Зокиров., Нормуратов О.У. Технология и урожайность озимой пшеницы. “Наука сегодня: теоретические и практические аспекты” Сборник материалов III международной научно-практической конференции. Г.Москва, 2015 г.
 22. Х.Х.Зокиров Боғ қилишнинг ҳикмати “Сурхон тонги” 2017 23 декабр 76 (17398)-сон 3-бет
 23. Х.Х.Зокиров Тупроқ унумдорлиги ва иқлим ўзгариши “Сурхон тонги” 2018 йил 22 декабр 98-99 (174991)-сон 3-бет
 24. Х.Х.Зокиров Соғломбўлай десангиз, боғ яратинг “Экомувозанат” 2018 17 январь 2 (67)-сон 6-бет
 25. Зокиров Х.Х., Нормуртов О.У., ва бошқалар Почвенно-климатические условия сурхандарии Научный журнал UNIVERSUM:химия и биология Москва 2018.

26. Зокиров Х.Х., Зокирова Ю.Х., Чориева Ш.Қ. “Иқтисодий Инқирозга Сабаб Бўлувчи Экологик Омиллар”. “Сурхон-Нашр”. Термиз-2018.
27. Х.Х.Зокиров Яшил кўрғон ҳимояга муҳтож “Халқ сўзи” 2018 22 февраль 36 (6994)-сон 4-бет
28. Х.Х.Зокиров., Нормуратов О.У., Хуррамова А.Р. Соф экологик маҳсулотлар етиштиришда азотли ўғитларнинг меъёри. Озиқ-овқат хавфсизлиги: миллий ва глобал омиллар халқаро илмий-амалий конференция 2019-йил 16-17 октябрь. Самрақанд Ўзбекистон. 144-145 бетлар.
29. Х.Х.Зокиров., Нормуратов О.У., Хуррамова А.Р. Сурхондарё табиати ва экологик муаммолари. Наманган Давлат Университети Илмий Ахборотномаси. 2019 йил 6 сон. 193-198 бетлар
30. Эгамбердиев Р., Қодиров Ш.Ю., Жуманиёзов Ш.И., Досчанов М.Б., Нормуратов О.У “Инсон Экологияси Ва Унинг Муаммолари”. Хоразм, Урганч-2016.
31. “Ўзбекистоннинг Биозкологик Муаммолари”. Республика Илмий Ва Амалий –Техник Анжумани. Термиз-2016.
32. Чориева Ш.Қ. “Экологик таълим-тарбияда ахборот воситаларининг ўрни”. “Сурхон-Нашр”. Термиз-2018.
33. Ўринов Б.И. Таҳрири Остида “Атроф-Муҳитни Муҳофаза Қилиш Ва Табиий Ресурслардан Оқилона Фойдаланиш Соҳасидаги Фаолиятлар”- CHINOR ENK? 2010/
34. Каримов И. А, “Ўзбекистон XXI Аср Бўсағасида: Хавфсизликка Таҳдид, Барқарорлик Шартлари Ва Тараққиёт Кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
35. Ўзбекистон Энциклопедияси. - Т., 1978-1980 й. й. - 1-14- Жилдлар.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Давлат ва Шарқ алломаларининг табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлари хусусида.....	6
2. Атроф-муҳитга антропоген омилларнинг кучайиши сабаблари.....	12
3. Демография ва урбанизация ҳодисаларининг иқтисодий экологик оқибатлари.....	25
4. Иқтисодий фаолият натижаси ва экологик аҳвол.....	62
5. Саноат ишлаб чиқаришнинг табиатга таъсири (чиқиндили технология мисолида).....	65
6. Ўзбекистон ер ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	69
7. Тупроқ эрозияси, чўлланишнинг экоиқтисодиёга таъсири.....	70
8. Атмосфера ҳавоси тирик организмлар учун ҳаёт манбаидир.....	72
9. Экологик муаммоларни олдини олишда ахборот-таълим тарғиботнинг ўрни.....	77
10. Экологик онг ва маданиятни юксалтиришда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни.....	84
11. Экологик тафаккур танқислиги.....	87
12. Экологик этика ва таълим-тарбия.....	88
13. Оилада экологик таълим-тарбияни йўлга қўйишнинг усул ва воситалари.....	93
14. Аҳолининг экологик тафаккурини шакллантиришда экологик таълим-тарбияни босқичма-босқич амалга оширилишининг долзарблиги.....	95
15. Аҳолининг экологик онги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари ҳамда замонавий коммуникацион технологияларнинг аҳамияти.....	97
16. Экологик муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон республикасининг халқаро ҳамкорликдаги иштироки.....	102
17. Хулоса.....	110
18. Таклифлар.....	116
19. Фойдаланилган адабиётлар.....	118
20. Мундарижа.....	121

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

Зокиров Холмат Хуррамович ТерДУ профессори
Отамуродова Дилдора Абдукаримовна
ТДТУ Термиз филиали ўқитувчиси
Чориев Аликул Жумаевич ТерДУ ўқитувчиси

ЭКОИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

(Монография)

МУҲАРРИР:

Маъсул муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусаххих:

Саҳифаловчи:

Исроил ШОМИРОВ

Турдимурод МУСТАФОЕВ

Жума ШАЙМАТОВ

Гулчеҳра РАҲМАТОВА

Зулфия ТУРСУНОВА

Нашриёт лицензияси АИ № 013. 20.07.2018

Теришга берилди 17.11.2019 йилда берилди. Босишга 27.11.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози. Timez UZ гарнитураси. Шартли босма тобоғи 7.0. нашр босма тобоғи 5,6. 120-сонли шартнома. 630-сонли буюртма. Адади 300 нусхада. Эркин нархда

НАШРИЁТ МАНЗИЛИ:

“Сурхон Нашр” нашриёти Термиз шаҳри,
Айритом кўчаси, 25/15 уй
Тел: (0376) 223-24-74

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

“Сурхон Нашр” мчж босмахонасида чоп этилди.
Термиз шаҳри, Айритом кўчаси, 25/15 уй

